


Мөхмөн
Исломкул

БИР КАЛИШЛИК
ОБРҮ



ХАЖВИЯ ВА ХАНГОМАЛАР

ТОШКЕНТ
"DAVR PRESS" NMU
2012



84(59)7 - Ўзб.сафаб.

Меҳмон Исломқул узоқ йиллар давомида Ўзбекистон телерадиокомпаниясининг "Табассум" радиожурналида фаолият юритди. Ҳажв усталари, кулгу даргалари билан учрашди, яқин мулоқотда бўлди. Сайд Аҳмад, Неъмат Аминов, Анвар Муқимов, Анвар Обиджон, Саъдулла Сиёев каби ижодкорлар билан кўп йил ҳамкорлик қилди. "Қозонга тушган қайнамай қолмас", деганлариdek, унинг ўзи ҳам ҳажвиялар ёза бошлади. Шу кунгача ёзганларини "Йигиб-териб" бир китоб ҳолига келтирди ва "Бир калишик обрў" номи остида чоп эттириб, китобхонларга тақдим этди.

Китобга кирган ҳажвия, ҳикоя ва ҳангомалар қаҳрамонлари оддий, самимий, содда, тўпори, чапани одамлар. Уларнинг бир-бирига ухшамаган қиёфаси, тили, дунёқарashi бор. Персонажларнинг хатти-ҳаракатларини кузатиб, беихтиёр юзингизга табассум югуради, завқланасиз.

Меҳмон Исломқулнинг илк бор нашрдан чиқаётган ушбу китоби ўқувчиларга, албатта, манзур бўлади.

Китоб кенг оммага мўлжалланган.


Барча ҳуқуқлар амалдаги қонунларга асосан ҳимояланган.

"DAVR-PRESS" нашриёт-матбаа уйининг ёзма рухсатисиз ушбу нашрни қисман ёки тўлиқ ҳолда бошқа оммавий ахборот воситаларида электрон ёки механик кўринишда кўчириб босиш, магнит ташувчи воситаларда тарқатиш қатъий тақиқланади.

ISBN 978-9943-4071-0-7

© Меҳмон ИСЛОМҚУЛ, 2012

© "DAVR PRESS" NMU, 2012



ЭЗГУЛИКНИНГ КЕЧИ ЙЎҚ!

Ўзбек адабиётида ҳажвиёт жанри ҳамиша кенжा ва ноёб ҳисобланиб келинган, ҳозир ҳам худди шундай. Ҳажвиёт ниҳоятда қийин, бунинг устига нозик истеъодни талаб қиласиган соҳадирки, бу жанрда қалам тебратадиган ёзувчилар ҳозир бармоқ билан санаарли даражада. Узоққа бормайлик, унинг машҳур вакиллари — Абдулла Қодирий, Абдулла Қаҳҳор, Гафур Гулом, Сайд Аҳмад, Неъмат Аминов, Саъдулла Сиёевлардан кейин мундоқ кўзта яққол ташланадиган ҳажвчи йўқ даражада.

Ҳажвнинг жамиятда тутган ўрни, одамларга таъсири ва тарбияси ҳақида гапирмасак ҳам бўлади. Мана шундай бир танқис пайтда не-не ниятлар билан, не-не мashaққатлар билан қўлига қалам олиб, устозлар яратиб кетган ҳажв соҳасини танлаб, катта иштиёқ ва хафсала билан ижод қилаётган уқаларимиз сафида Меҳмон Исломқул угли (Ўжар Юсуф)нинг борлиги мени қувонтиради. У бу соҳага бугун кириб келган ижодкорлардан эмас. У қарийб ўттиз йиллар мобайнида миллионлаб мухлислари бўлган "Табассум" радиожурнали ва кейинчалик "Телеминиатюралар театри"да муҳаррир, шунингдек, муаллиф сифатида қалам тебратиб, ҳалқимизга кулги улашишдек савобли соҳада фаол ижод қилиб келган.

Меҳмонжон бу йиллар ичида, ортинал асарлар ёзиш билан кифояланмай, узбек китобхонларига бошқа тиллардан бир қанча асарларни таржима қилиб берди. Жумладан, қозоқ тилидан шоир Эсонғали Равшановнинг "Қушлар бизнинг дўстимиз" номли лирик-фалсафий эсселар тўплами, Ойсулов Ахан қизининг "Оққушлар армони" қиссаси, қозоқ адабиётшунос олимни Қулбек Эргобекнинг мумтоз адаб Собит Муқонов ижодига багишланган "Ёзувчи ижодхонаси" номли йирик монографияси, "Қозоқ халқ мақол ва маталлари" ҳамда Америка, рус, турк, қозоқ, озарбайжон ҳажвчиларининг энг сара асарларидан қилинган таржималари "Бир сандиқ тилла" номи билан чоп этилиб, кулги муҳлисларини хушнуд этди.

Аммо, афсуслар бўлсинким, Меҳмонжон радио ва телевидениенинг ҳажвиёт бўлимида куп йиллар ишлагани билан, ҳажвий жанрдаги асарларини бир муқовага жойлаштириб, чоп эттиришни хаёлига ҳам келтирмабди. Ҳечдан кўра кеч яхши, деганлариdek, биз, ака-ука маслаҳат билан бир қарорга келдик: уша, ёзиб, архивга ташлаб қўйилган барча ҳажвий ҳикоялар, миниатюраларни жамлааб, нашр эттирадиган бўлдик. Тўғри-да, бу ҳажвиялар уз вақтида миллионлаб тингловчиларни куладирган, завқ берган, керак булса, тарбиялаган. Булар яна одамларни куадиришга хизмат қилиши керак, деб билдик. Худди шу ният билан асарлар бир муқова ичига жамланиб, унга: "Бир калишик обрў" деган ном берилди. Шуниям айтиб ўтиш керакки, бунақа пайтда ижодкорларга қучоқ очиб, "Кел!" деб кутиб оладиган мард ноширлар ҳам керак. Айниқса, ҳозирги замондад! Ёзувчиларимизнинг сириини енгил қилиб, қучоқ очиб кутиб оладиган нашриётлар, шукр, йўқ эмас, бор экан. Бу "Davt press" нашриётидир.

Мазкур мажмуанинг ичида муаллифнинг синчков кузатувлари, ён-веримиздаги одамларнинг галати феъл-авторлари, бир-бирига эш, бир-бирига яқин, бири иккинчисининг давоми бўлган қаҳрамонлар тасвирига дучкеласиз. Булар "Қорабулоқ ҳангомалари" туркумидаги содда, керак бўлганида ортиқча мутамбир Мамат муйлов ва ундан "жабр кўрган" Абдураҳмон, Бегимқул чирмовуқ, мартабага ўч, думбул Шодиқул шаштак, тарозининг палласидек ликилдоқ, гўлгина Олмош, қитмир ҳамкасби, Кенташнинг ёлғонларига лаққа тушиб, жабрланиб юрадиган Саҳмон "жимжит", иши юришмай қолганида "декрет отпуска"га кетиш билан жамоани қурқитмоқчи бўлган Пистагул, ўзини яхшиликка "томизги" деб билувчи, аммо уни, яъни яхшиликни ўзидан ва ўзгалардан қизганиб кун кечиравчи Гиалимдинлардир. Хуллас, тўпламни ўқир экансиз, сиз ундаги асарлар ва уларга асос қилиб олинган воқеалардаги ҳаётийлик, ихчамлик, кутилмаган латифанома якундан завқ оласиз, деган умиддаман.

Тўпламдаги "Санъаткорлар ҳақидаги ҳангомалар"да халқимиз яхши билган ва севган истеъдод соҳибларига хос бўлган ўткир ҳазил туйгуси, улар ва уларнинг атрофидаги яқинларининг ҳаётида содир бўлган кулагили воқеалар ҳамда кичик хотиралар ҳам ўқувчида қизиқиш уйғотишига ишонаман.

Адабиётнинг даргоҳи кенг, шу вақтгача "Фалон ёшдан фалон ёшгача ёзувчи бўлиш мумкин" деган қоида йўқ. Ижодини олтмиш ёшида, ҳаётий таж-рибаларга бой фаслда бошлаб, машҳур бўлган адаблар адабиёт тарихида кўплаб топилади. Шундай бўлгандан кейин, эзгуликнинг кечи йўқ, укамиз Меҳмонжоннинг истеъоди ҳам, куч-қуввати ҳам етарли даражада. Ишонамизки, у енгни тирсаккacha шимариб, белни қамиш билан боғлаб, айни ижод қиласидиган, ёзадиган

чоги. Биринчи китобнинг ҳавоси бошқача бўлади. Биринчи китобдан кейин иккинчи, учинчи, тўрттинчи китоблар бир-бирини судраб келаверади. Қарабисизки, ҳеч қанча вақт ўтмай, ўша бўш ўтган ўттиз йиллик давр ўз-ўзидан унутилиб, Меҳмонжон ижод уммонига шўнгibi, ундан дуру гавҳарлар шодасини териб, сиз билан бизга ҳадя этаверади. Бунга бизнинг ишончимиз комил.

Оқ йўл сенга, қадрдан укам Меҳмонжон!

*Носир Фозилов,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган
Санъат арбоби,
Давлат мукофотининг лауреати*



КОРАБУЛОК ХАНГОМАЛАРИ



КУРКАГА ҚИРОН КЕЛДИ

Одам боласи борки, нимагадир орзуманд бұлиб яшайды. Кимdir орзусига етади, кимdir етолмай армонда кетади. Қорабулоқлик Шодиқул шашшак зигирдайлигидан амалга үч зди. Бирон мартабага эришиш учун үзини томдан ташлашга ҳам тайёр туради. Мактабда үқиши ёмон зди, лекин синф раҳбарининг сигирига үт үриб, таригини чумчукдан қўриб бериб синфком бўлди. Армияга борганда, уйидагилар юборган майиз, туршакларни командирнинг уйига ташиб, ефрейтор унвонига эришди.

Ҳарбийдан генералдай гердайиб қайтган ефрейтор Шодиқулга қишлоқда табелчилик ҳам тегмади. Бечоранинг бир йилдаёқ ранги кетиб, қадди буқчайди. Энди у одамларнинг тўғри гапигаям терс муомала қиласиган бўлгач, “Шашшак” деган лақабни ортириди.

Аммо йигит кишига эртами-кечми омад бир кулиб боқади, деганларидаи, Шодиқул улфатларининг кунглини топиб, уларга жўрабоши бўлиб олди. Одамнинг кўнгли кутарилса, бўйи ҳам кўтарилар экан. Ана шундан кейин унинг синиқсан рантига қон югуриб, қадди ростланиб, жўхори еган хўроздай гердайиб юрадиган, зиёфатнинг тўрида ўтириб, ақл ўргатадиган, алмойи-алжойи гаплари билан йигитларнинг энсасини қотирадиган бўлди. Аввалига улфатлар жўрабошининг тутуриги қочган қуруқ гапларидан кулиб юришди. Шодиқул булса, үзининг мартабасига кўнишиб, жўрабошилик завқини суро бошлаганида унинг ишонган синфдош-қадрдони Ка-римқул, кутиммаганда галва кўтариб, аталадан суюк чиқарди.

— Йигитлар, давай, Шодиқул ефрейтордан бошқа бутунроқ одамни жўрабоши қиласилик! — деди у навбатдаги гапда томдан тараша тушгандай қилиб.

Шодиқул дастурхондаги таомга құл чүзганча, Каримқулға қараб анграйиб қолди. Үлфатлар ҳам, аввалдан пухта үйланған режага асосан, Каримқул-нинг гапини илиб кетишиди:

— Эшиттан қулоққа ҳам яхшимас-да! — деди Маннот пирча, тақсимчадаги норинни чимдиб, оғзига олиб борар экан, — орамизда шунча лейтенант-у сержантлар бўла туриб, ефрейторнинг командаси билан ўтириб-туряпмиз!

— Бошда шуни ўйламабмиз! — деди гапни болтада чопгаңдай шарт-шурт гапирадиган Мирза қассоб.

— Аввал ўтган битта восвос ефрейтор дунёнинг шўрини қуритай деганди, буниси улфатнинг шўрини қуритмоқчи.

— Мени фикримча, — алломаланди Каримқул,

— Қорабулоқнинг қаймоги бўлган биздай бутун йигитларнинг жўрабошиси ҳам бутун қўли ҳам, дастурхони ҳам очиқ бўлсин, вақти-бемаҳал уйида зиёфат ўюстириб турсин! Ё гапим нотўгрими?!

— Жа-а-а тўгри гапирдинг, — деди Олмош ювош оғзининг таноби қочиб. — Асобинна зиёфатни яхши айтдинг. Тош эрийди, лекин Шодиқул эrimайди! Юзта курка боқади — улфат учун биттасини сўйиб қозонга босишни билмайди!

— Орамизда курка боқмасаям, курка сўяман деганлар йўтгамас! — деди Каримқул асосий мақсадга кўчиб. — Масалан, лишна ман, ким эртага якшанбада шу ўтирган қора кўзларни уйига чақириб, курка сўйиб сийласа, ўшани жўрабоши қилиб сайлардим. Хўш, бу ишни ким қойиллатади?

Келишувга кўра, ҳеч ким чурқ этмади. Норин еяётганлар зимдан Шодиқулнинг ҳолатини кузатишаради. Ҳеч кимдан садо чиқмагач, оқдуволдай гезариб ўтирган Шодиқулга жиндай жон кириб:

— Агар шу ишни ўзим қилсан, жўрабошилиқда қоламанми? — деди гингшиқ овозда.

— Буни кўпчилик ҳал қилсан, — деди Каримқул ўзини бепарво кўрсатиб. — Үлфатлар нима деса, шуда!

— Аввал куркалик димламани қойиллатсин, кейин уйлашиб күрамиз, — деди Маннот пирча.

— Э, бүptи, битта курка сенлардан айлансын! Бир катақ куркам бор, шунинг бири кетса кетибди-да! — деди Шодиқул бойваччалиги тутиб.

Аслида жүрабошини “янгилаш” галvasига ҳам шу — Шодиқулнинг ҳовлисидағи куркалар сабабчи бўлиб, жүрабошини курка димламага тушириш мақсадида Каримқул томонидан бутунги “галаён” бир кун аввал режалаштирилган эди.

Эртасига якшанба булгани учун улфатлар ионуштадан Шодиқулнига тўпланиши. Жўрабоши, қўли очиқлигини исботлаш учун, ҳовлиниң бир бурчагидаги сим тўр билан ўралган куркахонага ишора қилиб:

— Ана, бир қўра курка, ўзларинг танлаб, кузга ёққанини қозонга босинглар! — деди киборланиб.

— Танлаб ўтирмаймиз, — деди Каримқул, — катакка қарата болта отамиз, қайси бирига тегса, ушани қозонга босамиз!

Ўша куни куркахўрлик кечгача давом этди.

...Орадан икки ҳафта ўтгач, курка димламага иштиёқманд йигитлар навбатдаги гапда яна Шодиқулни жўрабошилиқдан “маҳрум” этишмоқчи бўлишди. Шодиқул яна битта курканинг баҳридан ўтадиган бўлди. Хуллас, у дастурхон тўридаги жойини қўлдан бермаслик учун ҳафта оралатиб меҳмон кутадиган бўлди.

Нихоят, қиши ўтиб, кўклам юмушлари қизиб, қишлоқдагиларнинг пайтавасига қурт тушган паллада Шодиқулнинг ҳовлисида мунгайиб юрган сўнгти курка ҳам қозонга босилди.

Сўнгти курканинг димламаси ўта мазали, утириш тоят завқли ўтди. Мезбоннинг шаънига кетма-кет алёрлар айтгилиб, таҳсинлар ўқилди. Кўтаринки руҳда бошланган зиёфат можаро билан якунланди. Каримқул, ҳеч кутилмаганды, Шодиқулни эгаллаб турган мансабини суиистеъмол қилишда айблади.

– Суиистеъмол қилиб нима қипман?! – деди бүгилиб Шодиқул. – Куркаларимни охиригача сўйиб, сенларга едирганим суиистеъмолга кирадими?!

– Киради! – деди Каримқул мит этмасдан. – Жўрабоши бўлатуриб, улфатни тўгри йўлга бошлаш ўрнига нафс йўлига бошладинг, текин зиёфат билан ҳалқумимизни булғадинг! Сени жўрабошим дейиш итимга ор, мушутимга номус!

Муҳокама якунида қишлоқнинг қаймоқ йигитлари, бир овоздан Каримқулнинг гапини маъқуллаб, Шодиқулни жўрабошиликдан тушириб, уйларига тарқалишди.

Ёз, куз ўтиб, қишлоқ йигитлари гап ейдиган қишки мавсум бошланганида, Шодиқулнинг бир қўра қузи боқаётганидан хабар топган улфатлар: “Кимда-ким қўзи кабобли зиёфат ўюштирса, ўша жўрабошимиз бўлади,” дейишибди. Бу гап қулогига етиб борган Шодиқул шапшак: “Курка сўяман, қўзи сўяман, керак бўлса, қўчкор сўяман, барибир ўзим жўрабоши бўламан!” деб кўкрагига уриб юрганиши.

ЛАҚАБ

Ҳаммаси Шодиқулнинг гузарда қурилиб, янги ишга тушган икки қаватли савдо марказига қоровулликка тайинланишидан бошланди. Куз ўтиб, Қорабулоқда гап-гаштаклар авжига чиқсан қиши бошида Шодиқулнинг шериги Абжал сариқ бетобланиб, шифохонага тушиб қолди. Шериксиз қолган Шодиқул постни ташлаб, шанба оқшомларидаги гаштакларга ҳам боролмайдиган бўлди. У хужрадаги чорпояда чўзилиб, бемаҳалда “тентак сув” ахтариб келувчиларнинг ҳам пулинни, ҳам дуосини олиб, даромад қилиб ётса-да, улфатларнинг қўлдан чиқиб кетишидан хавотирда эди.

Навбатдаги гап бўлаётган шанба кечасида у йигитларнинг хуш-хандон даврасини кўз олдига келтириб, чорпояда хомушланиб ётганида, эшик

гичирлаб очилиб, ҳужрага қўлида тутун, эгнида ранги унниққан сариқ камзул, бошида ярим жуни тукилган қўёнтери телпак Олмош "ҳув-ҳув" лаб кириб келди. У тутунни ҳужра уртасидаги, чойнак-пиёла турган ликилдоқ стол устига "тўқ" этказиб қўйиб, кираверишдаги курси устида спирали қизариб турган электр плитага қўлларини тутиб исинар экан, чорпояда чўзилиб ётган Шодиқулга қараб:

– Ман сан гарибни сиқилиб ўтирибди десам, иссиқ ҳужрада минг қўйлик бойдай талтайиб ётибсан-у!
– деди хиринглаб, сўнг кафтларини ишқаб, чорпоя чеккасига ўтириб ҳавасланди. – Бизгаям мана бундоқ иссиқ жойда ётиб ейдиган иш топсанг-чи, оқсоқол!

– Шуни ўйлаб гапиряпсанми, дурак? – деди Шодиқул энсаси қотиб. – Ким айтади сени дипломли муаллим деб! Сени дипломинг менда бўлса, ҳозир манов ҳужрада эмас, болиқа жойда ўтирган бўлардим!

– Каерда ўтирадинг? – деди Олмош қизиқиб.
– Камида туманни бошқариб ўтирадим! – деди Шодиқул шу тобда туманни бошқараётгандай керилиб.
– Беш йил институтда ўқиб ҳам бирор жойга бошлиқ бўлоғладинг-а, тиррақи!

– Мендан раҳбар чиқмайди, оқсоқол! – деди Олмош қўл силатаб. – Кўнглим бўш!

– Кўнглинг эмас, калланг бўш! Билиб қўй, калласи бўшнинг киссасида шингири йўқ бўлади, шингири йўқ жойда дингир кўп бўлади. Ҳай, майли, қани, тутунни еч, – деб у чорпоя тагига энганиб, Олмош яхши кўрадиган "Портвейн" шишасини олиб, тиқинни очар экан, сўраб қолди: – Мен йўғимда йигитлар жа-а-а яйраб ўтиришгандир?

– Ўтиришибди қарта ташлашиб, сени эслашиб! – деди Олмош шишадан кўзларини узмасдан тутунни ечар экан.

– Ҳаммани Каримқул силлиқ билан Маннот пирча чув туширяптими? – сўради Шодиқул чой юқи иккита пиёлага лимиллатиб май қуяр экан.

— Чув тушириш ҳам гапми, ёмон қилишяпти, ўртада пул йигилиши билан банкага уришади — шипириб олишади, ярамаслар! — сұнг мақтанғаннамо қүшиб қўйди. — Кеча хотин куртка оларсиз, деб тишини сугурғандай қилиб берган эллик мингни бир қўлдаёқ қоқиб олишди, тўймагурлар!

— Ўл, пўстак, энди хотинингга нима дейсан? — қўр-сайди Шодиқул.

— Сен айтгандай, “Хотин, шингир кетди, дингирни бошла”, дейман-да, бошқа нимаям дердим?

— Қани бўлмаса, хотиннинг дингиридан омон қолишинг учун олайлик! — деди Шодиқул ҳимматига ярашиқли салобат билан.

Олмош пиёладаги қирмизи винони бир кўтаришда илонютди қилиб, дўқиллатиб столга қўйиб, кафти билан лабларини артиб:

— Маззal — деб ҳузурланди.

Шодиқул индамай пиёлани яна тўлгазиб:

— Ол, кўтар! Ўзиям қумта сингандай кетдими дейман, — деди.

— Х-ў-ў, айтма! — деди Олмош пиёлани қўлига олар экан. — Мана шу томонларинг бор-да, оқсоқол, бўлмаса...

— Бўлмаса бир тийинга қимматсан, демоқчимисан?!

— деди Шодиқул унга ёвқараш қилиб.

— Йў-йў-йў, улибманни ундоқ деб! — деди Олмош довдирраб. — Каримқул сингари силлиқлардан сенга ўхшаш кирчимоллар — ўлса, улиги ортиқ! Бугунги кунда бу музофотда сенингдек Ҳотамтой ялангтуш топилмайди!

Шодиқул мақтовдан танасига қон югуриб, ҳузур-лана бошлади.

— Олтин бошинг омон бўлсин, оқсоқол! — Олмош бу пиёладагини ҳам бир кўтаришда бўшатиб, уни стол устига дўқиллатиб қўйиб, ўзи олиб келган тутундаги қовурма чучвара, чалпакларни бир чеккадан горат қиласар экан, қулфи-дили очилиб гапира бошлади:

— Сенга қарши ким нима деса десин, ман сан тараф! Бугун анов Қаршимат сурбашара “Шодиқул жўрабошилиқдан туширилмаса, улфатдан чиқаман!” деди.

— Шундоқ дедими-я?! — алам билан сўради Шодиқул.

— Деди!

— Ўзи кучукка ювунди, мушукка сарқит қўёлмайди, қўйганни кўролмайди!

— Кўролмайди! — мъекуллади Олмош, кейин важоҳати ўзгариб кучайди. — Кўролмаган сўтакнинг ўзим боплаб адабини бераман!

— Сен-а?!

— Ҳа-да! — Олмош ўрнидан даст кўтарилиб чиранди. — Адабини беришимга ишонмайсанми?! Ишонмайсан-а?!

— Йў-йў, ишонаман! — деди Шодиқул унинг елкасидан босиб, жойига ўтқазишга уриниб. — Ишонганимдан сенга муҳим топшириқ бераман!

— Бер топшириқни! — деди Олмош ўйлаб ҳам ўтирасдан.

— Топшириқ бундай! — деди Шодиқул қошлигини кериб. — Ҳар шанба ўтиришдан чиқибоқ, қирни қирқалаб, сойдан сакраб бўлса-да, тўгри қоровулхонага келиб, шаънимга айтилган паст-баланд гаплардан мени хабардор қилиш — сендан, шаробга туйдириш — мендан!

— Хабардор қилиш ҳам гапми, сенга қарши айтилган ҳар бир гапни нуқта, вергулигача конспектлаб қўлингга бераман! — деб кучайди Олмош..

Шундай қилиб, Олмош Шодиқулнинг топширигини сидқидидан бажаришга киришиб кетди. Энди у ўтиришда жўрабоши ҳақида ким нима деганини ён дафтарга ёзиб, гапдан чиқа солиб, уни муштоқ бўлиб кутиб ўтирган Шодиқулга келиб, ахборот бергач, ҳақига яримта винони уриб, уйига равона бўларди. Олмошнинг “оператив маълумот”и билан қуромланган

Шодиқул эртасига чойхонадаги шұрвахұрликка тұпланған улфатларини күрнамаклиқда, риёкорлиқда айблашгача етиб борарди. Бұ ҳол бир эмас, бир неча бор такрорланғач, ичларидан кимдир унга ғап ташиётгани аён бұлды. Йигитлар шунча бөш қотиришиб ҳам "ташмачи"нинг кимлігіни топишлоғады.

Ана шу вазиятда Янги йил байрами кириб келди. Шериги шифохонадан соғайиб чиққаны боис байрам дастурхонининг тұрида Шодиқулнинг үзи құр түкиб үтиради.

Одатда кайф бұлса-да, бирөвға озор бермайдыған Олмош ювош, бу сафар күпроқ ичиб құйғаниданми, миңғөвләниб, үтиришнинг файзини бузди. Бундан аччиқланған жұрабоши:

– Бұлды, бас Олмошни үйига обориб ташланғлар!
– деб амр құлди, кейин құшиб қүйди. – Бугунги қилиғи учун унга иштарал соламиз, зертага чойхонада улфатларға зиёфат ташқыл қиласы!

Жұрабошининг ұқмас айбординан бोшқа ҳаммага маъқұл келиб, қарсаклар билан олқишлианды. Аммо "айбдор" тақдирға тан бериш үрнігі, қулинин пахса қилиб:

– Ҳали шундоқми?! – деди кекирдагини чүзіб.
– Ҳа, шундоқ! – چұрт кесди Шодиқул. – Буям камлік қылса, бүйнингтә каттароқ иштрап илиб құяман, күтәролмай, әзилиб кетасан!
– Үнда менам хұрда-бұрданғда йұқман, бугундан бошлаб сенға ғап ташимайман! – деворди.

Хонага оғир сукунат чүқди. Олмош ёнидан қалин ён дафтарни чиқарып, Шодиқулнинг юзига қаратада отди.

– Ол дафтарни, энди унга үзинг ҳақынғдаги ғапларни үзинг ёз!

Хонага чүккан бир зумги оғир сукунатда Шодиқулнинг:

– Үл, думбул, расво қылдинг, үзингніям, мениям текинга сотдинг! – деган аламал овози әшитилді.

Қаҳ-қаҳадан хона ичи гумбирлаб, шифтдаги пиша қандил шодалари шилдираб кетди.

Үтириш якунида, улфатнинг қарорига биноан Шодиқұл жүрабошилиқдан туширилиб, Олмошга "айгоқчи" лақаби берилди. Олмош гап ташимай қуисада, қишлоқда "Айгоқчи" бўлиб қолди. Ислам — кўқдан, лақаб — дўстдан деб шуни айтсалар керак-да!

ГАЛСТУК

Бир пайтлар резина бөгичли, икки учи темир илгакли, арzon галстуклар бўларди. Шунинг учун уни талабалар хуш кўришарди. Уни таққандә оддий кўйлакнинг ёқаси ҳам "пўрим" кўринарди. Олмош ҳам ана шундай қора галстук билан педагогика олийгоҳини туталлаб, мактабга ишга келганига ҳам ўттиз беш йил бўлибдики, ҳамон уни бўйнидан қўймай, тақиб юради. Бир пайтлар хотини "Шу галстук сизга бирам ярашади!" — деган бўлса, энди "Шу эски матоҳдан қачон қутуласиз?!" — деб зорланадиган бўлган. Олмош эса "Ирим қилдим, шу галстукни пенсиягача бўйнимдан ечмайман!" деб гийқиллаб кулади. Галстукни мактабга таққани етмагандек, шанба оқшомларидаги улфатлар билан бўладиган гаштакларга ҳам тақиб борарди.

Янги йил арафасида Каримқұл қитмир улфатларга "Олмош байрам зиёфатига галстукда келса, уни норинга қўшиб, ўзига едириб юбормасам, отимни бошқа қўяман!" деб катта гапириб қўйди.

Содиқникида бўлган янги йил арафасидаги үтиришга кутилганидек, Олмош кўна бўйинбогини тақиб келди. Каримқұл билан Мирза қассоб норинга гўшт тўтрашашётган эди. Олмош курткасини ечиб, кўрпачага үтираётганида Каримқұл: "Галстутигини ечиб ўтирант-чи, мажлисда эмасссан-ку!" — деди энсаси қотиб. Олмош истамайгина галстукни ечиб, илгичдаги куртканинг устига илиб, нарда ташлашашётган жўралар

ёнига бориб ўтирди. Каримқул дик этиб ўрнидан туриб, галстукни олиб, гүштахтага қўйиб, майда қилиб қиймалаб, алоҳида тогорачадаги хамирга ара-лаштираётганини сезганларнинг бирори мийигида кулади, бирори томоқ қирди, бирори йуталди.


Дастурхонга норин тортилганида, Олмошнинг олдига алоҳида тўғралган тогорачадагидан қўйилди. Олмош қўлидаги қадаҳни сипқоргач, иштаҳа билан норин ейишга киришиб кетди. Хонага оғир сукунат чўкиб, улфатлар “Буёғи нима бўларкин?” – деб кута бошлишди. У тақсимчадаги норинни ярмигача еди-да, кейин тишига кириб қолган “гўшт” парчасини қўли билан олиб, уни бармоқлари орасида зэгилаб:

– Роса қари, қирчангги отнинг эти экан! – деб хулоса қилди, кейин яна норинни ейища давом этар экан, афтини буриштириб, уй эгасига зорланди. – Содиқбой, товуқ семирса тухумламайди дегандай, бойиган сайин қаттиқлашиб, норинга эт ўрнига эски этикнинг ўлтонини солғанмидинг, ҳар ютганда томоқни қириб ўтяпти!

Меҳмонхонада кўтарилган қаҳ-қаҳадан шифтдаги биллур қандилнинг шодаларигача жиринглаб кетди.

ИТ

Олмош ярим кечаси уйгониб кетиб, очиқ деразадан қоп-қора, катта ит хона ичкарисига мўралаётганини кўриб, миясига қон гупиллаб урилди. У ўрнидан аста турди-да, оёқ учидаги юриб ҳовлига чиққаҷ, айвон устунига суюб қўйилган белкуракни қўлига олди. Кейин у нафас олмасдан, оёқ учидаги юриб, деразага яқинлашгач, қулочкашлаб туриб қучининг борича итнинг бошига белкурак билан туширган эди... ангиллаш ўрнига ҳовлини темирнинг жаранглаши-ю, тарақ-туроқ тутиб кетди. Тарақ-туроқдан чўчиб уйгонган хотин аввалига “Аба-а-а!” деб бақириб, сўнг тиљдан қолгандај жимиб қрлди. Олмош чирокни



ёқиб, кўзига ит бўлиб кўринган нарса, хотинининг қора панбарҳат ҳалати ёпилган сепаратор эканини кўрйб, алам билан "Падарингга лаънат!" деб, қўлидаги белкуракни ҳовли томонга улоқтириди. Хотин ётган жойида аранг тилга кириб:

— Бой бўлгур, нима бўлди-и-и?! — деди йигламираб.

Олмош айвон билан бир бўлиб, сочилиб ётган сепаратор анжомларига ижирганиб қараб:

— Тур-е, масов, сочилиб ётган ... итни йигипитириб ол! — деди алам билан.

ТОВУҚНИНГ ХУНИ

Шаҳарда ўсган бола табиатга ўч бўлади. Соибжон ҳам шаҳарда ўсган бола эмасми, ёзги таътида, қишлоққа, бувасиникига келиши билан Жўрабой отанинг ҳовлиси турли хил жонзорлар билан гавжумлашиб қолади. Ҳовли сатҳида тошбақа гимирлаётган, кўзи энди очилган ола-була кучукчалар айқаш-уйқаш бўлиб акиллашаётган, она-сонда ишком тагидан игналарини ҳурлайтириб типратикан кўриниб қолади. Ҳатто ўтган йили ҳовлида қаноти синган турна пайдо бўлиб, қаноти тузалгач ҳам, ёз бўйи қўлдан хўрак еб, ишком тагида яшаб, кеч кузда бошқа турналар галасига қўшилиб учиб кетганди.

Соибжон бу йил қишлоққа келибоқ, турнани то-пиш умидида атрофдаги тўқай, қирларни кезиб чиқди. Ўша куни ҳам у нонуштадан кейин турнани ахтаришга чиқиб кетиб, чошгоҳ пайти сарғиш товуқни қўлтиқлаб кириб келди.

Тандирда нон ёпаётган бувиси неваранинг қўлтиғига тикилиб:

— Соибжон, қўлтигиндаги товуқми? — деди ажабланиб.

— Ҳа, ёввойи товуқ, — деди Соибжон уни ҳовлига қўйиб юборар экан. — Анҳор бўйидан ушладим, турна ўрнига боқаман.

— Бу ҳовлига битта товуқ етишмаётувди, — деб кулди бувиси.

— Етишмаса, мана энди етишди! — деди невара ҳовлининг бир камини бутлаганидан ўзига сигмасдан.

— Чирогим, ёввойи товуқмас, қўшниларнинг товугини ушлаб кепсан.

— Қўшниларникмас, анҳор бўйида бир ўзи юрган ёввойи товуқ! — сўзини бермади невара.

— Ёввойи товуқ учиб юради, бу — хонаки товуқ, — тушунтироқчи бўлди бувиси.

— Эгаси йўқ, ёввойи товуқ! — невара гапида туриб олди.

Аср пайти ошнасининг маъракасидан ҳориб қайтган Жўрабой ота юз-қўлини ювиб, айвонга чиқиб, кўрпачага ўтирас экан, кампиридан сўраб қолди:

— Ҳовлида товуқ кўрингандай бўлдими, Ҳалима?

— Неварангизнинг бугун кўчадан топиб келгани шу бўлди, — деди кампир унга чой узатар экан. — Анҳор бўйидан ушлаганиши, ёввойи товуқ, деб гапини бермайди.

— Ёввойимишми? — бош чайқаб кулди Жўрабой ота.

— Эсим қурсин, товуқни анҳор бўйидан ушлаган бўлса, у Қўштой чатоқники бўлмасин тагин. Анҳор яқинида чатоқнинг қўргонидан бошқа уй йўқ...

— Тўгри айтасан, чатоқдан балота қоламиз, — деди Жўрабой ота, кейин ишком тагида кучуклар билан машгул бўлган неварасини чорлади. — Той, бери келчи!

Соибжон қўлларини шортигига артганча, айвон қаршисига келиб, бувасининг юзига саволомуз тикилди.

— Анови ёввойи товуқни қаердан тутдинг?

— Анҳор бўйидан!

– Ёввойилиги аниқми? – ўсмоқчилади буваси.

– Ёввойи!

– Товуқнинг ўзи “ёввойиман” дедими?

Невара нима дейишини билмай, бувасининг юзига бир зум тикилиб туриб, сўнг:

– Товуқ гапирадими?! – деди.

– Ёввойи бўлганида гапиради, – мийигида кулди буваси. – Бунинг фақат қақиллаяпти, демак, ёввойимас, хонаки. Гап бундай, анҳор бўйидаги яшил дарвозали уйни билсанми, Қосим деган сен тенги ўғли бор?

– Қосимнинг уйини биламан.

– Билсанг, товуқни ўша Қосимнинг қўлига оборгин-да, товугинглар адашиб биз томонларда юрган экан, деб қўлига бериб келгин. Қани, гизилла!

Соибжон қовогини солганча, ишком тагидан тоvuқни қақиллатиб ушлаб, қўлтиқлаб чиқиб кетди.

Эртасига нонушта пайти ҳовлига қўшни маҳаллалик Нишонгула шақ-шақ вайсаб кириб келди:

– Ҳой, Жўрабой, Ҳалима, мани тилла товуғимни тулки илиб кетди, десам, болалар шаҳарлик эркатой неварангни қултиғида кўришибди. Худота шукр, унда тиллагинам тирик экан, деб учуб келяпман.

– Э, ўша сарғиш товуқ сеникимиди? – деди Жўрабой ота қизариб.

– “Сарғиш” дема, “тилла” де! – деди энсаси қотиб Нишонгул кампир. – Мен уни “тилла” десам, “лаббай” дегандай қурқиллаб жавоб қиласди улмагур!

– завқланиб кулди Нишонгул. – Ҳар куни биттадан ҳандалақдай тухум туғиб беради, ман уни нонуштага илитиб ютаман!

– Биз уни Қўштойники деб ўйлаб, ўшаникига бердириб юборибмиз, – деди Ҳалима кампир унга чой қуйиб узатар экан.

– Нимага Қўштойники бўлар экан?! – Нишонгул кампир жазавага тушиб, тиззаларини шапатилади.

— Шопирилмасдан бирпас ўпкангни босиб, иссиқ чой ичиб, ҳовуриңдан тушиб ўтири, ҳозир товуғингни қайтариб олиб келди, — деди Жұрабой ота, кейин Нишонгул кампирнинг важоҳатидан чўчиб, хонтахта тагига киргудай бўлиб ҳурпайиб ўтирган неварасига буюрди. — Той, кеча оборган уйингдан товуқни гизиллаб қайтариб келиб, момонгни бир хурсанд қилгин.

Соибжон дик этиб ўрнидан туриб, ҳовлидан юргурганча чиқиб кетди.

— Агар товуқ Қўштой чатоқнинг қўлига тушган бўлса, ажалидан бурун шаҳид кетиб, қозонга босилган! — деди Нишонгул ишонч билан.

— Унақа деманг, — деди Ҳалима буви. — Ўлган эканда, бирорнинг товугини қозонга босса...

— Агар ман билган Қўштой бўлса, босади! — чўрт кесди Нишонгул.

Кўп ўтмай Соибжон дарвозадан бўшашиб кириб келди.

— Бува, — деди у йигламоқдан бери бўлиб, — улар ҳеч қанақа товуқ кўрмадик, деб беришмади.

— Ана-а-а! — деди Нишонгул гапи тўғри чиққанидан қувониб. — Қўштой товуқ у ёқда турсин, ҳовлисига кириб қолган итнинг терисини шилиб қолади-ю, шундай товуқни омон қўярмиди! Ҳм, билар эканманми?

— Бўлти, айб бизда, товуғингни хунини тўлайман, — деди Жұрабой ота ёнидан кармонини чиқариб. — Хуни қанча бўлишини айт...

Нишонгул шақ-шақ бу гапдан қувониш ўрнига, ҳовли ўртасига чиқиб олиб, ликонглаб, баттар жазавага тушди:

— Вой, хун тўлайдиган бойвачча-ей! Товуғимнинг хунини тўлашга қурбинг етмайди! Мени товуғим — бебаҳо!

— Бебаҳо бўлса, унда ўзингдан кўр! — деди Жұрабой ота ҳам қизишиб. — Вагиллаб, шақиллаб, миямни пўла қимасдан, уйдан чиқ!

— Ҳай-ҳай, бобоси, қизишманг, — деди Ҳалима буви чолининг феъли қўзиганидан нокулай аҳволга тушиб.

— Бошимдан шагал тўкиб, тамом қилди, қизишмай бўладими?! — деди Жўрабой ота. — Йўқолсин қўзимдан!

— Хўп, йўқоламан, — деди Нишонгул, — аммо-лекин катта гапиртанинг учун пушаймон еб, Нишонгул, деса шайтонлаб қоладиган қилмасам, отимни бошқа қўяман!

Нишонгул вайсатанича, вагиллаб ҳовлидан чиқиб кетди.

Эртасига пешинда қушни қишлоқлик Исоқ ланг, бир томонга шох ташлаб, шаҳд билан Жўрабой отанинг ҳовлисига кириб, салом йўқ, алик йўқ, оғилхонага бош сукди, ишком тагини кўздан кечирди, сўнг сўрида унинг ҳаракатларини ажабланиб кузатиб ўтирган Жўрабой отага юзланиб:

— Эшакни қаерга яширдингиз?! — деди.

— Қанақа эшак? — деди ота ҳайрон бўлиб.

— Кўкиш, йўрга эшак!

— Нима бало, ёнгоқнинг тагида ётувдингми? — деди ажабланиб Жўрабой ота. — Мени эшак угриси қиляпсанми?

— Гапни айлантирманг, эшагимни неварангиз миниб юрганини Нишонгул кампир ўз кузи билан куриби!

— деди Исоқ ланг юз-кўзидағи терни рўмолчасига артар экан. — Кўриб турибсиз, аҳволим мана бу, у мени узогимни яқин, оғиримни енгил қиладиган қанотим эди!

— Қанотинг бўлса, эҳтиёт қил эди, — деди Жўрабой ота энаси қотиб. — Энди бир олашақшақнинг гапига учиб, туҳмат қилишга ҳаддинг сиғдими?!

— Гапни айлантирмасдан эшакни толиб берасиз, бўлмаса устингиздан учасковойга арз қиласман!

— Менга деса пиркурорга арз қимайсанми?! — деди Жўрабой ота бугилиб. — Туҳмат учун ҳам жазо бор, ука!

Күр ушлаганини, гаранг эшиттанини қўймайди, деганларидек, ланг Худонинг берган куни наҳордан эшик тагига келиб, "Эшагимни топиб берасан!" деб отанинг жонидан тўйғазиб юборди. Яхшиямки, бир ҳафтадан кейин эшак ўгриси қўлга тушиб, ота туҳматдан қутулиб қолди. Агар у яна бир-икки кун қатнаганида Жўрабой ота унга эшакнинг хунини берадиган ҳолатга келиб қолган, ҳатто кампири билан маслаҳатлашиб, унга пул ҳам топиб қўйишган эди.

Жўрабой ота бир ҳафтадан бери туҳматдан қутулиб, елкасидан тог ағдарилгандай енгил нафас олиб юрувди, якшанба куни тонгда қозоқ овуллик Сатилла чавандоз ёнида учта шериги билан ҳовлиқиб кириб келди.

— Ай, Жўрабой, қурдас! — деди Сатилла қучоқлашиб кўришар экан. — Улақда шапатин айгиримди жўтатиб, табалмай жур эдим, Нишанкул уни неберенг миниб жургенин айтди, Нишанкулга суюншини бериб, келдик! — деди димоги чоғ бўлиб.

— Ярамас, Нишонгул, товуғинг эшақдан энди айгирга айланибди-да! — деди Жўрабой ота алам билан ҳамда пешонасини ушлаб, ўтириб қолди.

УМРИ УЗУН ЭКАН

Дилмурод улфатлари билан чойхонадаги ўтиришдан кайфи тароқ, "Айрилмуш"ни димогида хиргойилаб, маҳаллага бурилиб, уйига яқинлашди. Оқшом гираширасида ён қўшниси Суюннинг дарвозаси олдида одамлар тўдалашиб турганини кўриб, ҳушёр тортди.

— Ҳа-ҳеј, чингачуклар, нега бўтда тўпланиб турибсанлар?! — деди уларга яқинлашгач.

— Сен йўқсан, мана, узуноёқ янгангдан айрилиб қолдик, — деди маҳалланинг сўзамоли Ҳайитқул.

— Йўғ-е?! — деди Дилмурод ишонгиси келмай. — Боягина кўрувдим, туппа-тузук юрувди...

— Ҳа-а, Дилмурод, шундоқ бўп қолди, янгангдан айрилиб қолдик, — деди бошига кутилмаганда тушган кулфатдан тўкилиб кетар ҳолатда буқчайиб қолган Суюн ўнг елкасини учирив, чап кўзини қисиб, — туппа-тузук овқат ичиб ўтириб-е-е-б...

У шундай деб елкалари титраб, йиглаб юборди.

— Банданинг ҳоли шу, бардам бўл, иним, — деди ёши улуугроқ қўшнилардан бири унга далда бериб. — Узун... э... Нортожи келинимизнинг Худога ёқсан томонлари бор эканки, елдек келиб, селдек олиб кетибди.

Дароз бўйли, оёги ҳам, қўли ҳам узун, бир сиқим келадиган мижиқ, касалманд эридан гавдаси уч баравар катта Нортожини маҳалладатилар “Узун-оёқ” дейишарди. У маҳаллани лўкиллаб кезиб, қўшниларнинг уйи атрофида қўлига илинган нарсани — тарашами, таппими этаклаб, қўлтиқлаб уйига ташмалайдиган одати бор эди. Баҳордан кузгача болачақаси билан уззукун далада, экин бошида бўладиган ён қўшни — Дилмуроднинг ҳовлисидан истаган нарсасини олишга ўрганган, уй соҳиблари ҳам бунга кўника бошлашганди. Бугун Дилмурод чойхонада гаштакка бориш учун даладан пешинда қайтиб, ювиниб-кийинаётганида ташқи ҳовлидаги катақда товуқларнинг безовта қақиляшини эшилди. “Ит киргандир” деб чиқса, узуноёқ катақ ичида этагига тухум тераётган экан. У Дилмуродни кўриб, “вой” деб этакни қўйиб юборувди, ўнтача тухум ерга тушиб синди. Дилмурод серрайиб туриб қолган Нортожига, кейин ерда оқиб ётган тухумларга қаради-да, бир оғиз ҳам гапирмасдан, қўя силтаб ортига қайтди.

Мана энди, ўша безовта аёл бу ёлгои дунёни тарк этибди. Дилмурод унинг қилигидан ижирганиб қўл силтагани учун шу тобда ўзини ёмон кўриб кетди. Миясида: “Бояқиши, тухум егиси келган экан-да! Сунгги насибаси — охират ошидан бенасиб қилибман-да!” деган хаёл чарх ура бошлади. Шу тобда бу хатосини тузатиш учун нимадир қилмаса юраги тарс ёрилиб кетишини ҳис қилиб:

— Бундай бўлиши мумкин эмас! — деди алам билан, кейин қўшниларга тушунарсиз галати гап қилди.
— Бу маҳаллада ҳеч ким мен билан хайрлашмасдан ўлмайди! Ҳе, пандавақилар!..

Шундай дея у шитоб билан юриб, ҳовлига кириб кетди.

— Тушунмадим, нега у бизга газаб қилди? — деди Ҳайитқул елка қисиб.

Дилмурод ўша шашт билан даҳлизга бостириб кирди-да, у ерда ўтирган маҳалланинг аёлларига эътибор бермасдан меҳмонхонага ўтди. Ичкарида марҳуманинг яқинлари майит атрофида шивирлашиб ўтиришарди.

— Қани, мени Нортожи янгам?! — хитоб қилди Дилмурод ичкарига қадам қўйиши билан.

— Ҳой, манов мастми? — деди унинг важоҳатидан қўрқиб кетган аёллардан бири.

Дилмурод гурс-гурс юриб, тўрга — майит ётқизилган тўшак тепасига бориб, унинг қаршисида тиз чўкди-да, саннаб йўқдай кетди:

— Вой бечора, тухумсираган, янгам-эй! Бу ёлгон дунёдан тухум емай кетган янгам-эй!

Дилмуроднинг йўқловни тухумдан бошлаганини ўтирганлар унинг мастилигига йўйишиди. Тухумдан бошланган йўқлов кутилмаганда қофияли сўзларга уланиб кетди. Дилмурод тилининг бийронлигидан жўшиб, кузларидан шашқатор ёш оқиб, саннашда давом этди. У ўзи биламаган ҳолда бир пайтлар қайсиdir китобда уқиган йўқловни такрорларди:

— Вой, Нортожи янгам-эй, кўтар бошни, фарёдим уйғотди-ку тогу тошни! Йўқлаб келдим бошингта, бусагангга тўкиб ёшни!..

Марҳуманинг шу чоққача йиглолмай ўтирган яқинлари Дилмуроднинг қофияли саннашидан таъсирланиб, "вой жигарим"лаб уввос тортиб йиглай бошлашди.

Дилмуроднинг кўз ёшлари марҳуманинг юзига томганида, майитнинг киприклари қимиirlагандай туюлди. Дилмурод сергак тортиб, рўмолчасига кўзларини артиб, марҳуманинг юзига диққат билан тикилди ва ёстиқ устидаги бош аста қимиirlаёттанини пайқаб, ўзи томоги қуруқшаб турганидан:

– Янга, сув ичасизми? – деворди.

Ияги танғилган бош “ҳа” деган маънода ёстиқ устида аста қимиirlади.

– Э, одам бўлмай ўлларинг, суррофлар! – гижинди Дилмурод ияқдаги латтани ечар экан. – Тирик одамнинг иягини қапиштириб боғлаганларинг нимаси, э??!

– Нима қиляпти бу?! Наҳотки бу уйда бир мастни кўчага чиқариб ташлайдиган эркак топилмаса?! – чувуллашди аёллар.

Дилмурод ияқдаги богочни ечиб:

– Нортожи келинойи, тузукмисиз? – деса, “марҳума” эшитилар-эшитилмас:

– Ҳа-а-а, – деди.

– Ҳе, пайтавақулоқлар! – бўкирди Дилмурод атрофида норози гўнгиллашаётган аёлларга қўл силтаб.

– Сен эсовлар, “ҳай” демаса одамни тириклай қўмсанлар! Бечорага дарров сув ичириб, қараларинг бундоқ!

У шундай деб, ўрнидан даст кўтарилиб, яна гуртурс юрганча, хонани тарк этди.


Бу воқеага яқинда икки йил тўлади. Узуноёқ янга, умри узун экан, ҳамон соппа-сөғ, маҳаллани лўкиллаб кезиб, қўлига илинган нарсани уйига ташмалаб, яшаб юриди.

Ҳайитқул сўзамол бўлса, баъзан Дилмуродга тегажоқдик қилиб:

– Ўша куни сен халақит бермаганингда, аллақачонлар узуноёқ янгангнинг йил ошини ўтказиб, эндиғача Суюнга бошқа, гавдасига мосроқ хотин олиб бериб, бехавотир яшардик! – деб кулади.



МАМАТ МҮЙЛОВ ХАҚИДА ХАНГОМАЛАР



АБДУРАҲМОН, СОАТ НЕЧА БЎЛДИ?

Мамат мўйлов шаҳардан бонг урадиган осма соат олиб келиб айвонига осувди — кўримсизгина айвонга кўрк киргандай бўлди. Бирорларнинг буюомларига "бошқоронги" бўлиб юрадиган ён қўшниси Абдураҳмон соатни қўрди-ю, уни "хусусийлаштириш"ни ўйлаб қолди. Соат келган куннинг эртасига у мўйлов билан айвонда гурунглашиб ўтириб, ҳар ярим соатда бонг ураётган девордаги соатта қараб:

- Мамат ака, манов соатни нимага олдингиз? — деди афтини буриштириб.
- Соатни нимага олади? — деди мўйлов қўшнисининг галати саволидан ажабланиб.
- Бу яхши нарса эмас!
- Нимага яхшимас?! — қошларини эгар қилди мўйлов.
- Ҳар бонг урганида "Умрингнинг кўпи кетиб, ози қолди!" дейишига гашингиз келмайдими?
- Шундай дейдими? — ҳайратланди мўйлов. — Мен шунга эътибор бермаган эканман.
- Ёши ўтган одамга бу соат тўгри келмайди, — алломаланди Абдураҳмон. — Ҳар бонг урганида соглиқни емиради бу!
- Йуг-е?! — деди мўйлов ишонқирамасдан.
- Ҳа-да! — деди Абдураҳмон жўшиб. — Мен буни бир катта олимнинг "Сирли олам" журналидаги мақолосидан ўқиб билганман.
- Шунчалик умрга зомин бўлса, бунинг баҳридан ўтамиз-қўямиз, — деб мўйлов ўрнидан туриб, соатни девордан юлиб олди. — Ҳозироқ буни мажақлаб ташлайман.
- Мажақламанг, увол бўлади, — деди Абдураҳмон соатни мўйловнинг қўлидан юлқиб олар экан. — Ундан кўра, менга бера қолинг.
- Соглиққа зарар бўлса, сен буни нима қиласан? — ажабланди мўйлов.

— Мени құяверинг, менга соат у ёқда турсин, атом бүмбаям таъсир қилмайды — терим қалин! — күчайди Абдураҳмон.

— Теринг қалин бұлса, майли, — кулимсиради мүйлов. — Унда соат неча булганини девор ортидан сұраганда айтиб турасан-да, териси қалин йигит.

— Гап бўлиши мумкинмас, лубой пайт сўранг! — деди Абдураҳмон үйлагандан ҳам осонликча қўлга киритган соатни қўлтиқлаб эшиқдан чиқаётиди.

Орадан ярим соат ўтар-ўтмас, девор ортидан мүйловнинг овози эшитилди:

— Абдураҳмо-о-он, соат неча бўлд-е-е?!

— Учдан йигирма беш ўтде-е-е! — ҳовлидан жавоб қилди Абдураҳмон.

— Раҳма-а-ат!

Кўп ўтмасдан Мамат яна ҳовлидан овоз берди:

— Абдураҳмон, соат неча булде-е-е?!

— Тұртдан ўн беш кетде-е-е!

Шу йўсиндаги савол-жавоб оқшомгача яна бир неча бор тақрорланиб турди.

...Ярим кечаси Абдураҳмоннинг хотини эрини тутириб уйгоди:

— Хўжайн, ҳой хўжайн, — деди овози қалтираб.

— Нима дейсан? — норози мингиллади эр.

— Кимдир дарвозани тақиллатяпти!

— Шу маҳалда-я?!

Абдураҳмон аранг ўрнидан турди-да, тұнни елкасига ташлаб, останадаги шишпакни сөғига илиб, шап-шуп қилиб бориб, дарвоза сиртидаги чироқни ёққач, қалтираб күча эшикни очди. Ташқарида, мүйловини бураб Мамат турарди.

— Тинчликми, қўшни? — хавотирланиб сўради Абдураҳмон.

— Тинчлик, тинчлик, — Мамат бамайлихотир ёнидан носқовоқни чиқарип, кафтига нос ташлади. — Уйқум қочиб, ҳеч ухлоамаяпман.

У кафтидаги носни тилининг тагига ташлаб, қўшиб қўйди. — Шогат неча буганикин?

– Шу пайтда соат нечалигини билиш шунча зарилми?! – деди Абдураҳмон энсаси қотиб..

– Йү-ү-үқ, ҳожий жарилмалп, – деди Мамат, кейин ён томонга ўтрилиб, носни туфлаб, мўйловининг учларини рўмолчасига артиб, давом этди: – Бугун саҳарда сигирни бозорга оборадиганман, шунга субҳи козибдан субҳи содиққа ўтар паллада айвондан бир бор “Мамат акў-үў!” деб овоз бериб қўясанми, дегандим.

Абдураҳмон мўйловга тешиб юборгудай қарадида:

– Ҳозир, бир минут, шу ерда қимирламай туринг!

Абдураҳмон оёғидаги шиппакни тапиллатганча, уйга югуриб кириб кетиб, бир неча дақиқада бонг урадиган соатни кўтариб чиқиб, Маматнинг қўлига тутқазар экан:

– Мана соат, олинг-да, ман нодонни кечиринг! Бошқа сизнинг нарсангизга кўз олайтирмасликка сўз бераман! – деди йиглагудек бўлиб.

СЕН БИЗГА ТИРИК КЕРАКСАН!

Ишқибозликнинг дарди бедаво дейишади. Қора-булоқлик Бегимқул чирмовик ана шунаقا дарди бедаволардан — у пичоққа ишқибоз. Кимда ноёб пичоқми, қаламтарошли курса, “Бу бизга тан!” деб, эгасини чирмовиқдай ўраб-чирмаб, бермагунича қўймайди. Ўшанда у Туркия сафаридан қайтган Мамат мўйловникига “зиёрат қабул”га бориб, мез-боннинг ўша ёқдан олиб келган ноёб ханжарини ҳам “Бу бизга тан” деб чўнтагига солиб олди. Ёнида ўтирган Абдураҳмоннинг “Мўйловнинг нарсасига хомтама бўлма, кейин тирсагингни тишлайсан,” деган огоҳлантириши ҳам, Маматнинг “Шу ханжарни ёқтириб қолиб, битта чарм камзулнинг пулига олувдим, усиз ичикиб қоламан,” – деган гапи ҳам унга кор қилмади. Чирмовик ханжарни қўлга киритганидан қувониб:

– Ханжарингта ичиксанг, истаган пайтда уйимга бостириб боришинг мумкин, Худога шукр, сени кутиб олишга кучим етади! – деб катта кетди.

– Шу гапинг гапми?! – деди Мамат мўйловини силаб.

– Эркак киши бир гапиради! – деди Бегимқул киборланиб.

– Ханжарни кургани ёлғиз бормасдан, улфатлар билан борсак-чи? – ўсмоқчилади Мамат.

Навбатдан ташқари зиёфатга бирга бориш улфатларга ёқиб тушди.

– Менга деса юзта бўлиб бормайсанларми, Худога шукр, уйим кенг, рўзгорим бут, кутиб олишга ярайман!

– Ишқилиб хотиндан балога қолмайсанми? – мугомбирана илжайиб суради Мамат.

– Мен мужикман, хотиндан тилим қисиқ бўлмаган, бундан кейин ҳам бўлмайди, гапимга отвечать қиламан! – деди Бегимқул кучайиб.

Хуллас, уша кунги утиришда ханжарни Бегимқул олиб кетадиган бўлди. Маматга эса унитика истаган пайтда, истаган улфатлар билан бостириб бориш ҳукуқи берилди.

Эртасига Бегимқул туман марказига иш билан бориб, уйига хуфтонда қайтди. Бемаҳалда дарвоза очиқ қолганига ажабланиб ҳовлига кирди. Меҳмонхонадаги катта қандилнинг ёниб туриши, у ердан эшитилаётган гангир-гунгур овозлардан ҳайрати янада кучайди. Ўзича “божалар бостириб келишибдида?” – деган хаёлга борди. Ичкаридан чойнак кўтариб чиқкан хотини, даҳлиз эшигини қарсиллатиб ёпиб, тарс-турс юриб ошхонага кириб кетди. Хотиннинг ҳаракатларидан, ичкаридагилар божалари эмаслигини англади. Улар бўлганида хотин эшикни аста ёпиб, ошхонага хиром этаётгандаи юриб бораради. Чойдамлаб қайтаётган хотини йўлакда унга тўқнаш келди-ю, қошини чимириб:

— Уйда бир тишлиам гўшт йўқ, меҳмон чақириб қўйиб, ўзингиз қаёқларда юрибсиз?! — деди зарда билан.

— Қанақа меҳмон, кимни чақирибман?! — деди Бегимқул ҳайрати баттар кучайиб.

— Нимага ўзингизни гўлликка соласиз, Мамат дўстингизни улфатлари билан чақирибсиз-у!

Шундагина у кечаги ўтиришда дастурхондаги ханжар уни тузоқча тушириш учун Мамат томонидан қўйилган "хўрак" эканлигини англаб, нафаси ичига тушиб кетди.

— Ҳа, тиљдан қолдингизми, бир нима десангиз-чи, буларингизни нима қиласиз?! — деди хотин бетоқат бўлиб.

— Нимаям қиласдик, бошқа илож йўқ — куркани сўямыз! — деди Бегимқул.

— Куркани-я?! — деди хотини кўзлари косасидан чиққудек бўлиб. — Уни божаларингизни чақирганда сўймоқчи эдингиз-у!

— Э, хотин, курканинг тухуми қурибди дейсанми, уларни чақиргунимизча бир тап булар! — деди Бегимқул асабийлашиб.

Хуллас, Бегимқул ўша тунда божаларга атаб боқилаётган куркани сўйиб, қозонга босишга мажбур бўлди. Ўз ёғига димлаб пиширилган курка гўшти ўта мазали бўлибди. Мамат биринчи қадаҳни Бегимқулнинг соғлиги-ю, ханжарнинг борлиги учун кўтаришни таклиф қиалди. Кўтаринки руҳда бошланган қуюқ зиёфат алламаҳалгача давом этиб, нечта бўпп шиша қулаб, меҳмонлар ҳам қулайдиган ҳолатда уй-уйларига тарқалишиди.

Орадан икки кун ўтгач, Мамат бошчилигидаги ўша "состав" яна Бегимқулникуига кириб келишлари билан уй бекаси рўмолини бошига қийшиқ ташлаб, дарвозани қарс этиб ёпиб, онасиникуига жўнаворди. Бегимқул ҳам сўзини бермайдиган ўғил бола экан, "Кетсанг, ундан нарига!" — деди-ю, қўрадаги ёлғиз қора қўчкорнинг бўйнига пичоқ тортиб юборди.

Қора құчқорнинг этидан бұлған қовурдоқнинг мазаси курка димламасидан қолишмас экан. Тонггача давом этган базму жамшидда яна Бегимқұлнинг ҳақиқий беклиги, ханжарнинг ноёбилиги ҳақида ажайиб фикрлар, бири-биридан аъло тилаклар, алёрлар айтилди. Қишлоқнинг у ер-бу еридан хұроздар тонт яқынлигидан хабар беріб, улфатлар кетишта өзгеланды, Бегимқұл Маматнинг құлига ханжарни тутқазиб:

— Дүстим, ханжаринг үзингга сийлов, уни опкет! — деди гүлдираб.

— Нега энді?! — деди Мамат унинг ханжар тутған құлинин үзидан нари итарар экан. — Буни опкетиб күргазмани бузмаймиз! Уни доим күргани келиб турамиз.

— Үнда! — деди Бегимқұл құзлари ёшланиб. — Шу ханжар билан мени сүй! Мана, сүй мени!

У шундай деб, бошини Маматнинг қорнига тиради.

— Нималар деб алжияпсан?! Нега сени сұяр эканман?!

— Сен сүймаганинг билан, қора құчқор учун хотин мени тирик қўймайди, пичоқсиз сұяди! — деб йиглай бошлади.

— Бұлмаган гап, биз сени хотинингнинг ҳужумидан ҳимоя қиласиз, чунки сен бизга тирик кераксан!

Шундай деб Мамат мүйловини мамнуният билан силаб қўйди.

ТАРГИЛ

Қорабулоқлик Мамат мүйловнинг тарғил сиғири кейинги пайтда арқонини гажийдиган қилиқ чиқарди. У күн-кунора гажилган арқоннинг бир бұлагини мугузида осилтирганча оғидан чиқиб, ҳовлини кезиб, нимаики топилса, чайнаб күрадиган бұлди. Үша куни,

саҳар пайти мўйловнинг хотини Рўпош чала гажилган кўйлагининг бир енгини ушлаб, оғилдан қарғаниб чиқди:

— Ҳа, ҳаром ўлгайсан, нафсингта ўт тушсин, ярамас!

Тахта сўрида, косани энди кўтариб, ширчой хўп-лаган мўйлов, хўплагани бўғзида, чайнагани оғзида қолди, кейин, аранг ютиниб:

— Рўпош, бу энди нонуштага аталган широлгами?!!

— деди хотиннинг саҳарги “ҳамду сано”сини ўзига олиб.

— Эй, сизам гапирасиз-да! — алам билан қўл силтади хотини, кейин гийшаланган ўнг енгини кўрсатиб шангиллади. — Мана, кўринг, анов пичоқقا тушгур юҳо яп-янги кўйлакни нима қилганини! Охуридаги камбикўрмага кепак аралаштургунимча, енгимни гажиб қўйибди, арқонингта осилиб ўлгур! Ўзи бузоқдигидаёқ латтачайнарлигидан қўрқардим!..

— Ҳа-а, Таргилойни айтаяпсанми?

— Таргилоймас, таргил бало у!

— Бало бўлса, баҳридан ўтиб, йўқотиш керак, — деди Мамат мўйловини бураб.

— Ҳа-а-а, сиз мўйловни бураб, йўқотиш керак, дейишни биласиз!

— Бўлмасам нима дей?

— Ҳар куни икки пақир сут бергандан кейин ёмонлигига чида, денг!

— Ҳўп, ана, чида, бўлдими?

— Рўзгоримни шунинг орқасидан тебратиб тургандан кейин чидайман-да, — деди Рўпош Таргилни соғиши учун оғила қайта йўл олар экан.

Аммо у “чидайман-да” дегани учун бир ҳафта ўтгач, пушаймон бўлишини ўшандада билибди дейсизми? Шанба куни Рўпош катта қозонда сув иситиб, то оқшомгача бош кўтармай кир ювиб, ҳовлиниг тўрт томонига чойшаб-у кўйлак, ич кийимларни осиб ташлади.

Ярим кечаси, ҳамма шириң уйқута кетганды паллада, оғиldaн арқоннинг бир бўллагини шохида осилтириб Тарғилой чиқиб келди-да, айвон чеккасида қатор турган бўш челакларга бир-бир тумшук тиқиб кўрди. Уларда егулик бўлмагач, ҳовлида ҳилпираб, осилиб турган чойшаб-у куйлакларга тикилиб, мамнун пишиллади, кейин тилини чиқариб, тумшугини ялаб, энг чеккадаги гуллик чойшабни ғажишга киришди.

Кир арқонларда узуқ-юлуқ парчаларнитина қолдирган Тарғил, сўри тепасига бориб, уй эгалари ёпинган гуллик чит курпани ҳиддаб, уни ҳам бир чеккадан ямлай бошлади.

Биринчи бўлиб, курпа тортилиб, елкаси очилган Рўпош тун салқинидан жунжикиб уйғонди. У тепасига кўрпа ғажиётган мутузли маҳлуқни кўриб, қурқувдан соchlари тикка бўлди, калимага тили келмай қалтиради, кейин ҳушини йигиб, инс-жинс бўлиб куринган нарса ўзининг Тарғили эканини англаб, алам билан: "Ҳаҳ, пичоққа тушгур, яломогиз, ҳаҳ тиқилиб үлгур, юҳо!" – деб унинг тумшугига кетма-кет мушт туширди.

Жиноят устида қўлга тушиб, айвон устунига bogланган сигир ҳовлида зир югуриб, ярим-ёрти, калта-култа чойшаб-у куйлакларни ерга отиб, худди ўт ўчириш машинасидай вагиллаб, қарганаётган Рўпошга эътибор бермасдан, бамайлихотир кавш қайтарарди.

– Хўш, энди буни нима қиласми? – деди Мамат гийшаланган яктагини бир четга отар экан, кейин эснаб қўшиб қўйди. – Эсизгина, яп-янги яктак эди-я, энди бундан пайтаваям чиқмайди.

– Яктакни айтасиз, иккита атлас, иккита шифон кўйлак, иккита баҳмал лозимни гийшалаб ташлабди, латтага тиқилиб үлгур! – Рўпош увлаб йиглашга тушди, кейин эрига қатъий амр қилди. – Сўйинг буни, сутиям, қаймогиям бошида қолсин!

– Буни сўйсанг ичидан арқон оласан-да, мато билан арқон еган маҳлуқда эт бўлармиди.

Тонгача бўлган оиласвий мунозарадан сўнг, эрхотин Тарғилни сотиб, бошдан соқит қилиш керак, деган қарорга келишди.

– Битта эчкининг пулига турсаям сотмасдан қайтманг буни! – деди Рўпош сигирни дарвозадан етаклаб чиқиб кетаётган эрига. – Бу ҳовлида ярамаснинг совуқ турқини бошқа кўрмайин ҳам, куймайин ҳам!

– Бўлди, саҳар-мардондан шангиллама! – деди Мамат уйидан узоқлашишни истамай, оёқ тираб тихирлик қилаётган Тарғилнинг сағрисига арқоннинг учи билан шартиллатиб урар экан.

– Бизни танимайдиган, узоқдан келган бегонага сотинг! Таниш-билишга сотсангиз, бир кунда қайтариб келади! – деб анча узоқлашиб қолган эрининг ортидан қичқириди хотин. Мўйлов “Ўзим биламан” дегандай унга асабий қўл силтади.

Бозор қизигунча Тарғилни бирор “Қанча?” – деб сўрамади. Бир пайт яқин ошнаси, қўшни маҳаллалик Сатторқул сигирнинг атрофида айланишиб, энгашиб елининг қаради, кейин лабини очиб тишини кўрди, атрофга аланглаб:

– Мол кимнике-е-е?! – деб қичқириди.

Бир чеккада, тилининг тагидаги носни шимиб, кайфидан караҳт бўлиб турган мўйлов, “Сен етмай турувдинг?” – дегандай афтини буриштириб, оғзидағи носни туфлаб:

– Биззики, – деди истамайгина.

Сатторқул Маматни кўриб, юзи ёришди.

– Э, мол ўзимиздан экан-у! – деди, сўнг унг елкасини учириб сўради: – Бунингни сути қанча?

– Икки пақир сути бор.

– Ҳафтадами?

– Нимага ҳафтада, кунига, эсов!

– Шунчалик бўлса, нега сотяпсан?

– Сотгим келди, сотяпман! – деди энсаси қотиб Мамат.

– Гапинг рост бўлса, бегона қилмайлик-да, бунингни нархини айт, мўлжал қанча?

— Бу сигир сенга бўлмайди, — деди Мамат мўйловининг учидан асабий чимдиб.

— Нимага? Феъли чарсми?

— Э, йўқ, жа ювощ.

— Қисирми?

— Қисирмас, қорнида бир ярим-икки ойлик бола-
сиям бор.

— Емиш танлайдими?

— Какраз, емиш танламайди. Емиш топилмаса,
олдига тарашибами, эски кўрпами, кўйлакми, ташлаб
қўйсанг ҳам ейверади.

— Унда нимага менга бўлмас экан?! — деди ҳай-
рон бўлган Сатторқул. — Ё сигирингни мандан қиз-
ғаняпсанми?! Бўлсаным, бегонага бўлсин, деркансан-
да, а??!

Мол бозордаги сотувчи-ю, олувчи борки, бир зумда
уларни ўраб олишди.

— Бу сенга бўлмайди дедим-у, — деб яна ўша гапини
такрорлади Мамат.

— Қанча демоқчисан, нархингни айт-да!

— Бу сигирнинг чиқимига чидаймайсан.

— Чиқими қанчалигини айтинг-да, — дейишиди тўп-
ланганлар.

— Чиқими қанчалигини... билмайман, — деди Мамат
бошини қашиб.

— Мўйлов, сенга бугун нима бўлган, аввал бунаقا
латтачайнар эмасдинг-у! — деди Сатторқул ошнасининг
қилигига тушунмасдан.

— Топиб айтдинг, менам, сигирам — латтачайнармиз,
шу боисдан, бошқа сигир олганинг маъкул.

Энди Сатторқулнинг ўрлиги тутиб, Таргилга
ёпишиб олди.

Хуллас, улар бир қайнashiб, икки чайнашгач,
Сатторқул Таргилни сотиб олди.

“Бор барака”дан кейин Мамат, атрофидагиларга
қаратса:

— Энди, яхшилар, сизларнинг гувоҳлигингида сигирнинг феълини яна эслатаман. Сатторқул, бунга ниҳоят эҳтиёт буласан, иложи бўлса, арқонга эмас, занжирга боғлайсан. Агар бушаб кетса, маңдан кўрмайсан, уй ичинг билан кийим-бошсиз, шир ялангоч қоласан. Яна айтмадинг, деб эртага галва кўтариб келмагин, деб манов элнинг олдида айтаяпман, — деди.

— Қўй кўрмасак ҳам қий кўрганмиз, сигир нималигини биламиз, ошна, — деб кучайди Сатторқул тиҳирлик қилиб, юрмаётган Таргилнинг сагрисига арқон билан шартиллатиб урад экан.

Рўпош сигирни ким олганини эшитиб, ҳафсаласи пир бўлди.

— Сатторқул олган бўлса, сигирингиз бугун булмасаям эртага уйга қайтиб келади! — деди.

— Қайтмайди, ман молимнинг қусурини эл олдида айтиб, ҳалоллаб сотдим! — деди Мамат ишонч билан.

Хотини айтгандай булди. Эртасига, чошгоҳ пайти дарвоза қаттиқ тақимлаб, ташқаридан сигирнинг “Ман келдим!” дегандай таниш мўъраши эшитиди. Мамат дарвозани очиб, ташқарида Таргилни етаклаб, служайиб турган Сатторқулга кузи тушди.

— Сен менга сигир сотдингми ё жоди сотдингми?!

— Йигламсираб гўдиллади Сатторқул. — Бу юхтобинг киядиганимиздан тортиб, устимизга ёпадиганимиз-гача бир чеккадан гажиб, бизларни ялангоч қўйди!

— Ман бозорда, эл олдида, бу сигир сенга бўлмайди, деганимидим?

— Ҳа, шунақа дегандинг...

— Сотаётганда бунинг қусурини айтганмидим?

— Ҳа... айтгандинг...

— Эҳтиёт бўл, бушаб кетса, кийим-бошсиз қоласан, деганимидим?

— Дегандинг!

— Молниг айби айтиб сотилса, савдо ҳалолми, ҳаромми?!

— ...
— Яна менга қандай даъвойинг бор?

— ...
— Хўш, пулингни опчиқайми?

Сатторқул унинг гапини охиргача ҳам тингламасдан, таниш дарвоза сари талпинаётган сигирнинг бошини жаҳл билан силтаб тортиб, катта йўл томон юзланди.

Гузардаги чойхонада ўтирган қариялар етовидаги сигирнинг якtagини тажиётганини сезмай, тумшайиб кетаётган Сатторқулга ажабсиниб қараб қолишиди.

ТОМИЗГИ

Икки гапинг бирига "томизги" сўзини қўшиб гапиргани учун маҳаллада "Томизги" лақаби олган Гилмиддин қўлида бозорхалта, дарвозадан худди таёқ еган итдай вангиллаб кириб келди.

— Ҳай, ман сани кирсовун, мачалка сотиб минган Жегулингга тупурдим! Лўлининг чайласича келадиган киосканга димогингни кўтарасанми?! Сани уша танқайган димогингтаям нарвонга чиқиб тупурдим!

Айвонда кийимларга дазмол босаётган хотини Тонгсулов ўрнидан "дик" этиб туриб, зинадан учеб туциди-да, эрининг қўлидан бозорхалтани олар экан:

— Вой, хўжайин, яна нима бўлди, тинчликми? — деди кўзлари жавдираб.

— Э! — деб қўл силатди Гилмиддин халтани хотинининг қўлига тутқазар экан. — Бу маҳаллада томизгиликка арзимайдиганлар борлигидан қоним қайнаб кетди! Манов, сўнг ёқдаги мачалкапуруш Бойхўроз тирриқ, гузарда қўлимда оғир халта билан келаётганимни кўра туриб, Жегулисида тўхтамай ўтиб кетса бўладими?!

— Балки курмагандир-да, кўрса ўлибдими тўхтамай, — зирни тинчлатирмоқчи бўлди Тонгсулов.

— Балони кўрмайдими, кура туриб тўхтамади, пасткаш! — баттар вагиллади Гилмиддин. — Қўлимда

огир халта, маҳаллагача судралиб етиб келсам, дарвозасининг олдида эски эшакаравасини ювяпти! "Ҳа, Ҳүрроz, уйга келар экансиз, тўхтаб ола келсангиз, бу темирингиз бир жойи ейилиб қолармиди?!" – десам, "Яп-янги Нексияни гаражга қантариб қўйиб, ўзингиз атайин бадантарбия қилиш учун пиёда юрибсиз, деб тўхтамадим", – дейди. "Мани машинам қайда тургани билан сани неча пуллик ишинг бор?" – демоқчи бўлдим-у, шу чаканафурушга йирик сўзимни майдалаб ўтираманми, деб гапимни ичимга ютдим. Жўликин айтган гапини қара! – кейин хотинига ўқрайди. – Ўттизта сомсага тогоранг тўладими?!

– Тўлади, албатта, тўлади! – деди Тонгсууву халтани кутариб, ошхона томон юрар экан.

Гилмидин кранда юз-қўлини ювиб, айвонга чиқиб, хонтахта тўридаги кўрпачага чўзилди-да:

– Чой! – деб қичқирди.

– Ҳозир, хўжайин, ҳозир!

Тонгсуув ошхонадан юргургилаб чой дамлаб келиб, пиёлага қуиб эрига узатар экан:

– Раҳмат, хўжайин, сомсанинг зўридан обсиз! – деди кўзлари яшнаб.

– Ҳа, туққанингта нарса олинса, яйраб кетасан-а! Сендай қариндошиарвар хотин бу дунёда битта бўлса керак! Толтан-тутганимиз тогорангни тўлдиришдан ортмайдиган бўлди, қачон шу даҳмазадан қутулар эканман?!

– Хўжайин, нимаики қилсак, қайтади, яхши кунларимизда бизникига ҳам тогоралар тўлиб келади.

– Сени тутишганларинг тогорани тўлдириб келишларига қўзим етмайди!

– Жа-а-а тутишганларимни унчалик ерга урманг, хўжайин. Биз ҳам ердан чиқмаганмиз, тагли-тахтли жойдан чиққанмиз!

– Ҳай, қандай жойдан чиққанингни вақти келганда кўрамиз! Гапничувалатмасдан чойдан қуй!

– Тушликка аччиққина мастава қилсам дегандим..

— И-и-и, қанақа мастава, масов?! — Гилмидин хотинига ҳұқызыңараш қилиб гүданглади. — Холангни түйи куни маставага бало бормиди?! Кеча берган юз минг тұяна, манов үттизта сомсанинг эвазига бағамжиҳат бориб, еб-ичиб келмаймизми?! Ундан күра, гараждан “Тұрсыной”ни чиқариб, уни бир шампунлатиб ювиб, ялтират!

— “Тұрсыной” ингиз гаражда туравериб, занглаң кеттандыр, ҳайтовур, бутун уни түйга миниб борарканмиз-да! — деди күзлари яшнаб Тонгсулов.

— Түйга “Тұрсыной”да борамиз, дедингми?! — Гилмидин күзларининг пахтаси чиққудек гижирланды.

— Автобусда борсанғ, түйга киритмайдими?! Нуқул пасткашлар маҳалласида яшаганим етмагандай, пешонамга хомкалла хотин битгандан кейин, додингни кимга айтасан?!

— Мана, масовликдан зәнді хомкалла бұлдык! — күзига ёш олди Тонгсулов.

— Пиштан калла бұлғанингда, түйга мошинда борамиз, деб алжарамасдинг. Кече “құтлуг бұлсін” га бориб, берган юз минг тұянаға үзимни бүғизладыған ҳолатда юрибман-у, яна мошинда бориб, ипирисқи қариндошларингта хизмат қилишим қолувди!

— Янти Нексияда савлат тұқиб борсак, қариндош-уругларнинг олдида обрұ бұларди, дейман-да, — эшилди хотини.

— Сенға обрұ — менға чиқим!

— Вой, қанақа чиқим?!

— Мошинда боргандан кейин, биринчидан, ичолмайман, иккінчидан, түй тугагач, сени итуруг қариндошларингни уйма-уй ташийман! Сенға шу керакми?!

— Вой, бүёгини үйламабман, — лабини тишлиди Тонгсулов.

— Үйлаш учун ҳам мия керак! Бум-бумсан, деса, яна хафа бұласан! Тур үрнингдан, мошинни гараждан чиқар, “банний день” қиласыз.

Гилмидин билан Тонгсууув "Нексия"ни гараждан чиқарыб, күпиклатиб ювишга киришиб кетишиди. Ювиш якунланиб, қуруқ дока билан артиш бошланганида, дарвозадан құшни кампир — Бұхожар ҳаллослаганича югуриб кириб келди.

— Айланай, Гилмидин, бахтимга уйда экансиз, шу тобда неварада келиним тұлғоқ тутиб, типирчилаб қолди! — деди күзларига ёш олиб. — Искорий құргурға құнгироқ қылсам, "Бензин йұқ, үзинглар опкелинглар!" — дейди-я! Болалар ишіда, нима қилишни билмай довдирағ қолдым! Айланай сиздан, үшаны раддұмға етказиб құёлмайсизми?!

Гилмидин хотинига хавотир билан күз қирини ташлаб, сүңг бош чайқаб:

— Жон деб етказардым-у, аммо мөшиннинг бакида бир құлтум ҳам бензин йұқ, қуриб ётиби! — деди афсусланган оханды.

— Бир умидим сиздан эди, энди нима қилдим?! — деди кампир тарвузи құлтиғидан тушиб.

— Манов мачалкафуруш Тиркаш тириққа айтинг, какраз уйда, бензин пуллингни оласан, десанды, ташлаб құяды, — деди Гилмидин, кейин құшиб қўйди:
— Пулни яхши күради у майда!

— Ҳай, унда үшандан илтимос қиларман! — деб Бұхожар хола ҳовлидан юргурганча чиқиб кетди.

Тонгсууув латтани қаттиқ сиққанича, бош чайқаб:

— Хұжайин, бензинни баҳона қилмасдан, шундай пайтда ёрдам берсанғиз нима бұларди, — деди куюниб.
— Бунча дийданғиз қаттиқ...
— Ҳа, ман қаттиқман, тошман! — бұкирди Гилмидин.
— Қаттиқ бұлғанимдан, сен ҳозир бирорнинг полинимас, үзингни мөшинанғни юяпсан! Э, ношукр, дүмпагувалак!

Гилмидин алам билан құлидаги латтани капот устига отиб:

— Бұлды, бас, қорин пиёз пүсти бүпкетди, тогорангни ол-да, имилламасдан чиқ, ман сени астанопқада кутаман! — деб, бешиктерватардай лакки-лукки қадам ташлатанча ташқарига йұл олди.



САҲМОН ЖИМ-ЖИТ ХАҚИДА ХАНГОМАЛАР



ТАНДИР

Вилоят радиосида камтаплиги учун "Саҳмон жим-жит" лақабини олган антиқа муҳаррир бўларди. У киши билан ўн беш йил бирга ишлаганмиз. Ўн беш йил мобайнида Саҳмон жим-житнинг камтаплиги-ю соддалиги, ишонувчанигидан ҳайратланишдан чарчамаганман. Айниқса, у киши режиссёrimиз Кенгашнинг ҳер қандай "лоф"игэ иккиланмасдан ишонарди. Хуллас, бу икковлон бири ёлғон тапиришдан, иккинчиси ишонишдан чарчамасди.

Саҳмон жим-жит содда бўлгани билан қалами яхши эди. Шунинг учун ҳам радиомиздаги маҳсус эшиттиришлар, кўпинча, у кишига топшириларди. Уша йилги Наврӯз байрамига багишланган "Меҳнатдан баҳт топганлар!" деб номланган маҳсус эшиттиришни ҳам у киши тайёрлайдиган бўлди. Эшиттиришга вилоятимиздаги бир қанча меҳнат илгорлари қаторида етимтоғалик Яхшибой исмли чўпон ҳам таклиф этилгаанди. Жигарранг кремплин костюмининг ичидан кўк нейлон кўйлак кийган норгул чўпон йигит студияда қўлига берилган ярим бетлик табрик сўзига кўз юргутириб:

- Бизни гаптинг бугони шўма? – деди ажабланиб.
- Бўтани шу, – деди эшиттириш режиссёри Кенгаш лентани магнитофонга қўяр экан.
- Эб-эй, шўнча жердан эки ағиз сўзга чақирдингларма? – деди чўпон бўғриқсан юз-кўзи, буйнидаги терни гижимланиб, намиқсан рўмолчасига артар экан, кейин костюмининг ич чўнтағидан икки букланган бир даста қоғоз чиқариб, режиссёрининг қўлига тутқазди. – Раис бова шу дакаладни радийўлдин ўқийсан, деб жазип берган эди.

Кенгаш хўжаликнинг қайсиdir ҳисботидан машинкада кучирилган саккиз бетлик матнга кўз юргутирган бўлди-да, уни Яхшибойга қайтариб берар экан:

— Раис бова сизга бутун бир достон бериб юборибди, — деди, кейин қўшиб қўйди, — мана шу, биз ёзиб берган текстни ўқимасдан, микрофонга гапириб берсангиз етади.

— Шу гапти эплармиз-да! — деди Яхшибой энсаси қотиб, сўнг кўксини кериб қўшиб қўйди. — Жайловга борғон мўхбирлар билан гурунг қиласвериб, гапга чечан бўп кетканмиз, ука!

— Унда бугун яна бир бор "чечан"лигинизни кўрсатасиз! — деди Кенгаш чўпонни студиянинг микрофонли хонасига киритар экан.

Лекин Яхшибой микрофон қаршисига ўтиргач, "чечан"лигини кўрсатолмади. Кенгаш пультда туриб, қўли билан "Гапиринг!" деган ишорани қилиши билан тили танглайига ёпипгандаи айланмасдан, қозозга ёзилган сўзларни ўқиёлмай қийнаб юборди. Чўпоннинг бир сониялик табрик сўзи тасмага ёзилгунича нечта ходим аппаратхона эшигидан бош суқиб, "Бўлдими?", "Бошқа гапирадиганлар кутиб қолишди!" деб кетиши. Ниҳоят, Кенгаш "Бўлди, ёзилди, чиқаверинг!" — дегач, ичкаридан терлаб, юзи бўғриқиб чиқсан чўпон:

— Ука, бугун тил айланмай сизларни гиртак қийнадик-да! — деди ўзини ноқулай сезиб.

— Микрофонга гапиришам осонмас, чўпон бова, буниям ўзига яраша қийинчилиги бор, — деди Кенгаш тасмани орқага айлантирас экан.

— Энди бу айтқонларимни радийулда қочон берасизлар?

— Қачонлигини редактордан сўранг, — деди Кенташ аппаратхона бурчагидаги стулда бир сиқимгина бўлиб, чурқ этмай ўтирган Саҳмон aka томон боши билан ишора қилиб. — Шу киши редактор — Саҳмон Субутаев бўладилар, фамилияларини эшитгандирсиз?

— Ҳий-йи, шўндан демайсизма? — деб у Саҳмон aka билан қўш қўллаб куриша кетди. — Эсон-омон журибсизма? Тан согма? Кўрганкўз, жамаат, болабақра, невара-чевара, улоқ-қўзи омонма? Хўш, биззи гапти карнайга қочон қўясиз?

— Соат ўн иккода эшитинг, — деди Саҳмон ака чўпоннинг паншахадай кафтлари орасидан ёш боланиқидай нозик қўлини чиқаришга уриниб.

— Бинайи, бинайи, сагат ўн экида карнайнинг тутида жате-е-еп, димоқни чағла-а-ап тинглоймизда! Майрам ўтсин, сизларга ўзим бир ҳақ бераман, Жетимтовнинг дари ўтини жеган қўйнинг тандири билан келиб, аддельна гурунглашамиз! — деди чўпон хўшлалиб, студиядан чиқаётисб.

— Ана, икки минутлик гапта бир қўйнинг тандири униб турибди! — деди Кенгаш қулиб, — энди бундан кейин эшиттиришларга кўпроқ чўпонларни чақиринг, Субутаеп ака.

— Э! — Саҳмон жим-жит ҳафсаласиз қўл силтади. — Осмондаги гознинг шўрваси — қуруқ гап!

— Қуруқмас, яйлов одамлари кенг бўлади, айтдими — ес қилади! — деди Кенгаш.

Байрам ўтди. Радиомухбирларнинг елиб-югуриб тайёрлаган маҳсус эшиттиришлари, муаллифларининг таъбири билан айтганда, "байрамга ўзгача шукуҳ бағишлади!" Айниқса, Саҳмон ака Яхшибойнинг ўз сўзини "карнайнинг тутида жат-е-еп, димоқни чақлап-а-ап" тинглаганини тасаввур қилиб, байрам ўтиши билан "аддельна" гурунглашгани келишини кута бошлади. Кутиш билан кунлар ўтиб, Яхшибойдан дарак бўлавермади.

Июнь ойида Саҳмон ака Тошкентда, республика радиосида ўн беш кунлик малака ошириш курсида ўқиб қайтди. Ишга чиққан куни Кенгаш у билан кўришар экан:

— Э, ака, ўтган ҳафта Яхшибойингиз машинасининг багажнигига битта қўйнинг тандирини босиб, йўқлаб келди! — деди.

— Келдими у?! — деди жим-жит ака кўзлари чақнаб.

– Келганда қандоқ! – деди Кенгаш Саҳмон аканинг гапига ишонаётганидан жүшиб давом этди. – Унингиз сиззи эшилтиришда гапиргандан кейин обрўси ошиб, ферма мудирлигига кўтарилган экан, шуни юваман, деб кепти-да...

Саҳмон аканинг ранги бир оқариб, бир қизарётганидан Кенгаш хавотирланиб, қўшиб қўйди:

– Яхшибойингиз “яна адделна келиб, Субутаеп акага эрийман!” деди... Так што, яна келади у!

– Энди кемайди, – деди бўшашиб жим-жит ака.

– Келаман, дедими, келади! – чўрт кесди Кенгаш.

Қўриқдаги туманда ўтган механизаторларнинг уч кунлик семинаридан елкасига остан репортёри ерга тегай-тегай деб, судралиб қайттан Саҳмон жим-жит радиога кираверишда янти оч жигарранг костюмдаги Кенгашга тўқнаш келиб:

– Жа бугун пўримсан-у! – деди унга бошдан-оёқ тикилиб.

– Ҳа, энди, сизи шарофатингиз билан пўрим бўламиз-да! – деди Кенгаш кулиб.

У бугун синфдоши уйланётанини, ишдан кейин куёвжўраликка боришини айтмоқчи бўлди-ю, яна қитмирилиги тутиб:

– Яхшибойингиз яна сиз йўғингизда кеп турибди-да! – деворди.

Саҳмон жим-жит Кенгашнинг юзига тикилганича, қотиб қолди.

– Мана шу эгнимдаги костюм, оёғимдаги туфлини сизга сарпо қилиб келган экан, у кишига катта келади деб, қўймасдан менга кийдириб кетди...

Бу гапдан жим-жит аканинг қовоқлари титраб, кўзлари пирпирай бошлади.

– Қалай, ярашибдими? – Кенгаш мода намойиш қилаётгандай, унинг қаршисида айланиб, костюмини кўз-кўз қилди, кейин янги, сарғиш туфлининг пошнасини цементта тапиллатиб мақтанди. – Туфлиям тоза чарм экан, оёқ яйраб қолди!

Саҳмон жим-жит бошқа тоқат қилолмади, шарт уғирилиб, елкасида репортёр билан радиодан чиқиб кетди. Ўша куни у ишхонада бошқа кўринмади, кечки дастурдаги механизаторларнинг семинаридан маҳсус репортажини ҳам топширмади. Репортаж ўрнида дала илгорлари учун опера арияларидан концерт берилди.

Эртасига бошлиқ ҳузуридаги йигилишидан қип-қизариди чиққан мудирамиз Пистагул осто наданоқ аюҳаниносини бошлаб юборди:

– Бу ер ишхонамас, жиннихона, ҳаммангнинг томинг кеттан! – у тарс-турс юриб келиб, хона тўридаги юмшоқ курсига турс этиб ўзини ташлади.
– Сенларни деб ҳайфсан ҳам олдим! Бўлди, ҳаммаси жонимга тегди, шу бугуноқ декрет отпускага чиқиб, эримнинг топганини е-е-еб, уйда ўтираман!

Кейин у Кенгашга тешиб юборгудай ўқрайиб, заҳарини сочди:

– Ҳамма балони қилиб, ҳеч нима билмагандай писмайиб ўтирибсанми?! Отанг тенги одамнинг устидан кулгани уялмадингми?! Қаёқдаги ёлғон-яшиқларни гапириб, бечорани йиқитибсан!

– Бу ҳазил зди...

– Ҳе, ҳазилинг бошингда қосин! Ҳозироқ Саҳмон аканикига бориб, у кишидан узр сўрайсан. Қон босими кўтарилиб ётганмиш. Худо кўрсатмасин, инсульт-пинсулт бўпқоса, хотини сени омон қўймайди!

Кенгаш оғир тин олиб, ўрнидан турди.

У кўп қаватли уйнинг иккинчи қаватига кўтарилиб, яшил эшик қўнгирогини кетма-кет босди. Эшикни жигарранг, йўл-йўл пижама кийган, юзи сўлгин Саҳмон жим-житнинг ўзи очди.

– Ҳа, сизмидингиз? – деди у хаста овозда, кейин индамай ичкарига юрди.

Улар олдинма-кетин йўлакнинг чап томонидаги чоққина хонага кириди. Саҳмон ака девор ёнидаги

диванга бориб, ёстиққа ёнбошлади, Кенгаш эса атрофига күрпача ташланган хонтахтанинг бир томонига омонатт이나 чўкиб, "Ҳозир янга кира солиб, мени юмдалашни бошласа керак" деган хаёлда эшикка хавотирланиб қараб қўйди.

— Янгангиз ишда, — деди Саҳмон ака унинг фикрини уққандай.

Янганинг йўқлигидан Кенгашга жон кириб:

— Сизга нима бўлди, оқсоқол, кўз теғдими? — деди илжайиб.

— Давления... — деди жим-жит ака.

— Йўғ-е, сизда давления нима қисин, шунчаки чарчагандирсиз-да...

— Балки чарчагандирман? — деди Саҳмон ака сўлиш олиб, кейин безовта бўлиб ўрнидан қўзгалди. — Уйда ҳеч ким йўқ эди... чой дамлаб келай....

— Чой учун раҳмат, оқсоқол, — деди Кенгаш қизариб.

— Сизга бир жиддий гапни айтмоқчийдим...

— Яхшибойни айтмоқчимидингиз?! — деди жим-жит ака қалампир чайнагандай афтини буриштириб.

— Топдингиз, Яхшибой ҳақида гапирмоқчийдим, лекин унинг кеганлари ёлаонлигини айтмоқчийдим... Ўша Яхшибой деганингиз бирор марта кемаганди... У келган бўлса, тандир кабобидан бир тишлам еган бўсам ош бўмасин, костюмини кийган бусам, буюрмасин! Ҳазилим сизга шунчалик таъсир қиласи, деб ўйламабман. Одобсизлигим учун узр сўрайман, илтимос, мени кечиринг, устоз...

Кенгаш худди ўчирилган радиодай боши хам бўлганича жимиб қолди.

Шунда галати ҳодиса рўй берди, жим-жит аканинг сўлғин юзига қон югурди, кўзлари чақнаб:

— У ростдан кемаганмиди?! — деди.

— Бирор марта келган бўса, ҳар бало бўлайин!

— Вот ярамас, тандир ваъда қилиб, тандир кийдириб кетибди-да?! — деди Саҳмон ака ўнг мушти-

ни чап кафтига уриб. – "Кемайди!" десам "Яйлов одамлари кенг бўлади, келади!" – деб мени уриб енгдингиз. Ҳозир ҳаммаёқ торайиб кетган яйловдагисиям, шаҳардагисиям бир хил, ватъдани қуюқ бериб, оғзингизга кесак суртиб кетишади! Ҳай, бу гапларни қўйинг, ишхонада нима янгиликлар, шундан гапиринг!

Сунгти саволни жим-жит ака ишхонада худди бир ой бўлмагандай берганидан Кенгашнинг яна шумлиги кўзиб:

– Бўлим мудиришимиз Пистагулнинг декрет отпускага кетишини ҳисобга омаганда, деярли янгилик йўқ! – деворди.

– Пистагул декрет отпускага кетмоқчими?! Пистагул-а?! – жим-жит аканинг кўзлари ҳайратдан бақрайди.

– Ҳа-да! – деди Кенгаш тилига келган янги ёлғонидан ўзи илҳомланиб. – Аммо унинг декретга кетиши сизга боғлиқ бўп турибди.

– Ман причем, бу иш эрига боғлиқмасми? – деди батттар ажабланган жим-жит ака.

– Унингиз "Аввал мудириликни Саҳмон акага топшираман, кейин декретга кетаман", деяпти!

– Шундай дедими-я?! – жим-житнинг ҳаяжондан юзи бўриқди.

– Деди!

– Э, шундай деган бўса, боёқиши куттирумасдан ишга борайлик! – Саҳмон жим-жит дивандан даст кўтарилиб, хонадан чиқар экан, Кенгашга деди:

– Мен ҳозир... кийиниб олай...

ТАЪТИЛ ОРЗУМАНДИ

Ҳар кимнинг бир ўи бор, хаёлида минг қўйи бор, деганларидай, касбдошимиз Саҳмон жим-житнинг пинҳоний орзуси—Пистагулнинг мудирилик курсисини эгаллаш эди. Аммо осмондаги ойни қўл билан олиб

бұлмагандаі, Пистагулнинг амал курсисига ҳам етиб бұлмасди. Чунки Пистугулимиз ишни қойиллатмагани билан бош муҳаррирнинг курсдоши бұлғанлари учун ишхонада ҳам қадрли, ҳам сүзи үтимли эди.

Үша куни режиссёrimiz Кенгаш қитмир тилицан тойиб, хоним декретта кетадиган бұлды, ўрнита фақат сизни қолдирмоқчи, буни унинг үз оғидан зәйтдим, деган тапи Саҳмон аканинг юрагида сұна бошлаган умидни қайтадаі чүргантириб юборди. Үшаңдан кейин жим-жит ака хонимнинг декретта кетиши-ю, үзининг мудир бўлишига яна қайтадан ишона бошлади.

Аммо Пистагул үша-үша, ҳар куни әрталаб соат ўн бирлардан ошганда хонага лұмбиллаб кириб, ўтирганларга бош иргаб салом берган бўлади. Кейин у киши учун жуда муҳим жараён бошланади. Банкада тушилик овқат, елим халтада яримта нон солингтан кattатина сумқасидан атира-упа қутисини олиб, кўзгуда юз-кўзи, лаби, соч турмагини диққат билан текширади. Кейин мўйчинак билан қошини териб чиқади, упалик пушти ранг ёстиқчани юзига суркаб, уни пушти рангга айлантиради, кейин фарангги духи идишласини силкиб, қулоқ супралари орқасини жимжилоги билан хушбўйлантириб бўлгач, стол галадонидан бигиз пошнали туфлисини олиб, "тап" этказиб полга ташлаб, оёғига илиб бош муҳаррирга кўриниш бергани хонадан аранг юриб чиқиб кетади.

— Боёқиши, бигиз пошнада сигирга коńьки боғлагандай бўлди! — дейди Кенгаш қитмир у чиқиб кетгач.

Пистагулни зимдан кузатиб ўтирган Саҳмон ака Кенгаш томон энгашиб:

— Ўзгариш йўғ-у, оёқ олишлари унақага ўхшамайди, — дейди норози оҳангда.

— Как раз ўхшаб турибди! — дейди Кенгаш бүш келмасдан, — илгаригидан анча тўлишиб қолғанлигини баланд пошнада қийналиб юришидан сезмадингизми, акам айланай?!

Яна Саҳмон ака эрта-индин хонимнинг таътилга кетиши-ю, ўзининг мудир бўлишига ишониб, уч-тўрт кунча орзу қанотида учиб юради. Аммо мудира кетиши ҳақида оғиз очмас, юриш-туришиям ўзгармагандан кейин жим-жит аканинг кўнглини яна шубҳа кемира бошлади. Яна у Кенгашни:

– Опантнинг кетишидан ҳеч дарак йўғ-у, – деб сиқувга олади.

– Э, кетади, ака, яхшилаб қаранг, кундан-кунга тўлишиб, юришлари оғирлашиб қолди, – дейди Кенгаш уни юлатмоқчи бўлиб.

– Мани назаримда ҳеч ўзгармагандай...

– Какой узгармаган? Кейинги кунларда нордон, тузли нарсаларни ейишидан сезмадингизми, ишон-масангиз, эртага икки дона қурт опкең бериб кўрингчи.

Эртасига Пистагул телефонда қайсиdir дугонасига қишига нималар олганию, қайнонасининг ичи куйиб, ўглига мангаям келинникидай кўйлак, жемпер олиб берасан, деб хархаша қилганини, “тўридан гури яқин кампирнинг кўзи тўймаслигидан” бир соат нолиб, трубкани қўйгач, Саҳмон ака:

– Мозорбости, Самарқанддан божам келувди, – деб унинг столига икки дона қуртни “дўқ” этказиб қўйди.

– Вой, раҳмат-е, шу тобда кунглим шўр нарсани тусаб, сус кетиб ўтирувдим, – деб Пистагул қуртнинг биттасини оғзига солиб, шима бошлади. Саҳмон аканинг юзи ёришиб, Кенгашга “тапинг рост чиқди” деган маънода қараб қўйди...

Улар тушликка чиқишганида Кенгаш:

– Ака, яримта олиб, амални ювсангиз бўларди, – деб тегажоғлик қилди.

– Осмондаги гознинг шўрвасига иштаҳанг карнай бўлмай турсин, аввал хоним кетиб, буйруқ чиқсин, – деди Саҳмон ака димогланиб.

- Хонимнинг таътилга кетишини кутиш билан куз ўтиб, дов-дараҳтларни ялангочлаб, одамларни қалин либосга буркаб қиш келди. Қиш кийимида одамнинг, айниқса, аёлларнинг қоматию ҳолатини билиш қийин. Саҳмон ака қиши ўтгунича Пистагулнинг эртанидин таътилга кетишини кутиб юрди. Ана шундай кутиш билан қиш ўтиб, дов-дараҳтларга яна яшил, одамларга енгил либос кийдириб баҳор келди. Баҳор, айниқса, қишининг қалин кийимларидан халос бўлиб, қоматларига ёпишиб турадиган юпқа кийимларга ўтган аёлларнинг чиройига чирой қўшиб, гулдай яшнатиб юборди. Пистагул ҳам ўша куни ентил кийимларга ўтиб, ишга қоматини кўз-кўз қилувчи юпқа, бурама ёқали, бели ингичка, этаги кенг кўйлақда, маликалардай кириб келди. Хонадаги эркаклар беихтиёр: "Ўҳ!" деб юборишли. Фақат Саҳмон ака кўзларини пирпиратиб унга ҳайрат билан тикилди, сўнг:

— Э, қорин йўғ-у, бола қани?! — деб юборди.

Орадан йиллар ўтди. Яқинда Пистагул "Келиним қийналиб қолди, неварамни боқишаман!" деб узоқ муддатли таътилга чиқиб кетди. Фақат бу кунларни не умидлар билан кутган Саҳмон ака энди орамизда йўқ эди.

ЭТИГИМ ЭГАЛИК БЎЛДИ!

Дунёда одам дегани ўзига ярашиқли нарсани кийиши, оғзига ёқадиган нарсани ейиши керак. Аммо мен ейишни гапирмагандан, кийимга эътибор бермаганимдан, шу ёшимгача ўзимга ярашиқли нарса киймаганман. Кийим оламан, деб дўкон-у бозорларга чиқиб қолсам, аксига олиб, ўзимга мосини тополмай, овора бўлиб юраманми, деб нима тўғри келса, шуни олавераман. Бир кузда бошга икки размер кичик шляпа, оёққа икки размер катта ботинка сотиб

олганман. Оёқ кийиминг кеңг бұлса, маза экан-у, аммо бош кийиминг, айниңса, шляпанинг кичиги калланға турмас экан, салгина шамол эсса, тамом, бошдан "шип" этиб осмонга қарвақадай күтарилади. Учиб кетмаслиги учун құлингиз мудом шляпанинг соябонида бұлиши керак экан.

Мендей жиккак одам оғига жомадондай ботинка, бошида кичкина шляпа құндириб олса, симметрия бузилиб, "соқов" кинолардаги Чарли Чаплинга үхшаб қолар экан.

Күм қозонта — лой тувоқ, детанларидай, хотинниям зни билан бүйи үзимдан уч баробар йиригига дуч келғанман. Бир ҳисобдан бунга тақчиллик сабаб бұлған. Тақчиллик нималигини бутунги мұлчилик замонда яшаёттанлар тушунмайды. Биз уйланған пайтда гүштден тортиб, коса-товоққача, күйлак-лозимлиқ газмолдан — минадигану, оёқта киядиганғача "маҳаллий құмита" нинг рүйхати билан тақсимланарди. Айни, онам менга келин ахтариб юрган күнларнинг бирида ишхонамизга аёлларнинг импорт этигини олиб келишди. У пайтларда аёлларнинг импорт этиги бизге үхшаган пиёдалар у ёқда турсин, отлиқларға ҳам топилмайдиган анқонинг уруги зди. Шунинг учун ҳам ишхонамиз үша куни бузилған арининг уясига айланды. Эрталабдан иш тақта тухтади — ҳамманинг хаёли этиқда!

Бир пайт жамоамиздаги әрқаклару аёллар үртасида тортишув бошланиб кетди: аёллар этик фақат бизге берилиши керак, дейишса, әрқаклар, бizzи хотинлардаям оёқ бор, бизгаям этик керак, деб оёқ тираб туриб олишди. Юзага келған тантанғ вазият маҳаллий құмитада муҳокама этилиб, жанжал чиқмасин учун "ҳар бир бұлымга биттадан этик ажратылсın, бұлымда қуръа ташланиб, жинсидан қатъи назар, чекига чиққанға берилсін", деган қарор қабул

қилинибди. Бизнинг бўлимга битта — қирқ тўртинчи размер этик ажратилибди. Бу размер бўлимдаги аёлларнинг бирортасининг оёғига тўгри келмасада, баҳт қуши кимнинг бошига қуниб, этик кимга тегиши, маҳалқўм буюрганидай, қуръа ташлаш билан аниқланадиган бўлди. Буни қарангки, уша улкан этик менинг чекимга чиқиб турса, денг! Ҳамкасларим қовогидан қор ёққудай тумшайиб, менга тепиб юборгудай тикилишган, мен эса омаддан масрур бўлиб этикни қайта-қайта силайман, лабу лунжимни ийгиштиромай илжаяман.

Кечқурун уйга ҳовлиқиб келиб, қўлтиқдаги этикни онамнинг олдига "тап" этказиб ташладим:

- Мана, яхши ишлаганим учун мукофотга беришди!
- деб кучайдим.

Мукофотланганимни эшитиб, онам қувониб кетди, сўнг этикнинг у ёқ-бу ёгини айлантириб кўриб:

- Болам, бу аёлларнинг этигимасми? — деди ажабланиб.

— Ҳа, аёлларники, аммо импорт! — дедим бурнимни шишириб.

— Вой, қандоқ яхши! Келиннинг энг топилмас сарпосини бутлабсан, болам! — деди кўзлари қувончдан чақнааб, сўнг этикни пошнасидан учигача қаричлаб ўлчаб кўриб, ажабланди. — Бунинг неchanчи размер?

— Қирқ тўрт!

Размерни эшитиб, онам бошдан оёғимгача тикилиб туриб:

— Бундан чиқди, шу сумакдай ҳолинг билан роса полвон қизга уйланар экансан-да? — деб киноя қилди.

Онамнинг гапига фаришталар "омин" деган экан, тоғамнинг юбилейида оёғи ерга тегмасдан елиб-югуриб хизмат қилиб юрган, бодом қовоқ, қийгоч кўз, бурнининг учидаги ясмиқдай холи бор, гупсадай қиз кўзимга чўғдай кўринди. Суриштирсам, тоғамнинг қайнисингилларидан, янгамизга жиян бўлар экан.

Юбилей тугагунича у билан танишиб, әлакишиб қолдик. Бир қоп ёнғоқ — шалдир-шулдир қиз экан. Гурсиллаб юришларига қараб, ҳазилашган бўлиб:

- Бу чаққон оёқларга нечанчи размер киядилар?
- десам, қиз тушмагур уялиб, тортиниб ҳам ўтирасдан:
- Қирқ тўрт, — деб хандон отиб кулиши юрагимни тамоман ишғол қилди қўйди.

“Ахтарганим топилди!” — деб, янгамни воситачи қилиб, унга совчи қўйдим. Холпошишанинг ота-онаси ҳам “Тенгини топсанг, текин бер”, дейдиганлардан экан, “Ўйлаб курамиз, қариндош-уруглар билан маслаҳатлашамиз”га ҳам бориб ўтирасдан, “Икки ёш бир-бирларини маъқул топишса, биз рози!” — дейишибди. “Темирни қизигида бос”, дедим-у, бир ой ичида тўйни ўтказиб, уйим — бекалик, этигим — эгалик бўлди. Гумбиллаб юриб, нафақат уйдаги рўзгор ишларини, балки ўрдагини уриб, қирдагини қириб келадиган полвон келинидан онам хурсанд. “Болам менга келин змас, бульдозер оберди!” деб мени алқатани-алқаган. Маҳалламиздаги Шапиқ пиённинг таъбири билан айтганда, эр-хотин роса бир-биримизга “репумиса-реп” булиб, мос эмишмиз. Унинг кўзига Холпошша яримта шиша, мен унинг ёнидаги истаконга ўхшаб куринармиймиз. “Мастлик — ростлик”. Демак, каминангиз, ниҳоят узига ярашиқлисими топибди, деяверинг!

ЭҲТИЁТКОРЛИК

Машина минмаганинг мингани қурсин экан. Илгари эшак миниб кўрмаган Саъдидек деган ошнамиз иши юришиб, ўтган йили кузда “Нексия” русумли автомашина сотиб олди. Олгандаям қирмизи рангли, супер салонлигидан олди. Ўзини “сан” десаям, машинасини “сиз”лаб, уни иложи борича минмайдиган,

мингандаям уйдим-чуқур йўллардан юрмайдиган, машина гардини бир кунда ўн марта ювиб-артишдан эринмайдиган бўлди. Ошнамизнинг машинадан завқи тошиб юрган кунларида хотини Кимёхоннинг тогаси эзлик ёшли юбилейини нишонладиган бўлди.

– Юбилейга машинада борамиз! – деб хотини Кимёхон оёқ тираб туриб олди. Саъдидек “Уринтирмай-суринтирмай, кўча мошинасида обориб-келаман”, – десаям кўнмади.

– Яхши кунга яйраб минмайдиган машинани нимага олгансиз?! – деди Кимёхон энсаси қотиб. – Тавба қилдим, одам деганиям шунчалик қаттиқ бўладими?

– Қаттиқлик эмас бу, эҳтиёткорлик, – деди Саъдидек бўғилгудек бўлиб.

– Ресторандаги зиёфатга машинада, обру билин бориб, еб-ичиб қайтишга эҳтиёткорликнинг нима даҳали бор? Ё рулда борсам, ичолмайман, деяпсизми?

– Машина олгандан кейин ичишни ташлаб юборганимни биласан-у, – ранжиди Саъдидек. – Машинада боргандан кейин индамай кетолмайсан, битта-яримтани уйига ташлаб қўйишга тўғри келади, буёги ортиқча бензин, машина уринади!

– Жа-а, шунчалик бўса, машинани ресторанга етмасдан бирорта стоянкага қўярсиз, – деди Кимёхон билимдонлик қилиб. – Зиёфатни ўтказиб, яна чиқиб, стоянкадан машинага утириб қайтамиз, тамом. Тунда Чилонзордан Қўйлиқча келишнинг ўзи бўмас, таксиям анча сўраса керак?

Хотини такси харажатини эслатгандан кейин Саъдидек ноилож Нексияни гараждан чиқарди.

Улар ресторандан бир бекат беридаги тўхташ жойига қайрилишди. Кичкина фанер будкадаги малла соч, ширакайф қоровул йигит тайинлаб қолди:

– Братан, стоянка соат ўн иккигача ишлайди. Машинани ровно ўн бир яримда олиб кетасиз, океий?!

— Бұлди, тушундим, соат үн бир яримда, как штик, шу ерда бұламиз! — деди Сағдібек.

Уларни ресторанга кираверишда юбиярнинг үзи қарши олиб, ёнида турган божаси — норгул йигитта:

— Боқивой, күёв билан жиян яхши жойга үтқазылсан, — деди.

— Бизга хизматлар бұлса... — деди Сағдібек құлини күксига құйиб.

— Күёвга қандай хизмат бұлиши мүмкін? Хизмат шу, үтириб маза қилиб, дам олиб кетсанглар, биз хурсанд! Боқивой, давай, буларни опкиринг!

Боқивой олдинга тушиб, Сағдібек билан Кимёхонни ичкарига бошлади.

Тунги соат үн бир, зиёфатнинг кульминацияси бошланған, меҳмонларнинг яримидан күпі кеттән, қолғанлар ҳам кетиш ҳаракатига түштән пайтда, Сағдібек хотинини аста туртиб, қулидаги соатига ишора қилды. Хотин "тушундим" дегандай бош силкиб, ўрнидан туриб түрдәги столда үтирган тоғасининг қаршиисига бориб зығашыб, кетишга изн сүради. Тоға атрофига аланглаб, чиқаверишда ҳүшёр турган божасини ёнига имлаб чақириб, қулогига нимадир деди. Божаси бош силкиб, шошилиб ташқарига юрди. Кимёхон эрининг ёнига бұшашиб келди.

— Тогамлар, божасига "Буларни уйига таптаб құй!"
— дедилар. Чиқиб, сиз овора бўманг, ўзимиз кетамиз, деб қўя қоламиз.

Эр-хотин ташқарига чиқишганида Боқивой "Мер-седес"ни зина қаршиисига кўндаланг қўйиб, орқа эшикни очиб турарди.

— Карета подана, почча! — деди у жилмайиб.
— Раҳмат, каретага ҳожат йўқ, сизни овора қимасдан, ўзимиз кетамиз, — деди Сағдібек.
— Ҳеч овораси йўқ, ҳурматингиз бор, — жилмайди йигит.

Саъдибек яна нимадир демоқчи эди, йигит уни құлтигидан олиб, мажбурлаб орқа үриндиққа үтқазды. Кимёхон ҳам бұшашиб, зрининг ёнига үтиришга мажбур бўлди.

Жойидан шитоб билан қўзгалган "Мерседес" ҳали зум ўтмай улар машинани қолдирган тўхташ майдони ёнидан шувиллаб ўта бошлиди. Ҳали гавжум машиналардан бўшаб, ҳувиллаб қолган тўхташ майдонида ёлғиз тўқ-қизил рангли "Нексия" мунгайиб турарди.

Эр-хотин ортда қолган машина қўздан йўқолгач, бирданига "уҳ" тортиб юборишиди.

Ҳожатбарор йигит ўнг қўли билан диск танлаб, магнитофонга қўяр экан, деди:

– Божамиз куёв билан жиянни обориб, дарвозадан уйга кирғазиб қайтасан, деганлар. У кипи айтганиларидан кейин бажармасак бўладими? – деди, сўнг магнитофон тутмасини босди.

Салонда ҳофизнинг тингловчини сел қиладиган соҳир овози янгради:

"Баҳор айёмидур даги йигитликнинг авонидур,


Кетур, соқий, шароби нобким, ишрат

замонидур..."

Аммо бу овоз орқа үриндиқда, Қўйлиқдан машина қолган жойга етиб келишни ўйлаб, гужанак бўлиб үтирган эр-хотининг қулоқларига кирмаётган эди.



РАЙИМ СОДДА ҲАКИДА ХАНГОМАЛАР



МЕҲМОНХОНАДАГИ ТРАКТОР

Узунқишлоқлик Райим соддага том-жой солиш учун тўқай ердан олти сотих ер ажратилди. Бу жойнинг шароитини биладиганлар уй солишдан аввал унинг тагини тракторда яхшилаб зичлатишини маслаҳат беришди. Райим содда жамоа хўжалигининг алмисоқдан қолган баҳайбат “С-100” русумли тракторини ҳайдайдиган Сотимқул “пат-патга” чойпули бериб, ерни зичлатадиган бўлди.

Эрта тонгда тўқайгача бинойидай гуриллаб юриб келган трактор иморат солинадиган ерга кириб, биринки у ёқдан-бу ёққа айланди-да, “пак-пук” қилганича ўчди-қолди.

Сотимқул кабинадан чиқиб, бошини қашиганича, кент темир тасма устидан юриб бориб, свечаларни бир-бир чиқариб, латтага артиб ўрнига қўйди, мотор тумшугидан ручкани солиб, ҳолдан кетгунча шақиллатиб, айлантириб кўрди, лекин фойдаси бўлмади. Бечора куни бўйи юз-кўзи қоп-қора мойга беланиб, роса уринди. Ахийри, ҳафсаласи пир бўлганча, қўлларини латтага артар экан:

– Бўлди, матўр сапсим капут. Энди бу одам бўлмайди. Тамом, шу ерда қоладиган бўлди! – деди.

– Нимага қолади? – деди Райимбой пат-патнинг кутилмаган хulosасидан кайфияти тушиб. – Капут бўлса, буни иморат қуриладиган ердан олиш керак!

– Олишнинг иложи йўқ, – деди пат-пат тракторнинг тупроқча яримигача боттан темир тасмасини оёғи билан тепиб. – Буни энди паровоз билан ҳам чиқариб бўлмайди..

– И-ий-й, нималар деяпсан, ошна, унақага келишмагандик! – деди содда асабийлашиб. – Бу ерга иморат соламанми ё сани капут бўлган трахтиргни кўмаманми?!

— Манга нима дейсан, исписат бўлган тракторда шунча йил ишладим! Энди буни ерингдан орқалаб чиқараманми, керак бўлса, калхўз орқаласин! — у шундай деб, қўлини артган латтани темир тасма устига отиб кетворди.

Аммо калхўз ҳам аллақачон хизматини ўтаб, бир уюм темирга айланган тракторни “орқалаш”ни истамади. Райимқул уни том-жойдан олдираман деб идорага қатнашлари зое кетди. Сўнгги бор идорага борганида раис:

— Яна бир марта келиб, мени безовта қиссанг, ерни тортиб олиб, бошқага бераман! — деб дўқлаб жўнатди. Содда “Энди уволларинг ўзларингдан!” деб қурилишни бошлаб юборди. Трактор атрофидан девор урилаётганини кўриб ҳайратланганлар “Буёги қандоқ бўлди?” дейишса, у:

— Манга уй керак, буёги билан ишим йўқ! — дерди.

Шундай қилиб, кузда Райимбой уйни қуриб битказди. Янги меҳмонхона тўрини эса баҳайбат трактор безаб, унга алоҳида файз багишилаб турарди.

ИШКОП МОЖАРОСИ

Райим содда янги уйни таъмирдан чиқариб, “Худога шукр, бир камим битди!” деганида, шу пайттacha ҳалимдай юмшоқ, камсуқум хотини Ҳаммагулга кўз тегди: туман марказида яшайдиган синфдош-дугонаси Холбеканикига бориб, бутунлай ўзгариб қайтди. Холбеканинг меҳмонхонасида ойнаванд ишкоп турармиш. У ўша ишкоп ойнаси олдида туриб кийинармиш, пардоз-андоз қиласмиш. Хуллас, Ҳаммагулнинг оғзидан Холбеканинг “культурний”лиги-ю, ойнаванд ишқоли тушмай қолди. Хотинининг гапларидан энсаси қотган Райимбой:

— Ман санта янги уй қуриб бердим, сан бўлсанг, оғиз кўпиртириб, дутонангни мақтайсан! — деди

жаҳди чиқиб. – Унинг меҳмонхонасида ишкоп бўлса, саникида бутун бошли трактор бор!

– Ҳаҳ, қуриб кетсин трахтириңгиз! Ишкоп оберасиз! – деди хотини ўрлиги тутиб.

– Қанақа ишкоп?

– Кийим осадиган ишкоп!

– Кийимни ишкопга осиб қўйиб, ўзимиз яланғоч юрамизми?! – бўғилди содда.

– Ишкоп оберасиз, дедимми, оберасиз! Мен ҳам Холбекага ўхшаб, ўзимни ойнага соли-и-иб, кийинман! Аёл деганлари ўзига қараб, пардоз-андоз қилиб юриши керак экан.

Хуллас, Ҳаммагул айттанини қилдирди. Содда йўрга эшак учраб қолса сотиб оларман, деб тишининг ёриғида асраб юрган пулига ойнаванд ишкоп сотиб олди. Колхўз тележкасида эсон-омон уйга етиб келган ишкоп на тиккасига, на ёнламасига меҳмонхона эшигига сигди. Райимбой пешонасидағи терни кафти билан сидириб, ёрдамга келган қўшниларга:

– Бўлмайди! Меҳмонхона томини очамиз! – деди чўрт кесиб.

– Томни очиб нима қиласми? – дейишди қўшнилар ҳайрон бўлиб.


– Калхўзнинг кўтарма кранини чақиртириб, ишкопни томдан туширамиз! – деди Райимбой.

. Қўшнилар унинг кайвонийлигига тан беришиб, меҳмонхона томини очишга киришдилар.


Арқонга бояланган ишкопни кўтарма кран меҳмонхонанинг бузилган томидан тушираётганида содданинг ҳунар коллежида ўқийдиган қайниси келиб қолди. У янги меҳмонхонанинг вайрон бўлган томига ачиниб:

– Буни бузмасдан, ишкопни бузиб қўя қолмаб-сизлар-да, почча ?! – деди.

– Бекорларни айтибсан?! – кўзининг паҳтаси чиққудай бўлиб ўшқирди содда. – Бир этак пулга келган янги ишкопни бузиб, нима қиласман, ўчоқقا ўтин қиласманми?!



ХИКОЯЛАР



ТОРМОЗНИ БОС!

Дүлөгди деган дүлваргина, исми жисмига монанд, турган-битгани ваҳимадан иборат қўшним бор. Ўшанга машина анҷонинг уруги бўлган замонда ижроқўмдаги танишларга айтиб, “Жигули” автомашинаси олишига кўмаклашгандим. Машиналик бўлган куни у ҳовлига пориллаб кириб: “Қўшни, маға, аргумоқ остиミзда, ўғил правали бўлиши билан кўнглингиз тусаган томонларга сайд қилдириб келаман!” – деди ўзига сифмасдан. Орадан анча вақт ўтиб, қўшнининг ватъдаси ёдимдан кўтарилий деганда, у ҳовлига ҳарсиллаб кириб:

– Эртага дам олиш, а, зарил ишингиз йўқмиди? – деб сўради.

– Йўқ, нимайди?

– Йўқ бўлса, сафар тадоригини кўриб, саҳарда шай бўлиб туринг, аргумоқда водий томонларга сайд қилдириб келмоқчидим! – деди тантанвор оҳангда.

Бирор машинасида сайд қилдираман, деса ёқмайдими? Сафархалтага топган-туттганни солиб, қўшнининг “аргумоги”да саҳарлаб йўлга чиқдик. Уни Дўлёгдининг ўтаси бошқариб бораради. Биз орқа ўриндиқда ялпайиб, тонги боғларга, яшиллиги уфқларга туташган дала, тогларга суқланиб қараб, гурунглашиб кетаётувдик, шу пайт қўшним нимадир ёдига тушди, шекилли, ўглиниң елкасига қаттиқ тутириб:

– Тормозни бос! – деб буюрди бўғиқ овозда.

Тез кетаётган машина гидриаклари асфальтда сирғалиб, чийиллаб тўхтади.

– Нима бўлди, уйда бирорта зарур нарсани унубисизми? – дедим ҳайратланиб.

– Балонни единг, қовоқмия! – увлади Дулёгди кабинадан апил-тапил тушар экан.

— Ўзингиз, тормозни бос, дедингиз-у! — деди ўтил изза бўлиб.

— Бос, деса босаверадими?! — чийиллади ота, — шўпирликни ўқиганинг шумиди?!

У жавраганича машина олдига ўтиб буюрди:

— Капотни оч!

Ўтил ўтирган жойида елка қисиб, капот ричагини тортди.

Гаг нимадалигига ҳамон ақлим етмай, Дўлёғдининг кескин ҳаракатларига анграйиб қараб қолдим. У капотни очиб, қўлини моторга теккизди-да, қаттиқ бош чайқаб:

— Ўргилдим сендақа шўпирдан, моторни қиздириб юборибсан! — деди куюниб. Ялпайиб ўтириш ноқулай бўлиб, кабинадан тушиб, унинг ёнига бордим.

— Мана, қўлни, ёшларнинг аҳволини кўринг! — деди Дўлёғди алам билан. — Бу жунбощлар мошинни босиб минишни билади, аммо авайлашни ўйламайди! Мотор совисин, кейин юрамиз.

— Дада, мотор қизимаган, ишлаганди исиди...

— Сен ақл ўргатмай, хап тур, хўпми?! Сервисдаги уста нима деганди, мотор янгилигида қизимасин, демаганмиди?!

Биз яна йўлга тушдик. Энди негадир гапимиз қовушмас, атрофдаги яшил боғлару зангор тоглар ҳам аввалги тароватини йўқотган эди. Ўзимни машинада ортиқча юқдек сезиб, сиқилиб борардим.

— Энди машиниям одамдек авайлаб-асраш керак, — деди Дулёғди ўртага чўккан ноқулай жимликни йуқотиш учун. — Мошин деганлари пирлик нарса...

— Дада, магнитофонни қўйсам майлими? — ботин-майгина суради ўтил.

— Аккумляторга заари йўқми унингни?

— Нета заари бўлар экан?..

— Зарари бўлмаса, майли, қўй! — буюрди Дулёғди.

— Энди, қўшни, аккумлятор деганиям анқонинг уруги экан.

Магнитофондан хонаңданинг “Қүйнимда бир ёр, күнглимда бир ёр” құшиғи янграй бошлади.

– Мана сизга құшиқнинг ақволи! – Дүлөгди худди аччиқ нарса чайнаң олғандай афтини буриштириди. – Бугунги ёшлар күнглидагиниям, қүйнидагиниям тап тортмасдан, ашула қилиб айтади!

Дүлөгди яна анча жойгача ёшларнинг құшиқларида парда йүқлиги борасыда жавради, кейин үглининг елкасига қаттық ниқтаб:

– Бас, тұхтат, индамаса ярим соатдан бери довонда моторни қийнаб, қыздыриб келяпсан, – деди.

Үғыл отанинг ғалати дашномларидан тоқати тоқ булади, шекилли, тормозни аввалыдан ҳам кескин босди. Машина гиддиреклари чийиллаб, анча жойгача сиргалиб бориб, тұхтади.

– И-и-и, гиддирекні единг! Нақ миямни асфальтта ишқадинг-а, нобакор! – деди Дүлөгди увлаб бошини ушлади. – Сен бола үзи кичкиналигинде нарсанынг қадрига етмасдинг! Бунга на кийим, на үйинчоқ чидарди!

Дүлөгди жавраганча кабинадан тушиб, капотни очди-да, моторга құлини теккизиб, бошини қаттық чайқади.

– Айтдим-а, қызиди деб! – нола қылди у.

Дүлөгдининг ҳар ярим соатда машиналы тұхтатиб, мотор тепасыда жазавага тушишлари сайдра бұлган иштиёқимни сұндарған, үзимни ёмон ҳис қила бошлаган әдим.

– Янги мотор шунчалик тез қизишига ҳайрон бұл-япман, – деди Дүлөгди навбатдаги “мотор совиши”дан кейин жойимиздан құзгалар эканмиз.

– Сизни сервисдагилар боплашибди, – дедим жиіддий оғанғда. – Янги моторни эскисига алмаштириб беришган...

– Йүг-е?! – Дүлөгдининг күзлари косасыдан чиқ-қудек бұлды. – Шунақасиям бұладими?!

- Бундан баттариям бұлади, — қизиб турған чүкқа ёт сепишда давом этдим. — Ҳатто биттасининг яп-янги "Жигули"сини эскисига алмаштириб беришган экан.
- Қ-қ-қандай қилиб?!
- Үшаникідай бүёкқа бұяшган. Устаси уста бұлади-да!
- Вой ярамаслар, вой юхолар! Тагин ҳам замонни ер ютмайды! — Дүлөгди бошини ушлаб, увлашга тушиб кетди.
- Даңда, амаким ҳазиллашыптилар, — деди ўғыл отасининг қолатидан ноқулай ақволга тушиб.
- Сан билмаган нарсага аралашмай, йўлингга қара! — бўкирди Дўлётди.
- Амаки, дадам ҳазилни тушунмайдилар, — деди ўғил сиқилиб. — Машина олганларидан бери шунаقا, галати бўп қоганлар.

Дўлётди моторни "совутиш" учун яна машинани тўхтатганида кабинадан тушибоқ, қаршидан келаётган енгил машинага қўл кўтардим. У ёнимга келиб тўхташи билан ҳайдовчининг ёнига ўтира солиб:

- Ҳайданг, илтимос! — дедим.
- Қаёкқа борадилар? — ҳайратланиб сўради ҳайдовчи.
- Анови, капотта бошини тиқиб турған одамдан узоқроққа!

Машина жойидан қўзгалиб, тезлашганида Дўлётди орқада қўл силтаб, нимадир деб қичқириб қолди.

МОСКВАГА БОРИБ ҚОЛГАНИМ...

Биринчи ҳангома

- Бу воқеа ўтган асрнинг саксонинчи йилларида бўлган, отагинам. Телестудияда оператор бўлганим боис, деярли ҳар ҳафта республика бўйлаб хизмат

сафарига чиқардик. Ўшанда Фаргонага учадиган бўлдик. Командировка пулини олиб чиқсан, улфатларим тамшаниб:

- Сафарни ювмайсанми, номард! – деб қолишиди.
- Ювамиз, ким айтди ювмайди! – дея кучайдим.

Обдон пешонани-пешонага тираб, мириқибмиз. Кейин таксида аэропортга бир амаллаб етиб олдим. Яхши ҳамки олдиндан Фаргонага чипта олиб қўйган эканман.

Тайёрагоҳга туғри кириб, рўйхатдан ўтиб, йўловчилик билан аралашиб, улкан аэробусга чиқдим. "Фаргонага ҳам аэробус учадиган бўпти-да", деб ўйлабман-у, ўриндиқقا ўзимни ташлаб, пинакка кетибман. Бир пайт кузимни очсан, йўловчилар галаговур билан ўринларидан туриб, самолётдан тушаётган экан. Ёнимда утирган киши:

– Туринг, етиб келдик, роса ухладингиз-да ўзи ҳам, – деб кулди.

– Фаргонага келдикими? – десам, ҳалиги киши ажабланиб:

– Қанақа Фаргона, Москвага келдик. Домодедовадамиз! – дейди.

Ҳазиллашяпти десам, тўгри айтган экан. Самолётдан ташқарига чиқсан, май ойи бўлса ҳам совуқ, изгирин эсаётганидан Фаргона эмас, Москвага келиб қолганимни билдим. Ҳамма йуловчиларнинг эгнида плашч, мен эса енги калта оқ, куйлақдаман.

Дилдираб аэропорт биносига кириб, чўнтакларими ни кавлаштириб кўрсан, атиги ўн етти рубль бор экан. Қандай қилиб Москвага келиб қолдим экан, деб ўйлаб курсам, ёнма-ён турган самолётларни чалкаштириб, "АН-24"нинг ўрнига "ИЛ-86"га чиқиб олган эканман.

Бизни олиб келган аэробусдан тушиб келаётган учувчиларга қарасам, узбек, тошкентлик йигитлар экан. Йўлларини кесиб чиқиб:

– Отагинам, Фаргонага учаман деб, жиндай янглишиб, Москвага келиб қолибман, – дедим.

Аввалига учувчилар гапимга ишонишмади, кейин Фарғонага олган чиптамни кўришгандан сўнг, бош чайқаб:

— Шунча одамнинг кўзи қаёқда экан, одамлар чипта билан Москвага учолмаётганида, бу киши чиптасиз келибди, — дейиши. Тошкентга қайтишга пулим йўқлигини айтгандим:

— Бунақа ноёб ҳодиса ҳаётда бир мартагина булади, майли, қайтишда сизни Тошкентта чиптасиз олиб кетамиз, — деб кулишди. — Фақат Кечгача шаҳарни томоша қилиб, соат кечки саккизда аэропортнинг хизмат йўлагига келасиз.

Девонанинг ишини Худо ўнглабди деганларидай, чўнтақдаги ўн етти рўблнинг кучи билан Москвани айланиб, айтилган вақтда аэропортга келсам, ҳамшаҳар учувчилардан бири мени хизмат йўлагида кутиб турган экан. Ўша аэробусда, Тошкентга қайтиб келдим.

Фарғонага эса эртасига, бир кун кечикиб етиб бордим. Режиссёrimиз:

— Иш пайтида қаерларда юрибсан?! — деб гўлдиради.

— Москвага бориб келдим, — десам, у:

— Бошни қотирма, ортиқча отиб олиб, хаёлан бориб келгандирсан! — деб ўшшайди.

Тавба, ўшанда чиптасиз Москвага бориб қайтганимга ҳеч ким ишонмаган эди, энди эса умуман ишонишмайди.

ХОТИНИМДАН ОЛҚИШ ОЛГАНИМ

Иккинчи ҳангома

— Отагинам, ўзи мен роса баракали, омадли йигитларданман. Нега десангиз, “бемаза қовуннинг уруги кўп бўлади”, деганларидай, каминангизнинг

нимаси күп — улфатлари күп! Шунақанги меравой улфатларим борки, бир чаңа сарғлатмасдан, маош олгунимча, меъёрига етказиб, пишириб, кейин уйга кузатиб қўйишади. Фақат, ичиб келсам, хотиннинг киссаларимни қоқлаб қўйиш одати ёмон. Эрталаб туриб, бош отриги қиласай десанг, чўнтағингда шамол ўйнаб юрган бўлади. Мен ҳам анойилардан эмасман. Хотиннинг бу қилиғига қарши ҳийла ўйлаб топдим. Ичиб келсам, уйға киришдан олдин ҳовлида эҳтиётимни қилиб, киссадаги пулни бирор жойга яшириб, кейин ичкарилайман. Пулни ҳар гал ҳар хил жойга, баъзан гиштнинг, баъзан қопнинг тагига яшираман. Аммо эртасига, кўпинча, яширган жойни унутиб қўяман. Ҳайронман, кайфда ишлаган калла, соғ пайт ичи ковак ошқовоққа айланади-қолади.

Кўпинча, яширганимни хотин топиб олади-да, “Хўжайн, бутун эрталаб гуруч қопининг тагидан ўттиз минг топиб олдим, йўлакдаги гиштнинг тагидан эллик минг топиб олдим”, – деб мақтанади. “Ҳой, номард, бу пул меники эди!” – дея олмайман, десам ҳарбий сирни очиб қўяман-да! Ҳар гал яширганларим хотин томонга ўтавергач, бошқача усулни ўйлаб топдим. Энди пулни ҳовлидаги дараҳтларнинг тагига кўмадиган бўлдим. Дараҳтнинг тагини кавлаб, пул ахтариш хотиннинг калласига келмайди, кавлаган билан ҳам тополмайди. Хотин у ёқда турсин, кўпинча, ўзим яширгани ўзим тополмай, тижиниб юраман.

Бир сафар роса қовун бўлган. Йил якунида ишхонада ўн учинчи мэошни бериб қолищди. Менинг қўлимга ҳам анча-мунча пул тегди. Хотиннинг фаҳми етмайдиган қисмини ажратиб олиб, уйга келганимда уни ҳовлининг бир чеккасига кўмиб, кейин, ичкарига кирдим-да, маошнинг қолганини хотиннинг қўлига тутқаздим. Боёқиши қувониб кетганидан, “Қанча маош олувдинтиз?” – деб сўраб ҳам ўтирмади.

Эртага, Янги йил байрамида ҳовлига кўмганимга улфатлар билан базми жамшид қуришни ўйлаб,

ичимдан бир қувонаман, бир қувонаман денг! Үша қувонч билан тонг отиб, ҳовлига чиқиб, "дод" деб юбордим. Буни қаранг-ки, туни билан қор ёғиб, ҳовли ярим метр оппоқ күрпага кўмилиб қолибди.

Оббо, энди шуниси етмай турувди, шунча пулни қоронгида қаерга кўмганим ёдимга тушса, ўлай агар. Кўмилган жой устига қўйилган тош қор тагида қолган. Бугилиб, у ёқдан-бу ёққа юриб, ниҳоят, хазинани топишнинг йўлини топдим. Бэлкуракнчи олиб, ҳор босган ҳовлини бир чеккадан ағдаришга тушиб кетдим.

Хотин ҳовлига чиқиб, кузларига ишонмай, менга бир зум анграйиб қараб турди-да, сунг ўзига келиб:

— Айланиб кетай, хўжайин, энди одам буладай дебсиз! Жуда тўгри қиласиз, кузда шудгор қилинган ер — баҳорда тўтиё бўларкан. Қор ёғсаям гайрат қилган эргинамдан айланай! — деб мени алқашга тушиб кетди.

Терлаб-пишиб то қоронги тушгунича ҳовлининг ҳар бир қаричини белкуракда ағдариб чиқдим, аммо пуллар топилмади. Аттанг, баҳоргача шунча пул чириб кетадиган булади-да, деб ичимни ит тирнайди, хотиним бўлса, қувончи ичига сигмасдан, атрофимда гирдикапалак, тилидан бол томиб мени тинмай алқайди.

БУРУН УСТИДАГИ БАРМОҚ

Бир әлифта кўчадан ўтиб бораётса, маст кимса кўча чеккасидаги кўлмак ўртасида керилиб ўтирганмиш. Олифта уни мазах қилиб:

— Ҳў, бойвачча, соат неччи бўлди?! — деса, кимса:

— Соатми? Ҳозир-да! — кўрсаткич бармогига туфлаб, уни бурнининг устига қўйиб дебди. — Соат... икки ярим бўлди, катта aka!

Олифта қўлидаги соатга қараса, икки яриммиш. "Тасодиф бўлса керак," деган хаёlda ўтиб кетиб,

биrozdan сүнг, яна шу йўлдан орқасига қайтаётиб, қараса ҳалиги маст ҳалиям кўлмақда ўтирганишиш. Олифта олифтачилиги тутиб, уни яна калака қилиш учун:

— Соат неча бўлди, шеф?! — дебди.

Маст яна кўрсаткич бармогига "туф" деб, уни бурнининг устига қўйиб:

— Учдан ўн тўрт минут кетибди, катта! — дебди. Олифта соатига қараб, минутигача тўгрилигидан ажабланиб:

— Буни қандоқ қилиб биляпсан-е?! — дебди.

— Манов бармоқ билан биляпман! — дебди маст кўрсаткич бармоқни силкиб.

— Бунинг сирини мангаям ўргатасанми?!

— Пожалиста, ёнимга ўтирсанг, ўргатаман!

Олифта кўлмакка кийим билан ўтиришдан қанчалик жирканмасин, кўрсаткич бармоқقا қараб вақтни аниқдашни билгиси келиб, мастанинг ёнита бориб ўтириби.

— Ўтирдингми? — дебди маст.

— Ўтирдим!

— Энди кўрсаткич бармогингга туфла! Туфладингми?

— Туфладим...

— Энди бармоқнинг учини кўчанинг нариги тарафидаги бино томонга тўғирла! Тўтиrlenгми?!

— Тўғирладим.

— Энди бармоқни пастроқ тушириб, бурнингни устига қўйсанг, бино деворидаги соатни кўрасан! Курдингми?!

ПИЛЕСОС

Эрталаб хотинни ишга, болаларни ўқишига кузатиб, уйда ёлгиз ўтирсам, бир қўлида катта сумка, иккинчисида кичкина халта кўтарган, шиширилган шарга ўхшаб кетадиган дум-думалоқ нусха эшиқдан кира солиб:

— Ассалому алайкум, бой ота! Сизни “Бойтек” фирмамиз ва ўзимнинг номимдан табриклайман! — деди.

— Нима билан табриклайсиз? — дедим ҳайрон бўлиб.

— Фирмамизнинг “Сифатли молларимиз — оммага!” акциясида иштирок этишингиз муносабати билан табриклаймиз! — деб нусха сумканинг ён киссасидан ялтироқ қутича чиқариб, қўшимча қилди. — Мана шу ажойиб “Бойтек” дезодорантини сизга совға сифатида тақдим этишга рухсат этасиз!

— Совға олишни болалиқдан яхши қўраман, раҳмат. — деб мамуният билан дезодорантни олиб, қутини очмоқчи здим, нусха:

— Шошилманг, дезодорантта эга бўлиш учун аввал фирмамизнинг “Бойтек” номли ажойиб пилесосини харид қилингиз лозим! — деб катта сумкасидан қип-қизил пилесос чиқара бошлади.

— Пилесосинг ҳам, дезодорантинг ҳам керакмас, бошимни қотирмасдан жўна! — дедим ҳалиги мамнуният жаҳдига айланиб.

— Бой ота, жўна, дейишга шошилманг, аввал бу пилесоснинг суперлигини кўринг-да!

— Яхшиликча жўна, бўлмаса суперингни чиқариб қўяман!

— Бой бува, жиндай сабр қилсангиз, бунинг қандай ишлашини сизта намойиш қиласман!

— Уйда пилесослик иш қолмаган, хотин ишга кетишдан аввал ҳамма ёқни тозлаб кетган!

— Бунданташвишланманг, пилесоснинг суперлигини намойиш қилиш учун ўзим билан елим ҳалтада ахлат ола келганман! — деб хотин ишга кетишдан олдин ялтиратиб, артиб кетган паркет полага қўлидаги елим ҳалтадан тупроқ аралаш ахлат сочиб:

– Агар мана шу сочган ахлатдан полда бирорта гард қолса, тилем билан ялаб, тозалайман! – деб пилесосни ишга шайлай бошлади.

– Шундайми? Яхши, унда сенга туз билан мурч бераман! – дедим.

– Туз билан мурчни нима қиласман? – ҳайрон бұлды бақалоқ.

– Паркетни тилинг билан тозалаётганингда түккан ахлатинг мазалироқ бұлсин учун устига сепасан!

– Нимага паркетни тилем билан тозалар экансман?! –

– Кечадан бери уйда чироқ йүқ, пилесос ишламағандан кейин паркетни тилинг билан тозалайсан! – деб кучта эшикни қулфлаб, калитни чүнтакка солдим.

МУХЛИС

Мухлисидан танқидчиси күп бұлған хонандани күчада бир кекса киши тұхтатиб:

– Кампиirimнинг айтишича, құшиқ айтаркансиз-а?!

– деди шанғиллаб.

– Ҳа, құшиқ айтамиз, – деди хонанда ҳаяжонланиб.

– Қанийди, құшиғингизни бир марта тинглаб, маза қылсам, боримни беришга розийдим! – дебди киши хұрсииб.

– Э, барака топинг, мингта кириб юринг, сиз санъятнинг қадрига етадиган ҳақиқий шинаванда экансиз! Сиздай мухлисім борлигини билмас экансман! Раҳмат! – деди құшиқчи құлларини күксига қўйиб, күзлари қувонч ёшига тұлиб.

Киши бұлса унинг гапига эътибор бермасдан давом этди:

– Аммо, тинглашнинг ҳеч иложи йүқ-да! Мана, әллик йил бўпти, қулогим том битган, гарантман, болам! – дебди “мухлис” алам билан.

СУВИ АЧИГАН ЭКАН

Аҳмадалининг ичига тентак сувдан жиндай киргандан кейин терисига сигмай, бор-йүгини улфатларига сочишини шишадошлари яхши билишарди. Бугун ҳам худди шундай бўлди. Бурни қип-қизил Нортойнинг туғилган кунини нишонлаш баҳонасида растадаги дўконда бошланган отишув, Аҳмадалининг сахийлиги тутиб кеттач, маҳалла чойхонасида давом этди. Ўтириш якунида унинг сахийлиги, ўғил болалиги ҳақида айтилган қадаҳ сўзларидан гуппидай шишиб кетган Аҳмадали:

— Ҳозир бу ердан қарсак чалиб турамиз-у, тарқалмасдан, қаторимиизда хато бўлмасдан, тўппатўғри бизникига борамиз! — деди тишини гугурт чўпи билан ковлар экан.

— Энди, сизи хўрот йигитлигингизни биламиз, — деди жўрабоши Тогберди оловга лампамой сепгандай қилиб. — Борсак, келинни уринтириб қўямиз-да!

— Келинни уринтирмаймиз, иккита памидорини саккизга бўлиб, туз сепиб, битта яримталикни майдалаймиз-да, кейин хайларашамиз! Ҳовлидан ичкарига кириш йўқ.

— Унда бошқа гап, — деди бурни “памидор”дай қип-қизил Нортой. — Мана бу эркакча гап бўлди!

Аҳмадали оддинда хўрот юриш қилиб, орқасидан узун-қисқа, семиз-ориқ улфатларини эргаштирганча, дарвозадан ҳовлига кириб келганида, кичик ўғли Сайджон айвонда берилиб ўйинчоқ сурнайни чалиб ўтиради.

— Аянгни чақир, меҳмонлар келди, дегин! — буюрди Аҳмадали ўғлига, улфатларини ёнгоқ тагидаги сўрига чиқишига ундар экан.

— Аям ҳали ишдан келмадилар, — деди Сайджон сурнайини пуфлашдан тўхтаб.

Улфатлар жиндай тихирлиқдан сұнг сұрига чиқиб, хонтахта атрофига чүкишди. Аҳмадали елиб-югуриб, хонтахта устига дастурхон ёзди, нон қўйди.

— Э, ноннинг нима кераги бор, памилдори билан ҳалигини опчиқсангиз бўлди, — деди Тогберди тоқатсизланиб.

— Ҳозир, бир минутда ес қиласиз-да! — мезбон гизиллаб бориб айвондаги ҳолодильникни очиб, куни кеча ўзи қўйган новча шишанинг жойида йўқлигидан гангид қолди. Сұнг, гизиллаб ошхонага кириб, шкафларни бирма-бир очиб кўрди, шиша топилмади.

У сўри ёнидан зипиллаганича, ҳовлининг нариги бошидаги катта уй томон ўтиб кетаёттанида улфатлар:

— Ҳой, нимага оёғи куйган товуқдай ҳовлида у ёқдан-бу ёққа зириллаб ютуряпсиз, яримтани опкелиш шунчалик қийинми?! — деб шовқин солишди.

— Ҳозир, ҳозир, жиндай сабр қилиб туринглар-да, — деб сурнайини дудуллатаётган ўғлига ўшқирди. — Э, бас қил, ҳозир шу сурнайинг етмай турувди!

У гизиллаб ичкарига кириб, стенакага қаради, сұнг диван атрофини исковуч итдай тимирскилаб чиқди. Лекин арзанда шиша ҳеч қаерда йўқ эди.

— Биз турдик бўлмаса! — дейишиди сўридагилар.

— Ҳозир-да, бунча, — Аҳмадали гаши келиб тўнгиллади, кейин алам билан мингиллаб қўйди. — Падарига лаънат, ширингина кайф ҳам бир тийин бўлди!

У хаёлига бир нарса келиб, ҳовлида ҳамон сурнай чалиш билан машғул ўтлининг тепасига борди:

— Менга қара, бола, мабодо ҳолодильникоша шиша кўрмадингми?

— Кўрдим, — деди бола сурнайини кафти билан артиб. — Ичида суви бор шишами?

— Ҳа, ичида суви бор шиша! — Аҳмадали кўнгли ниманидир сезиб, сергакланди.

— Э, уни ичиб курсам суви ачиган экан... Сурнай яхшими, дада?

— Йигиштирир сурнайингни! — ўглининг қилиғидан ота портлаб кетишига оз қолди. — Нимага ичиб кўрасан? Калланг борми ўзи?!

— Лимонадми деб ичиб кўрсам, суви ачиб кетибди, кўнглимни айнитиб юборди. Уни тўкиб ташлаб, шишасини уйдаги бошқа шишаларга қўшиб, шара-барачига топшириб, сурнай олдим!

Аҳмадали айвон чеккасига ҳолсизланиб ўтириб қолди. Ўзларича гудраниб, сўкиниб, ҳовлидан чиқсан улфатларни Сайджон сурнай чалиб, то кўчанинг бошигача кузатиб қўйди.

МЕНАМ КУЛАМАНМИ?

— Қувончбек аканикига чиқаркансиз, — деди хотиним ишдан келишим билан, — ўртоқлари келишибди.

— Мениям олиб чиқинг, — деди уч ёшли қизим Зулфия кўзларини жавдиратиб.

— Ўшаларникига сен етмай турувдинг, — деди хотиним киноя билан.

— Етмай турсам, чиқа қолай, — деди Зулфия мугомбirona кулиб.

— Майли, мен билан чиқа қолсин, — дедим боланинг кунглини қолдиришни истамасдан.

— Йуқ, — деди хотин, — меҳмонларнинг олдида тантислик қилиб уялтириши мумкин.

— Уялтирмайман, — деди Зулфия катта одамлардай жиддийлик билан.

— Бўпти, борасан, фақат у ерга чиққанингда жим ўтирасан.

— Хўп! — бош силкиди қизим. — Жим ўтираман.

Эшиқдан киришимиз билан Қувончбек “Э, келинглар, келинглар!” деб, ота-болани улфатлари ўтирган меҳмонхонага бошлади. Салом-аликдан

кейин бизни қўярда-қўймай тўрга ўтқазиши. Бундай қарасам, уч ёшли қизим энг тўрда, қўлларини бир-бирининг устига қўйиб, худди катта одамлардек, жиддий ўтирибди. Суҳбат узилган жойидан уланиб, анча ўтгач, Қувончбек:

– Зулфия, шоколад емайсанми? – деб ширилик солингган вазани унинг олдига суриб қўйди.

Қизим ялат этиб менга қараб:

– Ада, мен шоколад емэйман-а? – деди.

Даврадагилар кулиб юбориши. Даврадагилар кулиб юбориши.

– Нега емайсан, егин-да! – деди Қувончбек кулиб.

– Адам айтса, ейман, – деди Зулфия бир вазадаги конфетларга, бир менга қараб.

– Адаси, айтинг, Зулфия конфетдан есин, – дейишди меҳмонлар кулишиб.

– Майли, конфетдан биттасини олақол, – дедим купчиликнинг "хоҳишига" қулоқ тутиб.

– Майли, битта конфет ейман, – қизим ҳиммат кўрсатиб, вазадан битта шоколад олиб, ёнига қўйди ва менга хавотир билан қараб, сўради: – Ойимга айтмайсизми?

– Битта есанг айтмайман, – дедим бош силкиб.

Дастурхонга шўрва тортилиб, ҳамма қатори Зулфиянинг олдига ҳам косада шўрва қўйилди.

– Қани, Зулфияхон, овқатни ичсиллар, – деди Қувончбек қизимнинг қўлларини бир-бирининг устига қўйиб ўтиришидан кулиб.

– Йўқ, ичмайман, – дея кескин бош силкитди қизим.

– Нега?

– Конфетдан кейин овқат ичиш мумкин эмас, – деб тушунтириди у. – Адажон, овқат ўрнига яна битта шоколад ейман-а?

Бу гапдан хонада "тур" кулги кўтарилди. Қаҳқаҳа тиниб, ўртага жимлик чўккач, қизим жон-жаҳди билан мен томонга ўтирилиб:

– Менам куламанми?! – деса бўладими.

Қаҳқаҳадан меҳмонхона гумбурлаб кетгандай бўлди.

Қизим бўлса кўзларидан ёш чиққудай қотиб кулаётган амакиларга қовогини уйганча, ҳайрат билан тикилиб ўтиради.

МАШИНАГА ПУЛ ЙИҒЯПМИЗ

Уч ёшли Шуҳрат машинани жоли-далидан ортиқ кўради. Даёдаси такси ҳайдайди. У уйига тушликка келганида, бола учун чинакам байрам бошланади. Отаси овқатланиб чиққунича, кабинада ўтириб, рулни бураб, хаёлан дунёнинг ярмини айланиб чиқади.

У онаси билан амакисиникига меҳмонга бориб қайтгач, "машина дарди" янада кучайди. Амакисининг ҳовлисидағи қирмизи рангли "Нексия"нинг атрофини айланиб, эшик тутқичларини ҳавас билан ушлаб, деразаларини силаётганида, мезбонларнинг у тенги Бобир исмли ўғли югуриб келиб:

— Тегма масинамизга, нали тул! — деб уни елкаси билан туртиб юборди. У машинадан узоқлашар экан, хўрсиниб қўйди.

Уйга қайтища бола автобус деразасига пешонасини тираганича, кўчада у ёқдан-бу ёққа гизиллаб ўтаётган енгил машиналарга ҳавас билан тикилиб, сунг онаси томон ўтирилиб:

— Ойи, бизай қачон масина оламиз? — деди қовоғини уйганича.

— Буни дадангдақ сўра, мен қайдан билай? — деди онаси.

Кечқурун дадаси ишдан кела солиб, апил-тапил ювиниб, телевизор қаршисидағи оромкурсига ўзини ташлаганича, футбол учрашувини томоша қила бошлади.

Шуҳрат оромкурси ёнига, гиламга чўкка тушиб, бирпас экрандаги ўйинга қараб туриб, сўнг:

— Даёд, бизай қачон масина оламиз? — деди.

– Нима? – деди дадаси экрандан күзини узмасдан.
– Қачон масина оламиз? – саволни тақрорлади Шұхрат.

– Машинами?.. Ҳозир... – деди-ю, дарвоза қарши-сида рүй берган кескин вазиятта берилиб, жон-жаҳди билан қичқирди. – Те-е-еп! Э, шалпайған! Шундай тұпни теполмаса-я!

Үйин кескинлашгани сайин отасининг ҳаяжони ҳам кучайиб, боланинг саволи унтутиуди. Репортаж тутаганида, Шұхрат юмшоқкурсі ёнида, гилам устида ухлаб қолған зди.

Эрталабки нонушта пайтида тарелкасидаги кашага қошиқ тиқиб, үйнаб үтирган Шұхратта дадаси:

– Үйнамасдан кашангни е! – деди.
– Қачон масина оламиз? – деди Шұхрат кечә жавобсиз қолған саволини тақорорлаб.
– Машина олиш учун, үглем, пул йигипп қерак, – деди дадаси.

– Пул? У қандай йигилади? – деди бола дадасининг юзига ҳайрат билан тикилиб.

– Пул йигипп учун кашани күпроқ, шоколад билан сариёгни камроқ ейиш қерак, – деди дадаси кашали тарелкани боланинг олдига яқын сурар экан.

Шұхрат, дастурхон ўртасидаги конфет вазага күз ташлаб:

– Үнда мен энди салёғ билан сакалат емайман, – деди кашали тарелкага қошиқ тиқар экан.
– Пул йигиш учун, – давом этди дадаси, – ҳадеб шорттыкнинг янгисини күявермасдан, эскимисини әзтиётлаб, кирлатмасдан кийиш қерак.

Шұхрат шортигидаги дөг-дүгларни кафти билан яшириб:

– Шойтигимни... энди кийлатмайман, – деди қизарыб.

Ұша кундан эътиборан Шұхрат бутунлай үзгарды-қолди. Онаси дастурхонта сариёғ, конфет көлтириб құйса:

– Кўйманг, емайман! – деб хархаша қиласиган одат чиқарди.

– Сен емасанг, дадант, акант ейди, – дерди онаси кулиб.

– Дадам ҳам, акам ҳам емасин!

– Даданг ишлайди, конфет, сариёғ емаса чарчаб, машинага кўпроқ пул йиголмайди, – тушунтириди онаси.

– Унда дадам есин, – деди у. Энди у шоколад, сариёғдан бош тортибина қолмасдан, кийимини ҳам тоза, кирлатмасдан кийишга интилар, бу билан машина олинадиган кунни яқинлаштираётганига ишонарди.

Ана шундай, тежамкор кунларнинг бирида, аскар хизматидан бўшаган тогаси, йўл-йўлакай Тошкентга тушиб, уларнида бир неча кун меҳмон бўлди. Шуҳрат тогасининг аскарча кийимини силаб:

– Кийимингиз йилтиладими? – деб сўради.

– Йиртилмайди! – деди гуур билин тоға.

– Йилтилмаса менга белинг.

– Берсам нима қиласан?

– Кияман! – деди бола қатъийлик билан.

– Ўзингни кийиминг-чи?

– Ўзимники эскилмай тулади, сунда масинага пулни кў-ў-ўп йигамиз, – тушунтириди жиян.

Армияда аскар форма тоганинг жонига теккан эканми, уни жияннига ташлаб, поччасининг кўйлакшими, босоножкасини кийиб, қишлоққа жўнади.

Болакай аскарча кийимни этнита илиб, белигача кирза этикнинг ичига тушиб, бир неча кун ҳовлида у ёқдан-бу ёқса судралиб юрди. Кечаси, бола ухлаганида онаси аскар формани халтага тиқиб, чердакка чиқариб қўйди. Бола икки-уч кунгача ҳиқиллаб, солдатча формани топиб беришини онасидан талаб қилиб юриб, натижа чиқмагач, формадан умидини узди.

Ўша куни уйда Шуҳрат билан акасигина бўлиб, онаси қаёққадир кетганида, қишлоқдан холаси келиб қолди. Акаси хонтахтага дастурхон ёзиб, нон, чой келтириб қўйди, кейин холодильниқдан сариёғ олаётган эди Шуҳрат:

— Ёғни холодильникка қўй, холам ёғ емайди! — деди жон-жаҳди билан.

— Ие, ким айтди мени ёғ емайди, деб, ейман! — деди холаси жиддий оҳангда:

— Бизай ёғ емаймиз, сизам еманг, — деди Шуҳрат.

— Нимага ёғ емайсизлар?

— Масинага пул йигамиз, ёғни дадам ейди.

— Нимага энди даданг ейди, даданг ҳам емасин!

— Дадам ишлайди, емаса чалчаб қолади, — тушунтириди бола.

Оиланинг тежамкори кейинги гал меҳмонга келган аммаси туршакли тарелкани дастурхоннинг бир чеккасига қўйганини кўриб:

— Тулшакни нима қилмоқчисиз? — деди кутилмаганда.

— Нима қилардим, уйга олиб кетмоқчиман? — деди аммаси кулиб.

— Олиб кетмайсиз, тулшак ўзимизга келак.

— Керак бўлса бозордан бошқасини оласизлар.

— Босқа олмаймиз!

— Нимага олмайсизлар, пулинглар йўқми?

— Пулимиз бол, уни йигиб, масина оламиз!

Аммаси чўнтағидан, рўмолча олиб, кулагидан ёшланган кўзларини артиб, уни қайта ёнига солаёттанида ҳушёр назоратчи:

— Лумолингизга нима солдингиз, қулуқ чой солдингизми? — сўради бола хонтахта чеккасида турган чойқутига ишора қилиб.

...Боланинг машина ҳақидаги орзусига фаришталар “омин” деган эканми, ишқилиб, бир йил ўтмасдан, Шуҳратнинг дадаси машиналик бўлди.

МЕЗБОНЛИКДАН САБОҚ

Роқия жияни Нафиса билан унинг дугонасини остонада қарши олар экан, зинадати қизининг шипагини оёги билан нари сурит, ичкарига қараб қичқирди:

— Ҳой, Гулноз, сўқимчик, кап-катта бўлиб, оёқ кийимни қаёққа ечишни билмайсанми?! Қачон тартибга кирасан, сен қиз?! — Кейин остонада турган қизларга деди. — Вой, нега остонада турибсанлар, ичкарига киринглар.

Қизлар остонанинг кираверишига, бир чеккага оёқ кийимларни ечиб, Роқияга эргашиб меҳмонхонага киришди.

— Қани, ўтиринглар-чи, — деди Роқия ўзи кираверишдаги юмшоқ курсига чўқар экан, кейин яна тутоқди:

— Гулноз, креслога секинроқ ўтиранг үласанми?! Буниям пружинасини ишдан чиқарибсан-у, қиз бўлмай туз бўлгур! Сени дастингдан бу уйга мебель чидайдими-йўқми?! Қиз деганиям шунаقا қўпол бўладими?! Анқаймасдан, чой дамлаб ке!

Қизлар қунишиб, стулларга омонатгина ўтиришди.

Гулноз чойнак кўтариб кириб, дуққилатиб стол устига қўйди-да, пиёлаларга чой қуиб, қизларга узатаётганида Роқия яна бозиллади:

— Полировка стол устига қайноқ чойнакни қўйдингми?! Тарелка ола кирсанг қўлинг узилиб тушармиди?

Қизлар қўлларидағи пиёлаларни қаёққа қўйишларини билмасдан, қизариб, бир-бирларига қараб қўйишли.

— Нафис, майиздан олиб ўтиринглар.

Қизи биринчи бўлиб вазадан бир чимдим майиз олиши билан Роқия тутоқди:

— Майизни жойига қўй, тишингга қурт тушади! Ундан кўра, опаларингга ярим косадан мастава сузиге!

Қиз тап-туп юриб чиқиб кетаётган зди, онанинг афти яна буришди:

— Оёгингни тапиллатмай бос, қиз бола дегани қадам босгани сезилмаслиги керак! — деди, кейин жияни Нафисадан ҳол сұраган бұлды. — Нафи, қишлоқдагилар соғ-саломатми?

— Раҳмат, қишлоқдан кеча келдим, ҳаммалари сизга салом айтишди, — деди Нафиса қызарыб, кейин қымтенинб құпшиб қўйди. — Шу саломни етказгани бирровга кирудик, энди биз борайлик.

— Ҳа, намунча тез, борардинглар-да, дам олиб, овқатланиб бундай.

— Раҳмат, овқатланғандик... Зачётлар бошланган, шунта тайёрланишимиз керак.

Қизлар ўрниларидан туриб, ўзларини ташқарига уришди. Роқия ҳам уларни кузатишига турар экан, қизига буюрди:

— Гулноз, опаларингта хайр дегин-у, дастурхонни йигиштириб ол! — кейин қизларга тушунтириди. — Қиз бола деганга мезбонлик бошдан ўргатылмаса, борган жойида онасининг юзини ерга қаратадиган бўлади! Ҳм!

ТЕЛПАККА ТУШГАН КУЯ

Талабалик йилларимда деканимиз сувсар телпак киярди. ӽшанда мен ҳам сувсар телпаклик бўлишни орзу қилгандим. Мана энди, неча йил ишлаб, ёшим бир жойга борганда, ниҳоят, сувсар телпаклик ҳам бўлдим. Хотин телпакни қўлига олиб, мўйнасини кафти билан силар экан:

— Худди шу размер, шу ранглигидан менга ҳам олиб берасиз, — деди. — Ҳозир аёллар ҳам шунақа телпак кийишмоқда.

— Насиб қиласа сенга ҳам олиб бераман, — дедим-у, лекин сўзимнинг устидан чиқолмадим, хотин сувсар телпак киёлмади.

Маҳалламизда Олмагул исмли саксонга сабоқ, түқсонга товоқ берадиган шаддодгина бева аёл бор. Уша бир куни ҳазиллашибми, атайинми, “Вой, Наси, эшакка түқим, одамга либос, деганларида, хұжайинингиз илгарилариям “ничего” здилар-у, телпак кийганларида кейин жа-а-а крутой бұлиб кетибдиларми?! Тунов куни күриб, күнглем сус кетиб, шайтон құргур, иссиқ-совуқ қилиб, шу пүрим йигитни ўзиннә қаратыб олмайсанми. деди! – деб қақыллаб кулиди.

Шаддод беванинг гапини хотин менга айтаётіб, телпагимга ғалати қараб қўйди. Кейин ўша кундан бошлаб телпакни кийсам:

– Яна шу ўлгурни кийдингизми?! Эски норка телпакни кийсангиз, тешиб чиқадими?! – деб гашлик қиласидиган бўлди.

Хуллас, сувсар телпакни хотин кундошидан баттар ёмон кўриб қолди.

Қиши ўтиб, баҳор ҳам келди. Телпак ечилиб, бошга дўлпи қўнди. Қиши кийимларига нафталин, тамаки сепилиб, елим халталарга жойланди. Лекин бизнинг сувсар телпак даҳлиздаги илгакда осилганича қолаверди. Баҳор ўрталарида телпакка ишора қилиб, хотинга:

– Онаси, телпакни ўраб қўйиш эсингдан чиқибдими? – дедим.

– Ўлибманми, эсдан чиқариб! – деди зарда билан.

– Кунлар исиб қолди, куяга ем бўлмасин демоқчиман-да...

– Мўйнали нарсани обдан шамоллатиб, қўёш едириб, кейин ўраш керак, – деди хотин гапимни бўлиб, кейин киноя билан қўшиб қўйди. – Эркак дегани хотиннинг ишига бурун тиқмасдан, ўзиннинг ишини қиласа-да!

Баҳор ўтиб, ёз келди. Костюм, шляпа ечилиб, енги калта қўйлақда, бошланг юрадиган бўлдик. Телпакни ҳамон ўша даҳлиздаги илгакда кўриб, хотиннинг ишига аралашмаслик учун “чурқ” этмадим.

Саратон бошида телпак атрофида капалаклар учаёттанига кўзим тушиб, хотинга:

— Телпак даҳлизда яна қанча туради? — дея сўрадим.

— Ҳа-я!.. Кеча айвонга чиқариб, қуёшда тобламоқчи эдим, эсимдан чиқибди, — деб телпакни қўл учида ушлаганча айвонга олиб чиқиб кетди.

Куз арафасида телпагимни айвон устунидаги михга илингандча, рэнги униққан, чанг босган алпозда кўриб, “Хотин уни қуёшда тоблаётган экан-да”, дея кўнглимдан ўтказдим. Мезон кирганида телпакни ўша михда осилганича, буришиб қолганини кўриб:

— Онаси, телпак қуёшда тоблангандир? — деб эсига соглан бўлдим.

— Ие, айтмоқчи, олиб қўйиш ёдимдан кутарилибди.

Хотин уни айвондан олиб кириб, икшоп устига ташлади.

Декабрнинг биринчи куни қора совуқ билан бошланди. Телпакни ишкоп устидан қўлга оламан десам, жунлари қўлимга ёпишиб чиқди. Ҳайрон бўлиб уни хотинга узатдим:

— Телпакка нима бўлган, жунлари тўкиляпти?

Хотин телпакни қўлига олиб, у ёқ-бу ёгини айлантириб кўрди-да, афтини буриштириб:

— Пуфф, паразит, бунингиз куяга ем бўлибди-ю!
— деб қўл учида ушлаганча олиб бориб ахлат чепакка ташлади.

— Ие, нима қилдинг?! — дедим кўзларим косасидан чиққудек бўлиб. — Сувсар телпакни ахлатга ташладингми?

— Вой тавба-ей, унингизнинг сувсарлиги қолибдими? — деди хотин кўзлари яшнаб. — Вишт! Сувсар тамом! Худога шукр, энди уйда хотиржам ўтирадиган бўпман!



САНЪАТКОРЛАР ҲАҚИДА ХАНГОМАЛАР



ҲАЗИЛНИНГ ҚАТТИГИ

Оташнафас ҳофиз Комилжон Баротов ҳаётда ҳазилни ўта яхши кўрадиган, у кишининг ошналари ҳам ўзига ўхшаган ҳазил кўтарадиган, ўйлаб топган шумликлари бир-бирларидан ўтадиган инсонлар бўлишган. Ҳофизнинг пойтахтда кўзга кўринган тадбиркор Ҳомидхон деган ошнаси бўлиб, у киши ҳам дўстларига ўта қалтис ва фавқулодда шумлиҳлар қилас экан. Комилжон ака Ҳомидхоннинг улфатлар билан бўладиган бир неча гапларида қатнашгач, бир куни:

– Ҳомидхон, шунча ўтиришингларда сизларга туздош бўлдим, энди бир якшанба улфатлар билан бизнигига бориб ўтириб кетинглар, мен ҳам дастурхон ёзиб, атаганимни ўртага қўяй, – дебди.

– Хўп бўлади, ҳофиз, унда келгуси якшанбага қирқ кишилиқ дастурхон тузанг, – дейди Ҳомидхон.

– Хўп.

– Артис-партис ҳам айтиб қўйинг.

– Хўп.

Айтилган кунга Комилжон ака елиб-югуриб, қирқ кишилиқ дастурхон тузабди.

Тайинланган вақт ҳофизнинг дарвозаси қаршисида Икарус автобуси тўхтабди. Автобусдан Ҳомидхон ака етакчилигида қирқ нафар ўрис, татар, ўзбек, яна аллақайси миллатдаги, эгниларида эски-туски жомакор, ориқ-семиз, новча-пакана "улфатлар" тушиб келаётганмиш. Бу байналминал жамоани Ҳомидхон ака мардикор бозордан ёллаган экан.

Комилжон ака "миқ" этмасдан меҳмонларни кўли кўксида кутиб олиб, шоҳона дастурхон атрофига ўтказиб, қуюқ-суюқ таомларни биринкетин тортириби. Новча-пакана шишалар очилиб, "улфатлар"нинг оғизларига тентак сув теккач, ёйилишиб, керилишиб, "Бир эшитайлув!", "Давай задушевную!" деган талаблар эшитила бошлабди.

Таклиф қилингандар ҳофизлар бирин-кетин ўртага чиқиб, санъатларини намойиш эта бошлашибди. Ҳуллас, ҳовлида қарс-бадабант базм алламаҳлагача давом этибди. Нихоят, зиёфат якунланиб, дастурхонга фотиҳа ўқилгач, улфатлар яна Икарустга ўтириб, орқага қайтишибди.

Комиљон ака қўли кўксидаги, уларни кузатиб қолибди.

Орадән бир оз вақт ўтгач, Ҳомидхон ака Қора денгизга, курортга дам олгани кетадилар. Улар кетганларидан кейин, бир ҳафта ўтгач, Комиљон ака бир нечта мардикорни эргаштириб, ошналарининг уйига кириб келади-да, айвонда ўтирган уларнинг турмуш ўртогига:

– Ҳомидхон курортдан менга қўнғироқ қилиб, мана шу, сиз ўтирган айвонни буздириб, ўрнини текислатиб қўйсангиз, дедилар. Шунга усталарни олиб чиқувдим,

– дебдилар.

– Вой тавба, нега айвонни буздирап эканлар?!

– дейди ошнасининг хотини ҳайратга тушиб. – Бу айвонни ўzlари ўтган йили ҳавас қилиб, қурдирувдилар! Менга бу ҳақда ҳеч нима демовдилар...

– Сизга демаган бўлсалар, менга қўнғироқ қилиб, дедилар.

– Шундай чиройли айвонни нимага буздиришларига ҳеч ақлим етмаяпти-да!

– Нимагалигини мен ҳам билмасам, балки қўнгилларига ўтиришмай қолганми?

Ҳуллас, мардикорлар ишга киришиб, хаш-паш дегунча айвонни бузиб, ўрнини текислаб, гул экиб кетишибди.

Ҳомидхон ака курортдан қайтиб келсалар ҳовлида айвон йўқмиш, ўрида гултожихурозу райҳонлар туркираб ўсиб ётганмиш.

– Бу нимаси? – дебди Ҳомидхон тили зўрга айланиб. – Айвон қани?!

— Нималигини ўэиз билмайсизми? — дебди хотини йиглагудан бери бўлиб. — Комилжон ака айтганингиздай қили-и-иб, айвонни буздириб, ўрнига гул эктириб қўйдилар!

— Ҳм, ҳофизи тушмагур биру бир қилмоқчи бўптилар-да! Барибир менинг фойдамга биру икки бўлади! — дейди Ҳомидхон ва ярим кечаси ҳофизнинг дарвозасига бир камаз қайноқ бетон тўқтиради.

Эрталаб Комилжон акәнинг қўшнилари ғариллаб, шақиллатан шовқиндан чўчиб, ташқарига чиқиша, қўлларига отбой болға ушлаган бир гуруҳ ишчилар ҳофизнинг дарвозасида тօғдай ўюлиб ётган бетонни кўчираётганмиш. Ҳофиз бўлса, осонликча кўчмаётган бетоннинг қаттиқлигидан ажабланиб, ўзича "Ҳазил ҳам шунчалик қаттиқ бўладими?" — деб бош чайқармиш.

МАШХУРЛИКНИНГ ЗАРАРИ

— Санъатлар ичида энг муҳими — кино, деганлари жуда тўғри экан, — деди актёр ошнам. — Театрда қанча йил ишлаб эришмаган машҳурликка бир-иккита фильмда роль ўйнаб эришдим. "Тоштақалик Марадонна" комедиясида болалар футбол командасининг тренери ролини ўйнагандан кейин ҳаммага отнинг қашқасидай танилиб, кўча-кўйда мени кўрганлар ўтирилиб қарашадиган, "Ие, фалончими? Ўшанинг ўзими?" деб сўрашадиган бўлишиди. Катталар майли-ю, футболни яхши кўрадиган болаларнинг чинакам қаҳрамонига айландим. Ана шундан кейин "Бола, деганинг кўзида рентген бўлади, у ҳақиқий таланттагина тан беради!" деб талтайиб юрдим. Лекин бу талтайиш имузоққа бормади.

Бир куни театрдан чиқсан, бекатда бир гўзал турибдилар дент! Курсангиз, бирорта Мажнун мусаввир чизган сурат экан, дейсиз! Ҳа-ҳа, худди шундоқ дейсиз! Ҳалиги "сурат" ҳам мени кўриб, шаҳло кўзлари ёниб:

– Вой, сиз ўшами?! – деса бўладими. Худо берганга тукис беради, деб шунга айтсалар керак-да! Овозини эшишибоқ, қирқ йил кўзада қирқ бор қайнаб пишган майни ичгандай кўзларим тиниб кетди. Агар унинг овозини эшитсангиз, овоз эмас, сеҳрли мусиқа дердингиз.

– Адашмадингиз, хоним, худди уша сиз айтганингизман! – деворибман.

– Вэй, ўлманг-ей, ҳэйтда ҳам кинодагидай шўх экансиз! – Хонимнинг жонон пиёланинг жарангидай хандон кулгисидан юрак симобдай эриб турганида, у кутилмаган савол берди. – Мабодо оддий бир муҳлисангиз сизни бир пиёла чойга таклиф этса, боришига имкон топармидингиз?

– Агар сиздай гузал таклиф этса имкон топмаган номард! – деб кучайдим.

Хоним мени якшанба куни кундузги соат ун иккига уйига таклиф этиб, қўлимга манзили ёзилаган қофозни тутқазиб, юратимнинг бир булагини ўзи билан ола кетди.

Соатнигина эмас, дақиқаларни санаб якшанбанинг келишини кута бошладим. Тошбақадай имиллаб, минг йилдай туюлган якшанба ҳам етиб келди. Сабрим чидамасдан, ижодий учрашувни баҳона қилиб, уйдан вақтли чиқиб кетдим.

Хонимнинг кўчасига, келишиаган вақтдан бир соат оддин етиб бордим-у, нима қилишни билмасдан кучча бошида, гангиги туриб қолдим. Яхшиямки, кўча уртасида дараҳтзор хиёбон бор экан, ўша ердаги ўриндиқлардан бирига ўтириб, ваъдалашган вақт келишини кута бошладим. Лекин одамларнинг менга қизиқсиниб қараб ўтаётганларини сездим-да, ўриндиқдан туриб, хиёбон ичкарисига қараб юрдим. Жиндай юргач, бир гала болачувумлашиб, футбол ўйнаётган яланглиқдан чиқиб қолдим. Дарвозада турган болакайнинг кўзи менга тушди-ю, бир зум анграйиб қолди, сўнг ўзига келиб:

— Қаранглар, тренер келяпти, тренер! — деб жонжади билан бақира бошлади.

Майдонни чангитиб копток талашаётган болалар аввалига унинг гапини эшитмасдан, ўйинни давом эттириши.

— Ана, қараларинг, Марадоннанинг тренери! — деди бола мени қўли билан кўрсатиб.

“Марадонна” сўзидан кейин болалар ҳушёр тортиб, копток талашишдан тўхтаб, дарвозабон қўли билан кўрсатаётган мен томонга қараши. Кейин ўйинчиларнинг энг новчаси “Ие, бу ўша!” деб бақириб юборди. Бир зумда эгни-боши чангта беланган болалар атрофимни ўраб олиши.

— Сиз ўша Марадоннанинг тренерисиз-а? — деди биринчи бўлиб мени таниган дарвозабон бола кўзлари ёниб.

— Худди шундай!

— Бизгаям копток тепишини ўргатасизми?

— Мен тренермас, артистман, тренер ролини ўйнаганман, холос.

— Алдамант, тренерсиз! — дейишиди болалар чувуллашиб.

— Хўп майли, болалар, футбол ҳақида бошқа пайт бафуржга гаплашамиз, ҳозирча хайр, мени кутишяпти,
— дедим гапни якунлаб.

— Кимникига келяпсиз, курсатворамиз! — деб болалар менга эргапишиди Уларнинг кузатувида жиндай юргандан кейин, хоним айтган рақамли дарвоза кўринди. Келишилгандай эшик қия очиқ эди. Йўлакдан бора туриб, “лип” этиб ичкарига ўзимни урай десам, бир гала бола изимдан эргашиб келяпти. Уларни чалғитиш учун хонимнинг дарвозасидан утиб кетдим. Беш-олти ҳовлидан утгандан кейин, уйлар тугаб, йўл катта Анҳорга бориб тақалди. Ноилож орқага қайтдим. Йул кўрсатувчиларим:

— Кимнинг уйини ахтаряпсиз, исмларини айтинг, топиб берамиз! — дейишиди.

– Стоп! – дедим жаҳлим чиқиб. – Мияни ачитмасдан тарқалларинг, қайта боришни ўзим биламан!

Орқага қайтишда яна ўша, қия очиқ дарвоза қарписига келгач, энди юрипдан фойда йўқлигини билиб, ўзимни ичкарига урдим. Кирдим-у, эшикни чақонлик билан ёпдим. Кўчадан болаларнинг овозлари эшитиларди.

– Ие, қани улар?!

– Фокусчик эканлару, гойиб бўлдилар!

– Гойиб бўлмадилай, Мунийа опанинг дайвозасига кийиб кетдилай!

Қадам товушини эшитиб, ичкаридан чиқсан хоним, ҳолатимни кўриб:

– Вой, мунча қизариб кетибсиз, ё бирор қувладими?

– деб кулди.

– Қувлади! Ёмон қувлади! – дедим бўғилиб. – Маҳаллангизнинг зумрашаларидан аранг қочиб қутулдим!

– Уларга нима ёмонлик қилибсизки, келиб-келиб сизни қувлашса? – хоним хандон отиб кулганча, мени ичкарига бошлади.

Дид билан ясатилган меҳмонхона ўртасидаги катта столда ноз-неъмат тўла дастурхон кўзни қамаптиради. Дастурхон тўридаги оромкурсига ўтиришим билан, уй бекаси бир қўли қўксида, жилмайиб, пахта гулли пиёлада чой узатар экан, ўша дилни сеҳрловчи овозда: “Хуш келдингиз!” – деди.

Бир пиёла чой ва бир пиёла майдан кейин кўнгил тинчбиб, суҳбатимиз энди қизий бошлаганида кўчадан болаларнинг:

– Тренер, чиқа қоле-е-енг! – деб қичқирипларидан нафасим ичимга тушиб кетди.

– Тренер, тренер!

– Мунира опў-ў-ў, айтинг тренер чиқсе-е-ен!

Хоним довдираб, ўрнидан туриб айвонга чиқди, яна ичкарига қайтиб кирди. Унинг ранги бўздай оқариб кетган эди.

— Уйидан ҳайдаяпти деманг-у, маҳаллачилик... чиқмасантиз бўлмас... — деди у ердан кўзларни узолмасдан.

"Сендан мени айирдилар"ни хиргойи қилиб, хонимнинг уйини тарк этишдан ўзга чорам қолмади. Хуллас, кўнтил кўчасига қилинган ўша кунги сайил машҳурлигим туфайли кўнгилсиз якунланди.

ҚОЙИЛМАН, НОДИРОВИ

(Кекса актёрнинг ҳикоялари)

— Ушбу комедия ўтган асрнинг 70-йиларида, театримизда бўлган, — деди кекса актёр, кейин уйчанлик билан қўшиб қўйди. — Лекин у саҳнада эмас, саҳна ортида қўйилган. Ўшанда Нодиров деган чаласавод, лекин қўл-оёғи чаққон, ҳамиша қўли кўксидан тушмайдиган, тилла тишларини ярқиратиб, илжайиб юрадиган, серсалом йигит театрга маъмур бўлиб ишга келди. Ўзингиз биласиз, ўша, шуролар замонида кирсовундан тортиб, палосгача, квартирадан тортиб, енгил машинагача ишхоналарга юқоридан тақсимланиб бериларди. Хуллас, ўша Нодиров ишта келганига энди уч ой бўлганида бизга битта "Жигули" автомашинаси ажратилди-ю, театримиз хода тиқилган арининг уясига айланди-қолди. Хизмат қилиб қўйган кекса санъаткорларнинг дагдагалари-ю, машина орзуисида юрган ёш актёрларнинг илтижоли монологларидан чарчаган директор декорация цехига яшириниб жон сақладиган ҳолатта тушиб қолганди. Ниҳоят, маҳаллий қўмита йигилишида машина атоқли санъаткор, халқ артисти Ўткир Самадга берилсин, деган қарор тортишувларга чек қўйди. Ўткир Самадга эътиroz билдириб бўлмасди-да!

Можаролар тинганидан жони кириб қолган директор хонасида кўкчойни симириб, ўзи яхши кўрган "Сўлим"ни димогида хиргойилаб ўтирганида,

эшик “тийқ” этиб, жиндай очилиб, унинг тирқишидан тилла тишларини ярқиратиб, илжайиб турган Нодировнинг башараси кўринди.

— Нодиров, киринг, кираверинг! — деди директор мамнунлик билан.

Нодиров аста эшикни очиб, осто надан кирган жойида тухтатди.

— Марҳамат, ўтиринг, — деди директор стол қарплисидан стулни қули билан кўрсатиб.

— Раҳмат, хўжайин, мен шундай, тик турғаним маъқул, — деди Нодиров қўлини кўксига қўйиб.

— Бугунги томошабин масаласи нима булди?

— Иккита мактаб ва битта техникумни гаплашиб қўйдим. Бугун ҳам аншлаг қиласиз, — деб яна тилла тишларини ярқиратиб илжайди у.

— Яхши! — деди директор кайфияти янада кўтарилиб.

— Очиги, қадам олишингиз ёмон эмас! Шундай давом эттирасиз деган умиддаман.

— Сиздан бир илтимосим бор эди, — деди Нодиров жиҳдийлик билан.

— Қанақа илтимос? — деди директор хушёр тортиб.

— Театримизга “Жигули” берилибди, деб эшийтдим.

— Ҳа, берилди, лекин уни кимга бериш ҳал қилинган, — деди директор Нодировнинг у ҳақда гап очаётганидан гапи келиб.

— Шу машина менга берилса, хизматингизга доим қоим туардим! — деди қўлини кўксига қўйиб.

— Э бунинг ҳечам иложи йўқ, Нодиров! — бош чайқади директор. — Биринчидан ишта келганингизга ҳали ярим йил ҳам бўлмади, иккинчидан, машина умумжамоанинг қарорига кўра, халқ артисти Ўткир Самадга берилди. Ўткир Самаднинг кимлигини биласиз, ўҳу, таниқли артист!

— Тўғри, у таниқли артист, лекин сиз директорсиз! Қайси идорада ишламайин, директорнинг гапи гап бўлганини биламан!

- Лекин бу шунчаки оддий идорамас, театр!
- Сизам оддий директормас, театр директорисиз!
- деди Нодиров. - Оддий бўлмаганингиз учун ҳам бу ерга раҳбарсиз. Сиз, машинани фалончига берамиз, десангиз бирор "гинг" демайди. Ўткир Самадлар нима берсангиз ҳам миннатдор бўлмаган, бўлмайди ҳам. Лекин бизга ўхшаганлар яхшиликни унутмаймиз, хўжайин.
- Қарор қабул қилинган-да...
- Ўткир Самадингиз қарордан кейин ҳузурингизга кириб "Раҳмат" дедими?
- Йўқ... кирмади.
- Кирмайди ҳам! Агар машина бизга берилганида хизматингизда тик турардик!
- Турасизми? - деди директор Нодировнинг кўзларига кулимсираганча тикилиб.
- Турмаган — номард! - Нодиров кўксига муштлади.
- Ҳай, бир папитка қилиб кўрамиз унда! - қизаринқираб деди директор.
- Сиз агар шунга жазм қилсангиз бўлмаганни бўлдирасиз, хўжайин!

Ўша куни қайтадан театр жамоасининг йигилиши чақирилиб, унда директор гапни шундай бошлади:

- Ўртоқлар, ўзларингизга маълум, театримизга битта енгил машина ажратилган. Хуш, уни кимга бериш керак, деб ўйлайсизлар?!

Тупланганлар "Ўткир Самадга берилади дейилди-ку!" - деб гувлади.

- Тўгри, - деди директор, - қонун бўйича машина Ўткир Самадники. Лекин мен Ўткир акадан кечирим сўраган ҳолда машинани маъмур Нодировга беришни таклиф қиласман!

Залда гала-говур кўтарилиди. Олдинги қаторда ўтирган Ўткир Самад директорга ҳайрат билан тикилиб қолди.

– Ўткир акага унақа оддий “Жигули”мас, ГАЗ-24” ажратишларини сұраб, шақар ижроқұмiga хат тайёрлагамиз. Хуш, нега энди машинани айнан маъмурга бериш керак, деялман?! Чунки маъмур корхоналарга чипта тарқатиши керакми, керак. Афишаларни ёпиштириши учун автобазадан машина чақириб, унга пул тұланадами? Тұланади! Агар машина унга берилса, чипталарни үзи тарқатади, афишаларни ҳам үзи ёпиштиради Нодировға машинани бериш билан театримизнинг оғирини енгил қылган, қанча маблагни тежаган бўлардик. Машина Нодировға берилсин, деганлар құл кутарсин.

Директорнинг бундай гапидан кейин залда ўтирганларнинг аксарияти таклифни қўллаб, қўл кўтарди.

Нодиров мажлис тугаши биланоқ унинг қарорини ижроқұмга олиб кетди, у ердан чиқиб, базага бориб машина учун пул тұлаб, квитанцияни киссасига солиб қайтди. Орадан икки күн утгач, директор Нодировни хонасига чақириб:

– Машина билан құтлаймиз энди! – деди унга маънодор тикилиб.

– Раҳмат, хўжайин, борингизга шукр! – деди Нодиров одатдагидай қўлини кўксига қўйиб. – Қылган яхшилигингиз биздан қайтмаса, Худодан қайтсин! – деб ўрнидан турди.

– Шуми? – деди директор ажабланиб, – энди буёги нима булади?

– Эртага бzzага бориб машинани олиб келаман. Светига жиндай бериш керак экан, унинг ҳам иложини қиламиз-да...

– Униси тушунарли, лекин буёги нима булади? – қизариб-бўзариб саволини такрорлади директор.

– Буёги, деганингиз қаёги? – деди Нодиров үзини тушунмаганликка солиб.

– Ие, галати бўлди-ю, Нодиров?! Наҳотки ўтган кунги гап ёдингиздан чиқсан бўлса?!

- Қайси гап?
 - Агар машина менга берилса, хизматингизда қоим тураман, деганингиз-чи?! Негадир қоим турганингизни кўрмаяпман...
 - Йўғ-е, мана, қаршингизда тик турибман! – деди Нодиров ўзини довдирилкка солиб.
 - Қани турганингиз?! – қип-қизарди директор.
 - Мана, турибман, яна қандай тур, дейсиз?!
 - Ахир сиз бошқача туришни айтдингиз-у!
 - Қанақа, бошқача туришни айтибман?!
 - Лўттибозликни бас қил! – деди директор столга мушт уриб. – Мени лақиллатмоқчимисан?! Олиб бупсан машинани, априс!
- Хуллас, ўша куни директор яна фавқулодда мажлис чақириб, жамоанинг янги қарорига биноан машинани қайтадан халқ артисти Ўткир Самадга берадиган бўлди. Мажлис сўнгида Нодиров урнидан туриб:
- Кечирасизлар, ўртоқлар, утган кунги мажлис қарорини ижроқўмга топширганман, унда местком раиси ҳамда директоримизнинг ҳам имзолари бор. Кечанинг ўзида машина учун кассага пул тўлаганман, квитанция киссамда. Бугунги қарорингларни истаган жойингларга оборинглар! – деб урнидан туриб, зални тарк этди. Залга чўккан оғир жимликни Ўткир Самаднинг жарангдор овози бузди:
 - Қойилман, Нодиров, мана буни маҳорат деса бўлади! – деб қарсак чалиб юборди.

ЮТГАНМИЗ!

- Машина воқеасидан кейин, – деб ҳангомасини давом эттириди кекса актёр, – театр директори енг шимариб маъмур Нодировнинг изига тушиб, уни театрдан шармандаларча ҳайдаш учун ҳар бир қадамини назорат қиласиган бўлди. Ахтарса, топилади, деганларидаи, ниҳоят Нодировни нафақат ишдан бушатиш, балки устидан жиноий иш қўзғаш мумкин

бўлган ҳужжат топилди. У битта корхонада беш юз сўмлик концерт утказиб, театр бухгалтериясига юз сўмлик квитанция топширган экан.

Директор бундай далил билан энди Нодиров сувдан куруқ чиқолмайди, деган ишонч билан уни хонасига чақириб, қаллобликда айлади.

— Аввало қаллоблигим исботланиши керак, — деди Нодиров пинагини ҳам бузмасдан.

— Исбот керакми? Марҳамат! — директор тортмадаң квитанцияни чиқариб, Нодировнинг тумшуғи олдида силкиди.

— Ҳа, буми? Қани, кўрай-чи! — Нодиров ўтирган жойидан квитанцияга диққат билан тикилди.

— Кўринг! — деди директор тантана билан унинг олдига квитанцияни ташлар экан.

— Шуми? — Нодиров уни қулига олди.

— Ҳа, шу!

— Мана шу кичкина, бир парча қогоズми?

— Шу бир парча қогоз сизни парчалаб ташлашга қурби етади! — деди гурур билан.

— Мана шу-я?! — деб Нодиров қогозни оғзига солиб, чайнаб-чайнаб ютиб юборди.

— Э, ҳай, бу нима қилганингиз, нега квитанцияни ютдингиз?! — деди довдираб қолган директор.

— Бундай далилларнинг кўпини ютганимиз, бундан кейин ҳам ютамиз!

Шундай деб Нодиров ўрнидан туриб, хонадаң чиқиб кетди. Директор булса, унинг ортидан анграйтанча қараб қолди.



БИР КУНИ ҲУСАН ШАРИПОВ...



АРТИСТ

Бир пайтлар маҳалламиизда бир қулогига доим рايҳон қистириб юрадиган, шоп мўйлов, қизил этикли, икки юзи этигига мос, хўроздсимон киши буларди. У кипини маҳалладошлари "ҳожатбарор" деб аташарди. Чунки у иморат қураётганларга арzon қурилиш материаллари, машина оламан, деганларга ёғи артилмаган "Волга"дан "Жигули"тча, ўқишига кирмоқчи бўлганларга юридиқдан медгача киритиб қўйишни ваъда қилиб, лаққа тушган содда боёқишиларнинг ҳам ишончи, ҳам пулини шилиб, орқасидан сарсону саргардон қиладиган, ҳаромдан ҳазар қилмайдиган учар кимса эди.

Айтишларича, ҳатто у бир пайтлар, бошига қозондай салла қўндириб, саватдек соқол ўстириб, чеккадаги қишлоқларга бориб ўзини Уламои Калон, деб танишириб, ихлос қилганлардан йиққан назирниёзига шаҳарда қимор ҳам ўйнаган экан.

Ўша иокас бир куни маҳалла чойхонасида мен билан тўқнаш келиб, ўзидан ўзи:

— Ҳа, артис, жа-а-а машҳур бўлдим деб, димоглари шипшиб, одамни назар-писанд қилмасдан, ҳатто кўришилниям истамай қоптиларми?! — дея тўнгиллаб қолди.

Шу тобда "Сен билан кўришгандан ит билан хуришганим яхши!" демоқчиям бўлдиму, яна андишага бориб, "Ҳа энди, пайқамабмиз, биздан ўтса узр!" — деб кулиб, тапни калта қилмоқчи бўлсам, у яна авжита чиқиб:

— Бўлсанг артис бўпсан-да! Артислик ҳам иш бўйтими, любой қизиққан одам артислик қилиши мумкин! — деб сасиб қолди.

— "Лубой қизиққан одам артислик қилиши мумкин" деган тапингизни исботлайсизми?! — дедим жаҳлим чиқиб.

— Э, Ҳусанбой, оборинг мани ўша минатурангизга, любой ролни қотириб қўймасам, отимни бошқа қўяман! — деб баттар кучайди.

— Унда маҳоратингизни ҳозир, шу ерда синаб курдамиш! — дедим.

— Синаб кўринг! — деб керилди у.

— Унда мен бориб, қозон бошидан хабар олиб келаман, сиз образга кириб туринг, — деб қозон бошида гурунглашиб, ош тайёраётган маҳалламиздаги улфат йигитларнинг ёнига қовогимни ўюб бордим. Йигитлар ҳолатимни куриб, ажабланиб:

— Ҳусан ака, сизни ким хафа қилди, ҳалигина бир гапириб, ўн кулиб ўтирудингиз-у? — дейишиди.

— Кўрмайсанларми, анови нусхаси совуқни! — дедим қизил этикли ўтирган сўрига ишора қилиб.

— Каш-катта одам, томи кетганми билмадим, ўзидан-ӯзи тепамга келиб, қаёқдаги куракда турмайдиган гапларни айтиб, асабни этовляяпти ярамас! У яна ёнимга келиб, бирор ҳунар кўрсатадиган бўлса, қараб турмассизлар?

— Э, анови, қизил этикли қаллобми? — дейишиди йигитлар, — сизга қарши битта движение қисин, синдириб ташаймиз!

— Синдириш ҳам гапми, чочиб ташаймиз!

— Унда қўрқмасам ҳам бўлар экан, аммо, илтимос, ҳушёр туринглар! — дедим-у, "ҳожатбарор" ўтирган сўри ёнига қайтиб келдим.

— Хўш, артислитимни синаб кўрасизми? — деди у ғердайиб.

— Синаймиз, — дедим қозон бошидаги йигитларга қараб қўйиб. — Мен қозонхона томонга ўтаман, сиз қўлда пичоқ билан орқамдан қувиб борасиз-да, "Ҳа-а-а, аплаҳ, қўлга тушдингми?!" — деб менга ташланасиз. Менга чиндан ташлананаётганингизга қозонхонадаги йигитлар ишонишлари керак.

— Бўлти! — деди қизил этик ўрнидан қўзгалар экан.

Мен аста қозонхона томонга ўтдим. Артис бўлмиш қўлида пичоқ билан сўридан тушиб, қозонхона ортига ўтди, у ердан бошини чиқазиб аввал ичкарига муралади, яна ўзини девор ортига олди, кейин у ердан отилиб чиқиб пичоқни боши узра кўтарганча:

– Ҳа-а-а, аблаҳ, қўлга тупцингми?! Мана энди кунингни кўрасан! – деб менга ташланган эди, қозон тепасида турган йигитлардан бири уни чалиб юборди. Бечора “артис”, қўлида пичоги билан, “гуп” этиб юзтубан йиқилди. Ҳалиги чалиб юборган йигит, оёғини унинг кураги устига қўйиб:

– Ҳозир бир босиб, бақадай эзворайми? – деди таҳдид билан.

Қизил этик ётган жойида қўрқанидан типирчи-лаб:

– Ҳусанбой, йигитларни олдиндан ўқитиб қўйибсизда! – деб бақириб юборди.

– Ҳуш, қалай, артислик осон эканми? – дедим уни ўрнидан туришига кўмаклашар эканман.

– Э, йў-ў-ўқ, артислик қиласман деб, тепкида ўлиб кетишингта бир баҳя қолди, Ҳусанбой! – деди у инқиллаб, эгни-бошидаги чангни қоқар экан.

ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ИРРИГАТОР

Бир куни эрталаб театр директори мен билан Марям Ихтиёровани хонасига чақириб:

– Иккалангизга республикада хизмат кўрсатган артист унвони берилибди, табриклийман, бундан кейин ижодинглар янада гуллаб-яшнасин, согу саломат бўлинглар! – деб, кетидан тайинлади: – Эртага соат ўнда Олий Кенгашнинг мажлислар залига борасизлар, унвонлар ўша ерда тантанали тарзда топширилади.

Тайинланган вақтда Олий Кенгашнинг мажлислар залига кириб бордик. Мажлислар залига мукофот ва унвон олувчилар тўпланишган.

Биринчи бўлиб Икром Акбаровга "Ўзбекистон халқ артисти", Марям Ихтиёровага хизмат кўрсатган артист унвонлари тақдим этилди. Фамилиям "Ш"дан бошлангани боис, ҳаммадан кейин чақирилишимни биламан. Ниҳоят унвон топширувчи:

– Шарипов! – деди.

Чапаклар остида чиқиб бордим. Нишонни костюмим ёқасига тақиб қўйди. Ҳаяжонланиб жойимга келиб ўтиргач, аввал ўзимдаги, кейин Маъямнинг кўксидаги нишонга қарадим. Негадир унинг нишони меникидан бошқачароқ эди.

– Марямхон, нишонингизнинг орқасига нима деб ёзилган экан, қаранг-чи, – дедим. Марям нишонининг орқа томонини ўтиреди. Унда "Республикада хизмат кўрсаттан артист" деган ёзувни ўқидик. Марямхон менинг нишонимдаги "Республикада хизмат кўрсатган ирригатор" деган ёзувни ўқиб, "Вой ўлай!" деворди. Менам "О-о-о!" дедим. Кейин унвон олган аёллардан бири минбарга чиқиб, қўлидаги қогозга қараб, "Мукофот учун шахсан фалончи-пистончиевга раҳмат! Бу мукофот бизни янада гайрат-шижоат билан меҳнат қилишга илҳомлантиради! Ва ҳоказо, ҳоказо, деди. Ҳаммамиз чапак чалдик. Кейин унвон топширган раҳбар "Яна ким гаширмоқчи?" – деб сўради. Қўл кўтариб "Мен гапирсам майлим?" дедим.

– Марҳамат, чиқиб гапиринг! – деди у минбарни қўли билан кўрсатиб.

– Муҳтарам раис, мухбирлар чўлқуварлар ҳақида мақолалар ёзишганида, одатда: "Қуш учса қаноти, одам юрса оёғи куядиган азим сахроларда, қум барханлари, илону калтакесаклар билан олишиб, чўлларни бўстонга айлантиришади!" деб ёзишади. Мен ҳеч қачон чўлларни ўзлаштирганман, қум барханлари билан олишимаганман, бутун умр саҳнада роллар ўйнаганман, киноларда суратга тушганман, бутуй мени нима қилиб қўйдинглар? – десам, ҳамма

ұтирганлар кулиб юборди. Шу пайт залда ұтирган аёллардан бири: "Вой, ман ұлай!" деди. Ұша чүлқұвар аёлнинг күксига "Хизмат курсаттан артист" нишони тақылган экан. У нишонни олиб чиқиб, нишон тақуучининг құлига берди. У мени ёнига чақириб, костюмим ёқасидаги "Хизмат курсаттан ирригатор" нишонини ечаётуди, "Бунисиям қолаверсин, ҳам "Хизмат күрсаттан артист", ҳам "Хизмат күрсаттан ирригатор" бўлиб, ىўшалоқ унвон билан юрай десам, залда тур кулги күтарилиди.

МАФТУНИНГМАН, ЛА СКАЛА!..

1978 йил Италия бўйлаб ўн беш кунлик саёҳатда бўлдим. Альп тогларининг жануби-ғарбидағи Апеннин ярим оролининг жаннатмонанд манзаралари, денгиз соҳиллари, қадимий гўзал шаҳарларини томоша қилдим, Римдаги жаҳоннинг турли бурчакларидан келган сайёҳлар тавоғ қилиб, танга ташлайдиган қадимий фавворага танга ташладим, Арно дарёси соҳилидаги Пиза шаҳрида "Қулаётган минора" тагига бориб, унга бошимни тираганимда, қандайдир куч мени минорадан нарига итариб, мункитиб юборди. 118 та орол устида қад кўтарган мұъжизакор, сеҳри Венеция шаҳри кўчалари бўйлаб гандолада сузар эканман, бу афсона ва эртаклар ұлкасининг сеҳри, денгиз тўлқинлари устида муаллақ қотган биноларнинг муҳташамлиги, қадим қасрларнинг салобатидан завқимки ичга сидиролмай "Тсҳир ла Зухра" мусиқий драмасидан "Эй, қуёш!" ариясини куйладай бошладим:

Э қуёш, кўрсат юзинг, тундан багир қонланмасин,
Тун қораси ёр зулғицек паришонланмасин.
Юз очиб, оламни равшан қил ёруг нуринг билан,
Йирт бу зулмат пардасини, пора қил, жонланмасин...

Шунда атроф соҳиллару кўприклар устига тўпланган оломон "Браво!" "Брависсимо!" деган хитоблар ва қарсаклар билан мени олқишилади.

Венециядан кейин Миландаги Ла Скала опера театрини қўриш баҳтига мұяссар бўлдим. Ла Скалага кирганингизда санъетнинг муқаддаслигини ҳис қиласиз. Театрга киришдан олдин пойафзаллар устидан юмшоқ пайпоқ кийтишишади, боиси — бу ерда оёқ дупури эшишимаслиги, бу маскандаги сокинликни ҳеч қандай бегона шовқин бузмаслиги керак. Опера санъетининг энг юксак мезони бўлган бу театр биносини томоша қилиб, кейин саҳнага чиқдик. Саҳнадан томоша залига қарасангиз, тилларанг ўриндиқлар товланиб кўзни ҳамаштиришидан лол қоласиз.

Шунда мен бу саҳнада қўшиқ айтмасам ўзимни бир умрга кечиролмаслигимни англадим: “Мафтунингман, Ла Скала! О, Ла Скала, ты любовь моя!” — деб овозимнинг борича куйлаб юбордим.

Саҳна ортидан иккита барваста йигит чиқиб келиб, қўлимни орқага қилиб, олдиларига солиб, ичкарига, театр маъмури хонасига олиб кириб, таржимон орқали: “Қаерданисиз? Нимага бундай қилдингиз?” деб сўрашди. “Тошкентданман” десам қаерлигини тушунмасдан, елка қисиши. “Самарқанд, Бухоро!” дегандим, уларнинг юзларига табассум қалқиб: “О, Бухара, Самарқанд!” дейиши. Кейин “Нима иш қиласиз?” деб сўрашди. Мен мусиқий театр артистиман, бир умр Ла Скалани қўришни орзу қилганман, дедим. Шунда чеҳралари янада ёришиб: “О, артист!” деб, бош силкиб, театр меҳмонлари қайд этиладиган дафтарга “Ҳусан Шарипов, артист!” — деб ёзиб, қўлимни сиқиб, хайрлашиши. Ташқарига чиқсам, гуруҳдаги сайёҳ шерикларим саросимада туришибди. “Нима дейиши, жарима олишмадими?” — деб сўрашяти. “Нима дейишарди, артистлигимни билиб, тушунишди. Билсангиз, бу саҳнада руслардан Фёдор Шаляпин, узбеклардан Ҳусан Шариповгина қўшиқ айтиш шарафига мұяссар бўлган!” — дедим гурур билан.

ЙҮҚОЛГАН ЖОМАДОН

Водий бүйлаб давом эттан бир ойлик гастролимиз Наманган вилоятида якунланди. Тошкентта қайтадиган куни Наманган аэропортига келсак, самолёт учиши бир соатга кечиктирилиди. Театр анжомлари-ю, жомадонларни аэропорт биноси ичкарисида бир бурчакка түплаб, унга Файзулла Олимхұжаев деган найчимизни қоровул қилиб, жамоамиз билан овқатланғани кетдик. Овқатланиб қайтишимиз билан самолётта чиқиш зълон қилинди. Апил-тапил нарсаларни олиб, самолётта чиқдик. Тошкентта етиб келиб, олдиндан келишгандай, уй-уйга тарқалмасдан театрға бордик: шу куни Лутфихон ая қызыларини узатаёттан эди. Нарсаларимизни театрда маъмуримизга қолдириб, түйга жұнадик. Түй айни авжига чиққан палла нарсаларни жойлаштириш учун театрда қолган маъмуримиз ранг-қути учтаган ҳолатда кириб, водийдаги гастролдан түшгап пуллар солинган жомадон йүқолиби, деди. Хүш, нега айнан пул солинган жомадон йүқолади? Аэропортда буюмларға қоровуллук қылган Файзулла акага қарадим. У киши каравотда завқ билан най chalaptilar. Аста ёнларига бориб, "Файзулла aka, Наманган аэропортида нарсаларға қоровуллук қылғандынгиз-а?" – дедим. "Ха", деди у киши. "Жамоанинг бир ой ишлаб топган пуллари солинган жомадон йүқолиби", – дейишим билан илҳом билан най chalaeutgan одам бир зумда буқчайди-қолди.

Маъмур зудлик билан Наманганга учадиган бұлды. Жомадон топиладими-йүқми, деб қулогимиз динг! Топилмаса нима бұлади? Түй татимай қўйди. Маъмур Наманганта учиб бориб, у ёқдан қўнгироқ қилиб: "Топилди, пуллар жойида!" – деди. Шошилинчда айнан ўша жомадон сурилиб, эшик ортида қолаверган экан. Маъмур бориб қараса, у сурилган жойида, эшик ортида турғанмиш. Хабарни эшишибоқ, каравотда икки

букилиб ўтирган Файзулла акага: "Хавотирланманг, жомадон топилди, пуллар жойида!" – дедим. Буни эшиши билан у кишига жон кириб, найни бошқача илҳом билан чалиб, ҳаммани завқлантириб юборди.

ЙЎҚОЛГАН ИККИ ЮЗТАЛИК

(Ҳусав Шариповнинг устозлари Сойиб Хўжаев
ҳақидаги ҳангомаларидан)

Андижонда гастролдамиз. Вилоят театрида "Тошболта ошиқ" аншлаг бўлиб қўйилмоқда. Сойиб ака Тошболта ошиқни ўйнамайди. Тошболта бўлиб яшайди.

У киши футболга ишқибозлар. "Пахтакор" ютган куни кайфиятлари кўтарилиб, бошқача бўлиб ўйнардилар.

Қуралай кўз, қуралай,
Туйнугингдан мўралай.
Сен ялло айтганингда
Оҳантига йўргалай!

– Пари, бугун зўр бўлди, "Пахтакор" ютди, – девордилар.

Отқазган куни:

– Пари, бу ёги бўмади! – дердилар.
– Нимаси бўмади?
– "Пахтакор", баттар бўгурлар, ютқазиб қўйди!

Бир куни спектакль бошланишига бир соат қолғанида, Сойиб ака театр ҳоълисида сувга туштан мушукдай ҳурпайиб ўтирибдилар.

– Нима булди? – десак, йигламсираб:
– Мани Худо урди, киссамдан кеча олган икки юз сўм маошимни одириб қўйдим! – дейди.

Уста баъзан "Уним йўқолди, буним йўқолди!" деб эркалик қиласидан одатлари бор эди. Навбатдаги эркаликлармикан десам, ростга ўхшайди. Хавотирланиб директоримизга:

— Уста чиндан пул олдирган бұлсалар бугунги Тошболтағишиболта булади, — дедим.

Спектакл бошланды. Директор билан кулисда құрқиб үтирибмиз. Сойиб ака Рисолат пари билан гаплашыптилар:

— Пари, мани бутун Худо урди!

— Нима бұлды?

— Икки юз сүмимини олдириб қўйдим!

Тошболтанинг қудаси мулла Соли билан дуэти бошланды.

— Ман кичкина, сиз катта,

Таралло-ялло-ялло!

— Тўй қиласиз, албатта,

Таралло ялло-ялло!

— Қўй сўясимиз, албатта!

Таралло, ялло-ялло!

— Иссиқ нонлар саватда,

Таралло, ялло-ялло!

— Пулни чўзинг, Тошболта,

Таралло, ялло, ялло!

— Қанақа пул?!

— Қалин пули!

— Қанақа қалин, ўзим 200 талигимни олдириб үтирибман-у, сиз қалин пули, дейсиз!

— Нима олдирибсиз?

— 200 таликни ўмариди кетипибди. Энг кичкина чўнтағимнинг тагидан ўмариди кетишибди, баттар бўтурлар!

Зал кулги, қарсақлардан жараалглаб кетди.

Хуллас, спектакл тугагунча ўмарилган 200 талик Сойиб аканинг оғзидан тушмади.

Спектакль тугагач, Сойиб ака таъзимга чиқдилар. Гулдурос қарсақлар янграяпти. Уста уч марта таъзим қилиб, қарсақ тинмаганидан кейин микрофонга келиб:

— Намунча чапак чаласизлар?! Чапакни мани устимдан кулиб чаляпсизларми?! 200 сўмни олдириб,

меңнат қиляпти, бошқа ҳеч нима, ҳеч ким билан иши йүк. Шу актёрга тан бердим. Үша актёр бутунги йигилишимизда иштирок этаптими?!

Актёлар Сойиб ақага қараб: "Сизни гапиряпти!" дейишибди. Сойиб ақа русча билмаганидан: "Оббо, буям мени гапиряптими?!" деб, құрқиб үриндиқда бошини этиб, букчайиб үтирганмиш.

- Сизни мақтаяпти! – дейишибди ҳамкасблари.
- А?! – деган Сойиб ақага жоң кириб. Гаис бұлса:
- Хаджаев, иди сюда, я хочу поцеловать тебя! – дейди.

Сойиб ақа үрнидан "дик" этиб туриб, минбарга чиқиб:

- Ладна, ўп! – деса, раис уни қучоқладаб үпади. Сойиб ақа бұлса залға қараб:
- Х-ү-ү, директор, ҳ-ү-ү, режиссёр, бұлдими, энди мени унвондан маҳрум қылмайсизларми?! – дейди.

Устанинг галига ҳамма кулиб, қарсак чалиб юбортан.

ХОЖИКАРИМ ОЙГА ЧИҚДИ

Юрий Гагарин фазога учган 1961 йилда театrimизда "Хожикарим ойга чиқди" номлы спектакль қўйғанмиз. Ҳожикарим ролида — Сойиб Ҳўжаев. У киши бозорчи, фақат пулни пулга қўшиш-у, даромадни ўйлайдиган хасис одам. У ойда тилла, жавоҳир кўп, деб учишни орзу қилиб үтириб ухлаб, тушида ойга чиқиб, ҳамма ёқда тилла, марваридларни кўриб кўзлари қамашади. Нозанин қизлар атрофида рақс тушишади. Ҳожикарим нозанинларнинг бирини Инжу, бирини Минжу, дейди. У ойда америкаликларга тўқнаш келиб: "Бу ерда нима қилиб юрибсизлар?" — деб сўрайди. Америкаликлар: "Биз бу ерга ҳарбий база қурмоқчимиз", — дейишади. Ҳожикарим бұлса: "Мен бу ерга бозор қураман!" — дейди.

Спектаклни тайёrlаш жарёни ўта қийин кечди. Сойиб ака дастлаб ролга киришолмади, унга сари режиссёрнинг фигони чиқади. Йўқ, кейин уста ролга киришиб кетдилар. Сойиб аканинг маҳорати билан асар томошабинларга манзур бўлди. Аммо у беш мартағина қўйилди.

Бешинчи спектаклдаги Ҳожикаримнинг тушидаги ойга кўтарилишсаҳнасида, Сойиб ака анча баландлаган пайтдә, белга боғләнган тасма узилиб кетиб, уста гумбурлаб саҳнага қулақ тушдилар. Ҳаммамиз, томашабинлар ҳам қўрқиб кетишли. У киши умуртқа, оёқ синадиган даражадаги баландликдан тушиб кетганди. Йўқ, ҳайтовур, уста бошларини кўтариб, ўринларидан инқилаб турдилар-да, аввал қўллари, кейин оёқларини силкиб куриб: “Мана, Ҳожикарим ойга чиқди, кейин ерга пўқиллаб тушди!” дедилар. Залда гур кулги кўтарили.

Шундан кейин у киши: “Бўлди, мен бу спектаклда ўйнамайман! Үлиб кетсан бола-чақамни ким боқади?!?” – деб оёқтираб туриб олдилар. Шу билан спектакль олтинчи бор ўйналмади.

КАСБ БАЙРАМИ

“Телеминиатюралар театри”нинг бадиий раҳбари Эргаш ака Каримов жума куни ишдан кетаётисб, бизга:

– Эртага биринчи апрель — касб байрамимиз, тагин бирювларга алданиб, шармънда бўлиб юрмаларинг! – деб кулиб қўйдилар.

– Ҳаракат қиласиз, – деб сирли жилмайди, ҳар қадамда кутимаган шумликларни ўйлаб юрадиган ҳамкасбимиз Саид Анвар.

– Сенга-ку бу байрамнинг алоқаси йўқ, сен учун ҳар куни биринчи апрель, одамларни лақиллатиш бўйича жа-а-а планни ошириб бажаргансан, – деди Эргаш ака қора папкасига кроссвордли газеталарни

жойлар экан. – Сенга алданиб юриб, Иsomхон ҳам кетворди.

Эргаш ака "Исомхон ҳам кетворди" деганида "Табассум"да кўп йил муҳаррир бўлган ажойиб инсон — Исом Зокировни назарда туттан эдилар. Дарҳақиқат, ёш боладай бегубор, бирорни умрида алдамаган Исом ака Сайджоннинг шумликларига иккиланмасдан ишонардилар. Хуллас, бу икковлон — бири алдашдан, иккиччиси — алдагишидан чарчамас, улар учун, Эргаш ака айтганидай, ҳар куни биринчи апрель эди.

Ўша куни Эргаш ака Сайдга шундай деб, кулнинг тагидаги чўтни очиб кетган эканлар. Ҳангоманинг қизиги эртасига — биринчи апрель куни рўй берди. Ўша, шанба куни уззукун қаттиқ жала ёгаётган эди.

Эрталаб соат ўнларда Эргаш аканинг телефони жиринглади. Устоз гўшакни кўтарса, нотаниш овоз: "Эргаш ака, бугун биринчи апрель — кулаги куни, касб байрамингиз билан табриклайман!" — дейди.

— Раҳмат, ким билан гаплашяпман? — сўрайди Эргаш ака.

— Телевидениедан, масъул навбатчиман, — дейди овоз. — Раҳбарият ҳам касб байраминглар билан Роза опа икковларингни табриклагани уйингларга ўтишмоқчи.

— Ие, шунақами?! — дейди Эргаш ака шошилиб. — Қачон ўтишмоқчи экан?

— Соат ўн икки яримга ўтамиз, дейишди, уйда бўласизларми? — сўрайди овоз.

— Уйдэ бўламиз, албетта, бўламиз! — дейди Эргаш ака раҳбариятнинг эътиборидан боши осмонга етиб.
— Кутамиз, келаверишсин!


Эргаш ака гўшакни ташлабоқ, Роза опага дастурхон тузашни тайинлаб, ўзлари халта, сумкаларни олиб, бозорга югуради. Жала остида елиб-югуриб, керакли нарсаларни харид қилиб, шалаббо бўлганча уйга келади. Эр-хотин биргаликда дастурхон тузалиб, айтилган вақтда меҳмонларнинг келишини кутишади.

Соат бир бұлади — меҳмонлар келмасмиш, икки бұлса ҳамки, улардан дарап йүқмиш. Эргаш ака бетоқат бўлиб телевидение навбатчисига қўнгироқ қиласди:

- Гўшакни кўтартган овоз Эргаш акани таниб:
— Эшитаман, устоз? — дейди.
— Раҳбарият келмади-ку?! — дейди Эргаш ака асабийлашиб. — Роза билан кутиб ўтирибмиз!
— Раҳбарият қаёққа келиши керак, эди? — ҳайрон бўлиб сўрайді навбатчи.
— Бизникига келишмоқчи эди, — дейди Эргаш ака.
— Раҳбарлардан ким бўласаям гўшакка чақиринг-чи.
— Раҳбарлардан ҳеч ким йўқ,!
— Ҳали менга сиз қўнгироқ қилмовдингизми? — дейди Эргаш ака баттар ҳайрати ошиб.
— Йўқ, мен қўнгироқ қилмадим, устоз.
Шундагина Эргаш ака касб байрамида ўзи алданиб қолганини ва унга "навбатчи" бўлиб ким қўнгироқ қилганини билади.
— Айттдим-а, Роза, овози са-а-ал анови Сайд қитмирга ўхшади деб! — дейди Эргаш ака пешонасига шапатилаб.
Улкан кулги дарғаси Эргаш Каримов ҳаётда ана шунақа ёш боладай содда, ишонувчан, бегубор инсон эди.



ХОЛМАТ КАВАЛЕРИЯ ХАҚИДА ҲАНГОМАЛАР



ХОЛМАТ СЕРЛАҚАБ

Одамнинг серлақабини кўрганмисиз? Хўрос табиат, гулдаста қилиқли Холмат тога ана шунаقا серлақаб, аломат одам эди. У кишини айримлар ҳар бир гапга "Интересно"ни қўшиб гапиришидан "Холмат интересно" дейишса, яна бошқалар отанинг уруш пайти отлиқ аскар бўлганликларини кўзда тутиб, ҳурмат билан "Холмат кавалерия" дейишарди. У одам "отиб" олганидан кейин "Холмат чатоқ" бўларди. Кейинги пайтда маҳалладошлар у кишининг лақабларини умумлаштириб, "Холмат серлақаб" дейдиган булишиди.

Ўша куни серлақаб тога барвақт туриб, соқолини қиртишлаб, тақа мўйловини қайчилаб, ўтининг дезодарантини юзига пуркаб, эгнига ҳам ўтининг куёвлиқда кийган коверкот костюмини кийиб, оёғида қора ботинка, бошига маргилонча дўппини қия қўндириб дарвозадан чиқаётганида, айвонда кўрпа қавиб ўтирган Тўхтатош ая чолига кўзойнаги устидан тикилиб:

– Ҳа, отлиқ аскар, сўфи аzon айтмасидан йўл бўлсин, яна матчойи сайилми? – деб гап ташлаб қолди.

– Кампир, ман бир франтавўй аднакашниклар билан учрашиб дардлашиб қайтаман, – деди тога дарвоза олдида тўхтаб.

– Дардлашибмас, ичиб қайтаман, деб тўгрисини айтавуринг?! – деди ая киноя билан.

– Вот интересно, сан қачон манга бигизсуқди гап қилишни бас қиласан?! – деди тога асабийлашганидан мўйловларининг учи диккайиб.

– Тунда ўтлингизнинг сафардан қайтишини пойлаб ўтириб, ундирганингиз тинчлик бермаяпти-да! Нафс қурсин-а, нафс!

– Сахийнинг ишига баҳилнинг тиши қамашибди, дегандай, сан тумса мандан ўтлингниям меҳрини

қызганасан! Манга умуман яхшиликнираво күрмайсан, сан ярамас, пошиш! – деб жаҳл билан күча эшикни қарсиллатиб ёпиб чиқиб кетди.

Тұхтатош ая күча эшикка бир зум тикилиб үтирида, кейин игнали құлини алам билан силтаб:

– Ҳұқиз бұлыб бузоқ одатини құймаганга гап гапирдинг нима-ю, гапирмадинг нима! – деб күзойнагини түгрилаб, яна күрпа устига энгашди.

Серлақаб тога шгү кеттегача, кеч хуфтонда костюмини елкасига ташлаб, дарвозадан үзининг "Моя любимая" құшигини хиргой қилиб кирди.

"Платком махнула у ворот,

Моя любимая,

В кармане маленьком моём,

Есть карточка твоя...

– Ана, келди жинни шамол, – деди ҳовлидаги тахта сүрида чой ичиб үтирган Тұхтатош ая.

– В кармане маленьком моём,

Есть карточка твоя...

– Ҳа, картишкасиям қуриб кетсин, құшниларни бемаңалда тинчини бузмасанғиз бұлмайди-а?! – деди ая үтирган жойида энсаси қотиб.

– Интересно, мани ҳовлимда құшниларнинг тинчи причем? Айтсам, үзимнинг собственный ҳовлимда айтаяпман. Ҳозир би-и-ир файз қиласыз, во-о-от, – деб атрофга аланглаб, айвон токчасида турған үзининг севимли чарм гармошкасига күзи тушиб, – подать суда гармошка, унда құшиқ айтиб файз қиласыз немножка, – деди жонланиб.

– Ҳай, гийқилламай үлсін шу савилам, бир куни тандирга тутантыриқ қиласасам, жонимни ҳиқидалғымга келтирди-да шу узун ичак савил! – деб ая сүридан жаҳл билан тушиб, уйға кириб кетди.

– Сигирнинг мұрашидан бошқаны эшитмаган сан бечора ҳафтафақм ашуланнынг фарқига борармидинг?

– деб тап-туп айвонга чиқиб, токчадаги гармошкани "гийқ" этказиб құлига олди, қайтиб келиб сүри

чеккасига чўкиб, уни гарқиллатиб қулочлаб тортганича, овозини баралла қўйиб, севимли қўшиги "Темная ночь"ни бошлаб юборди.

Только пули свистят по степи,

Только ветер гудит в провадах,

Тускло звезды мерцают...

Ичкаридан сабри чидамай чиқсан Тўхтатош ая остоноада туриб:

— Ман сизга айтиб қўйганим, манов қўшнингиз Сайдқул ҳали чиқиб, "Эрингта айт, яна ичиб келиб, бемаҳалда гармонини гарқиллатиб, уйқумни бузадиган бўлса, ўзидан кўрсин, чиқиб гармониниям, ўзиниям йиртиб ташлайман!" деб гўданглаб чиқиб кетди, — деди ая.

Холмат тоға гармон тортишдан таққа тўхтаб:

— Интересно, шу гапни мана шу Сайдқул сўтак айтдими?! — деди ҳайратдан кўзлари катта-катта очилиб.

— Айтди-да, айтмаса манга зарилмиди шуни сизга етказиб?

Кавалерия гармошкасини "гарт" этказиб сўрига ташлади-да, айвон супасига чиқиб, қўшнисининг ҳовлиси томонга кекирдагини чўзиб:

— Ҳей, Сайдқул, санми гармон билан мани йиртадиган?! — қичқирди овозининг борича. — Ман йўқлигимда уйимга кириб кариллаган кекирдагингни узиб ташлайман, ҳезалак!

— Ҳай, яшшамагур! Илойим, тилингга зиндалак чиқсин, кавалерия бўлмай бўйнинг узилсин-а, бўйнинг узилсин! — Сайдқулнинг айвонидан жазаваси тутган Майрамхоннинг вагиллаган қарғиши эшитилди.

— Ҳе курка товуқ, ўчир қақиллашингни, сангамас, анов ҳезимкаш эрингта гапиряпман! — дуволга қўнган хўроэдек кўкрак керди кавалерия.

— Анови қутурган итнинг нафасини ўчирасизми-йўқми?! — эрига алами чийилади Майрамхон.

— Ҳў, сўтак, хотининг этагига буқинмасдан чиқ баққа! — депсиниб қичқирди кавалерия.

Шу пайтгача айвонида бошини хам қилиб, индамай ўтирган Сайдқул ўрнидан сапчиб туриб:

— Араққа қүшиб әсингиям ичиворғанмисан, валат?! — деди йигламсираб. — Сендан тинчлик бўладими-йўқми?!

— Ул-а, қўрқингми, дўмпагувалак?!

Сайдқул девор тагига югуриб келди:

— Овозингни учирмасанг, учирив қўйишга кучим етади! — деди кўзларидан ўт сочгудай бўлиб.

— Сани-я?! Хотинингни олдида карилламасдан, эркак бўлиб кўчага чиқ, ким-кимнинг овозини учирини кўрамиз! — деди кавалерия.

— Энди ўзингдан кўр, пачогингни чиқармасам юрган эканман! — кўксига муштлади Сайдқул.

Иккала қўшни, икки томондан кўчага отилиши. Улар дарвозаларидан чиқа солиб, бир-бирлари билан айқаш-уйқаш бўлиб кетиши. Эрларининг орқасидан "ҳай-ҳай"лашиб чиқсан аёллар, остонода тўхтаб, бир-бирларига ёвқараш қилиб, ашаддий хўро збозлардай ўртадаги олишувга тикилганча туриб қолиши.

Аввалига норгулроқ Сайдқул кавалериянинг бўйини, елкаси оша қучогида сиқиб пастта боса бошлади. Лекин серлақаб бир силтаниб, унинг қўлтигидан чиқиб, чаққонлик билан унинг қорнига калла қўйди. Сайдқул "Иҳ!" деди-ю, икки букилиб қолди. Серлақаб энди унинг бўйини қўлтиги орасига олиб, пастга боса бошлади.

— Бўйнимни қўйиб юбор, қўйиб юбор бўйнимни, нафас қайтди-и-и! — хириллади Сайдқул.

Тўхтатош ая қўшниси Майрамхонга "Бизни отлиқ аскарни курдингми?" дегандай магруона қараб қўйди.

Шовқин-суронни эшитиб уйларидан чиқсан қўшнилар уларни ажратиб қўйишди. Маҳалла оқсоқоли Содиқ бува:

— Соқолинг оқарганида невараларингга кулги бўлмай ҳар нима бўлларинг! — деб койиб, уларни уйларига киритиб юборди.

— Сайдқулнинг бўйини бўгиб, додлатганимни кўрдингми. Тош?! — деди кавалерия димоги чоғ бўлиб. — У пўстак командуший Доваторнинг аскарини енгаман дедими?!

— Кўйлакни ечинг, отлиқ аскар, эсизгина-я, яп-янги кўйлакни дабдала қипсиз! — деди ая бош чайқаб.

— Э, гап кўйлақдами, гап эркаклик гурурида! — деди серлақаб тога кўйлакни ечиб, кампирига узатар экач, кейин ўнг ғўлини букиб, мушагири кампирига намойиш этиб, қўшиб қўйди. — Мана бу қилич ушлаган қўлда ҳали куч кў-ў-ўп! Ҳар қандай душманга атпўр беришга ярайди бу қўл!

— Ҳа жанжалга ярайди! — деди ая киноя билан. — Сизни бекорга "чатоқ" дейишмаган-да!

— Нима дейишса дейишсин, лекин орқамдан ҳақорат қилган сўтакларни кавалериячасига тақимга босиб, судрайман!

— Ҳеч ким орқангиздан ҳақорат қилмовди, гармонни гарқиллатишни тўхтатармикансиз, деб ичимдан туқиб гапирсан, "пов" этиб ёниб кетдингиз!

— Ҳали бу Сайдқулнинг гапимас, ўзингни гапингмиди?! — ранги оқариб сўради кавалерия.

— Э, йўқ, бе, йўқ, қўшнига дағдага қилишни бошлаб юборишингизни билиб ўтирибманми?

— Эҳ, ярамас, кампир, санларга кунимиз қолса, бутун маҳаллага ўт қўйиб, оловида исинасанлар! Ман дурак, сани правакасиянгга учиб, юз ювмасдан юз кўришадиган, ўлсам тобутимни кўтарадиган қиёматлик қўшним билан ёқа бўгишгача бордимми-а?! — деб кавалерия пешонасига муштлаб, йиглаб юборди.

ОТ ПАСТЛИК ҚИЛДИ

Холмат "кавалерия" нафақага чиқди-ю, шаҳар ҳовлисига сигмасдан, қишлоққа, жиянлариникига тез-тез кетиб, у ёқларда ҳафта-ўн кунлаб юрадиган одат чиқарди. Аввал бошда уйдагилар унинг бу

юришларига киндик қони түкилган жойларда бемалол юриб, жигарларини кўриб, хуморидан чиқиб олсин, деб эътибор беришмаган эди. Чолининг ҳафта ўтмай қишлоққа чопишлари биринчи бўлиб кампира, Тўхтатош аяни ғашлантириди. Кавалериянинг навбатдаги қишлоқ сафари чўзилиб кетгач, кампир:

– Отанг “матчойи сайл”да ўн кунлаб юради, сан бўлсанг тиш ёриб, “Отам қайдা юрибдийкин?” – демайсан, ё шу юриши санга маъқулми?! – деди алам билан.

– Ман нима дейман, – деди онасининг киноясидан уялган Мирҳолиқ, – отамга “Қишлоққа борманг, уйда қимирамай ўтиринг!” деб буйруқ қиласманми?

– Шундоқ дейсан-у, унинг бу юришида биров билиб, биров билмасдан, пенсага чиққанидан кейин фалончи отасини уйига сидирмай қўйипти деворса, суюнинг сирқирамасин деб, оддини олиб айтяпман, – деди кампир.

Онасининг шу гапидан кейин ўғил ўйланиб қолди. Артист зотининг тупроги енгил бўлади, битта-яримта тили билан юрадигани, кимсан фалончининг отаси уйига сигмай, қишлоқда дайдиб юрибди деса, тамомда!

Ана шу ўйлардан Мирҳолиқнинг юраги ғашланиб юрганида, жўяли маслаҳат хотини Назирадан чиқди.

– Дадамлар бир умр ишлаганлар, тўрт девор ичида қафасга тушгандай сиқилиб қолдилар, – деди. Сўнг ўйланиб туриб давом этди. – Улар отни яхши кўрадилар, от олиб берсангиз, шунга овунармидилар?

Хотиннинг бу гапи Мирҳолиққа маъқул келди. Отаси унга ҳам бир неча бор, от бўлса эрмакка боқардим, деганида, “Шунчаки айтяпти” деб эътибор бермаган эди. Хотини айтганидек, от олиб берса, отасининг “матчойи сайллари” барҳам топишини ўйлаб, шу якшанбадаёқ Шўра бозорига чиқиб, от олишга қарор қилди. Буни эшитган ота ёш боладай қувониб кетди. Онаси эса:

— Дүппиңдеккина ҳовлида шу битта от ўйини
етмаёттувди. Худо хоҳласа, унгаям етишадиган бўлмиз!
— деб пичинг қилди.

— Сенга қўйиб беришса, от урнига мани тушовлаб
боқардинг! — деди кампирининг пичингидан аччиқ-
ланган кавалерия.

Якшанба куни тонг отмасидан Холмат ака угли ётган
хонанинг эшигини аста тиқирлатди, сўнг уни жиндай
очиб, невараларини чўчитмаслик учун личирлаб:

— Ҳолим, туроқол, бозорга кечикамиз, — деди.

Саҳар уйқуси чала булган Мирҳолиқ урнидан аранг
турди-да, ташқарига чиқиб, кўкда чарақлаб турган
тонг юлдузига қараб:

— Ҳали тонг отмасдан қаёққа борамиз? — деди
эснаб.

— Саҳар савдоси хосиятли булади, болам, машинани
гараждан чиқар, — деди ота тоқатсизланиб.

— Жа-а-а, қизиқсиз-а, дада, — деди ўғил гараж
томон юрар экан.

Машина катта йўлга чиққач, ота пенциллин идишни
օғзига олиб бориб, тишига такиллатиб, тилининг
тагита нос ташлади-да, кузларини юмиб, анча йулгача
индаймай уни шимиб борди, сунг деразани очиб
носни туфлаб ташлаб:

— Тушимга Ойқашқа кирибди! — деди киссасидан
рўмолча чиқариб, соқол-мўйлови аралаш лабини
артар экан. — Жанавар тушимга кирмаганига ҳам куп
бўлувди! Үққа учишдан олдинги тулпор кўринишида,
узоқдан кишинаб келиб, бўшини бошимга сурказти!
“Келдингми, тулпорим?!?” деб йиглаб, уйгониб
кетибман. — Ота овози буғилиб, кўзларида қалқан
ёшни рўмолчасига артди. — Туриб, шаҳидларнинг
руҳига бағишлаб тиловат қилдим.

Мол бозорига киришлари билан ота пешонаси
қашқа қорабайирни куриб, “Ойқашқага ухшаб кетар-
кан!” — деб, унинг қаршисида тухтади-да, олдига
бориб, ёлидан силаб:

– Қалайсан, өгайни, мени танидингми? – деганида
Мирҳолиқ отасига ажабланиб қаради.

– Гапимга ҳайрон бўляпсанми? Отлар асил
чавандозни билади. Менга маъноли қараб туришини
кўр бунинг.

Ота отнинг тумшугини силади, лабини очиб,
тишларини кўрди, кейин түёқларини кўтариб:

– Зап от экан-у, расво қилишибди, оёғига ем
туширишибди, – деди бош чайқаб.

– Оёғига ем туширишибди, деганингиз нимаси? –
деди Мирҳолиқ тушунмасдан.

– Ем бериб, кетидан сув ичиришган! – деди ота
ачиниб.

– Ия ақсақал, сўлай бўтган, атти билер эженсиз,
– деди ота-боланинг гапларига қулоқ солиб турган
отнинг эгаси, қозоқ йигит.

– Биламиз-да, чироқ, биз от миниб, кўпкари чопиб
юрганимизда сан ҳали онангни қурсоғида ҳам йўқ
эдинг! – деди ота гурур билан, сўнг қўшиб кўйди.

– Сенам отни билганингда бечорани бу аҳволга
солмасдинг!

Ота отдан узоқлашар экан:

– Аттанг, шундай отни расво қилишибди! – деди
бош чайқаб. Қорабайир ҳам отанинг ортидан маъюс
тикилиб “хайр” деяётгандай ҳазин кишинади.

– Ана, ҳамма гапимизни тушунди, жанавар! – деди
Холмат ака хўрсиниб.

Ота қорабайирдан кейин бозордаги бирорта ҳам
отни ёқтирамасдан, ниҳоят, бир оқ қуононнинг атрофида
айланнишиб қолди.

– Ҳолиш, мана шуни яхшилаб боқса, одам бўладиган,
– деди у. – Оппоқ, чиройли от бўлади. Оқ отда хосият
кўп, шунинг учун уни подшолар минган.

Ота жаллоб билан узоқ тортишиб, бир нархга
тўхтаб, бор барака қилгунларича, кун чошгоҳдан
ошиб қолган эди.

— Мана бу бошқа тап! — деди ота оқ қунонни етаклаб, бозордан чиқар экан. — Бу қунон Бахтиёр қуулумнини! Неварамни ўзимга ўхшаган чавандоз қилиб тарбиялайман! От миниб, қиличдай бир йигит бўлсин! Сан энди машинангда кетавур, болам. Ўзим буни уринтирмасдан, қоқилтирмасдан, етаклаб, уйга боргунча танишиб, иноқлашиб оламиз.

Чиндан ҳам қунон келиши билан ота ўзгарди-қолди. Эрталабдан кечгача унга андағмон бўлиб, ем беради, сув беради, устини тараиди, тагини тозалайди, невараси Бахтиёри устига миндириб, етаклаб маҳаллани айлантиради.

Ота қунонни етаклаб, дарвозадан чиқиши билан маҳалла болалари уларни ўраб олишади. Ўша куниям худди шундай булди. Болалар қунонни ўраб олиб:

— Холмат бобо, сизни чавандоз булган дейишади, отга қандай минардингиз? — дейишди чувуллашиб.

— Ман любой отга бир сакрашда минардим! — деди ота кучайиб.

— Ву-у-й, қойил! — дейишди болалар жўр булиб.

Невараси Бахтиёр бобосининг “отга бир сакраб миниши”дан гурурланиб, тенгдошларига “Кўрдиларингми, қандай бобом бор!” дегандай қарайди.

— Отта сакраб минишни кўрсатинг, Холмат бобо! — дейишди болалар яна чувуллашиб.

— Курсатинг! — деди невараси Бахтиёр кузлари ёниб.

— Кўрсатайми?! — деди ота болаларга бир-бир қараб.

— Кўрсатинг, курсатинг! — дейишди болалар жур булиб.

— Унда чавандозча отта минишни бир кўриб қўйларинг! — деди ота ва бир сакраб қунон устига ўтириди-ю, лекин мувозанатни йўқотиб, нариги томонга айланиб, ерга гурсиллаб тушди. Болалар кўркувдан нафасларини ютиб, туриб қолишиди.

Үртага чўккан жимликини қуноннинг, ерда чалқанча ётган отанинг бошини тумшуғи билан ҳидлаб, "Нима бўлди?" дегандай пишқириши бузди.

Биринчи бўлиб невараси Бахтиёр тилга келиб:

– Бобо, ёмон ийқилмадингизми? – деди ранги қув ўчган ҳолда.

Холмат кавалерия бадани зирқираб оғриб турсада, неварасини қўрқитмаслик учун ўрнидан даст кўтарилиб:

– Вот безобраз, биз армияда баланд отларга сакраб минардик, бу от манга сапсим пастлик қилди! – деди.

БИР КАЛИШЛИК ОБРУ

Уйга оқ қунон келди-ю, Холмат кавалерия бир пайтлар йўқотган азиз нарсасини қайта топгандай, асовлигини ташлаб, маъқулгина қарияга айланди. Унча-мунчага митригини бузмайдиган кампирি Тўхтатош ая уйда қовогини очиб тиш ёрмагани билан, қўшни аёлларга "Артис болам зукко чиқди, отасини от билан овутди-қўйди!" деб углини алқаган бўлди.

Дарҳақиқат, энди Холмат кавалериянинг оқшомлари гузардан шўхланиб қайтиб, ҳовлида қайиш гармонни гартиллатиб, маҳаллани бошига кўтариб, ўрисча ашула айтишлари ҳам, ҳафта-үн кунлаб "матчойи сайл" ларга кетишлари ҳам барҳам топди. У ҳар куни тонгда, сўфи азон айтмасдан уйғониб, ҳовлида бадантарбия қиласди, кейин қуноннинг тагини супуриб-сириради, қашлагич билан ёлидан думигача тозалаб, емлади. Шундан кейин "Қора кўзим"ни димогида хиргойи қилганча, отни етаклаб куча айланади. Нонуштадан кейин ишком тагидаги доимий оромгоҳи — чорпояга чўзилиб, отнинг бир маромда "курт-курт" лаб ҳашак чайнашидан завқ туюб, пинакка кетади.

Холмат кавалерия оқ қунонга андармон бўлиб, вақтнинг қандай ўтганини ҳам билмайди. Бир тун,

ҳамма уйқуга кеттанида кавалерия чорпояга чузилганча ҳисоблаб күрса, уйга қуонон келганига роппа-роса бир ой бўпти. Шишадошлар билан ҳам ўтиз кундан бери кезлапмабди. Кавалерия ёстиги татида бир ойдан бери йигилиб қолган “носвой” пуллари-ю, ўғлиниң кун-кунаро “чойхона харажатлари”га берганларини олиб санаб кўрса, битта семиз қўчқор бўлмаса-да, ўртачароқ совлиққа етадиган сармоя тўплабди.

Холмат ака димоги чоғ, сармояни рўмолчасига тутди, уни ёстиқ тагига қўйиб, сезилмаяптимикан деб муштлаб кўрди, бошини қўйиб, кўқдаги юлдузларга бир зум тикилиб ётди-да, кейин сапчиб урнидан туриб:

— Ну канешна, шунча нарсани ёстиқ тагида қолдириб бўладими?! — деб тиззасига муштлади, кейин оёги билан пайпаслаб, ердаги калишни кийди-да, рўмолчага тутилган сармояни ёстиқ тагидан олиб, уни бехитроқ жойга яшириш учун ҳовлини айланиб, дурустроқ жой тополмасдан, бурчакдаги тандир қаршисида тұхтаб, ичига бош суқиб кўрди.

— Эҳе, тандирга яширсам, шунча пул оловга тутантириқ булар-да! — деб пулларнинг оловда ёнишини тасаввур қилиб сесканди. Ўйланиб туриб, тандир тепасидаги олов ва тутун тафтидан қорайиб кетган шифер қоқилган парвозларга тикилди. Айни ўша, қорайган парвозлар кўзига ишончли туюлиб кетди. Тандир супасига отга мингандай сакраб чиқаётанида, чап оёғидаги калиш “тап” этиб ерга туپди. У бир пой калишда турганича, рўмолчадеги сармояни шифер билан парвоз ўртасига жойлаб кўрди. Сармоя рўмолча ичидә қандайдир омонат, хилвираб тургандай туюлди. У сармояни яна қўлга олди-да, “Нима қилсам экан?” деган хаёл билан бошини қашиб, пастга қаради. Пастда тўнкарилиб ётган бир пой калишга кўзи тушиб, хаёлига келган ялтироқ фикрдан илжайиб, ўнг оёғидаги калишни ечиб, саромояни ичига тиқди. Сармоя калишга ҳудди картмондагидай жойлашди.

Сармояли калиш шифер билан парвоз ўртасига сиқилибгина кирганидан кавалериянинг кўнгли тўлиб, супадан пастга сакраб тушди-да:

— Энди бизи кампир буни исковуч ит билан ҳам тополмайди! — деб ўзининг топқирилтидан мамнун ҳолда келиб, чорпоядаги тўшакка хотиржам чўзилди.

Холмат ака кундузлари бўлса-бўлмаса тандир ёнига борар, калишнинг жойида турганини кўриб, кўнгли яйраб, "Чоргоҳ"ни димогида хиргойи қилиб юрарди.

Ўша куни маҳаллада эски улфатларидан Сайфи сассиқ тўқнаш келди. Сассиқ одатига кўра:

— Кавалерия, гузарда кўринмай қолдинг, ё уйда ичишни ургандинг, ё даромадинг касод?! — деган ҳамиятига тегадиган қўланса гап қилди.

— Мани шаънимга бунаقا сассиқ гап қима! — деди кавалерия чапанилиги тутиб. — Бор, ўша ман ҳақимда совуқ гап қиган жами улфатларни Нишон бужурнинг чойхонасига тўпла, харажати мандан! — деб уйга гизиллади. Сайфи сассиқ бўлса, қувончи ичига сигмасдан, улфатлардан тезроқ суюнчи олгани гузарга қараб туфлисининг тагидан тутун чиққудай югурди.

Кавалерия кўчадан кирибоқ тандирга тармашди. Парвозга қистирилган калишни сугириб, ичидан рўмолчага туттилган сармояни олди. Ҳаяжон билан тугуңни ечди. Тугуңдан гижимланган газета чиққанида, унга бир зум анграйиб қараб, кейин қўллари қалтираб, газета гижимиини ёйди. Газета орасидан ҳам пул чиқмади. У алам билан калишни ерга тапиллатиб уриб, атрофга аланглади. Айюнда бамайлихотир чой ичib ўтирган кампири Тўхтатош аяга кўзи тушиб:

— Тош, бу... сани ишингмиди?! — деди.

Кампир кинояли илжайиб қўя қолди.

— Шу ерга пул яширганимни қайдан била қолдинг?! —

— Ерда юрадиган калиш шифтга нимага чиқиб қолганини гўсхўр одам ҳам билса керак?! — кулди кампир.

— Лекин ман гұсхұр шуни билмадим-ку! — деди кавалерия пешонасига муштлаб. — Улфатларга бугун бир зрийман, деб катта гап қипкүювдим, үшандан жиндай бермасаң бұлмайди, гапимнинг устидан чиқолмасам, нима деган одам бұламан, — деди ялинган оқангда.

— Ҳеч шу улфатларингиз түймади, түймади-да, қанча бераман?! — деди кампир камзулининг ич чүнтагидан үша таниш рўмолчага ўрглиқ сармояни чиқарар эзан, муросага қелиб.

— Обрўйимга муносиб қилиб берасан-да, — деди кавалерия айвон ёнига бориб.

— Сизи обрўйингиз бир калишмас, бир этик пулдан ҳам юқори туради, ҳм! — деди кампир ўрамдан пул ажратар экан, кейин қўшиб қўйди. — Шунинг учун келгуси гал пулни этикка жамланг, баракалироқ бўлади!

ТВАРЛАР АЛАМДА ҚОЛИШДИ

Ёз кунларининг бирида Мирҳолик спектаклдан чиқиб, ярим кечаси уйига келса, ҳовлида дадалари ҳар доим тунаидиган тахта сўри бўум-бўшлигини куриб ажабланди. Хотини Назирахондан:

— Дадам бир ёққа кетувдиларми? — деб сўраганди, у боши билан осмонга ишора қилди. Абдуҳолик тушунмасдан:

— Дадамни сўрасам осмонни кўрсатасиз, қанилар?
— деди жаҳли чиқиб.

— Токсўрининг төпасига қаранг, — деди хотини.

Абдуҳолик бундай тепага қараса, дадаси темир қувурдан ишланган токсўрининг устига иккита тахтани ёнма-ён қўйиб ётиб олган, устига ёпган чойшаби шабадада оқ байроқдай ҳилпиради.

— Ҳов, дада, бу нимаси энди, тушинг бу ёққа, ииқиласиз! — деди хуноби ошган ўғил.

— Маза қилиб ётибман, мани безовта қилма, болам,
— деди Холмат ака пинагини бузмасдан.

– Маза қилиш учун сүрининг тепасига чиқиш шарт эканми?! – деди ўғил баттар бўғилиб.

– Сурининг тагида чивин чақиб, қонимни сўриб, жонимни бўғзимга келтиргандан кейин, мана шу ерга, шабадага чиқиб олдим, – тушунтириди Холмат aka, сўнг мамнунлик билан қушиб қўйди. – Тварлар бу ёққа чиқолмасдан роса аламда қолиши!

Ота шундай деб ҳузурланиб кулди.

РЕПЕТИЦИЯ

Мирҳолиқ вилоятдаги гастролдан уйита ярим кечаси етиб келди. Машинани гаражга қўйиб ҳовлига кирса, отаси Холмат кавалерия, шотут тагидағи чорпояда, қуруқ тахтанинг устида, бошининг тагига тўртта хом гиштни қўйиб, "Помир" сигаретининг тутунини буруқсаратиб, хаёлга чўмиб ётган экан.

– Келдингми, Ҳолиш? – деди ота бошини кўтариб.

– Келишингни кўнглим сезиб, ухламай ётувдим.

– Тинчликми, дада? – деди ўғил отаси бош қўйиб ётган гиштларга ҳайрат билан тикилиб.

– Тинчлик бўлмай, уруп бўлармиди, болам? – деди ота яна бошини гишт устига қўяр экан. – Санни келишингни куте-е-еб ётибман-да!

– Бу қандоқ ётиш, дада?!

– Буми? Бу ҳақиқий ётиш! – деди отаси гуур билан. – Бутун бир репетиция қилай дедим-да.

– Қанақа репетиция?

– Нарёққа оборганингда, лаҳадда бошимга пар ёстиқ қўярмидинг, гувала қуссан-да! Гувалада бош қандай туришини билай деб, репетиция қилиб ётибман!

Ўғил нима дейишини билмай, отасининг бошида серрайиб туриб қолди.



МИНИАТЮРАЛАР



ЭРКАКНИНГ ИШИ

Эркак диванда ялпайиб телевизор томоша қилмоқда. Хотин құлида тоx латта, тоx капгир билан у ёқдан-бу ёққа үтади. Бир пайт у, енглари шимарилған ҳолда, бир құлида ювилиб, гижимланған кир билан хонага мұралаб дейди:

ХОТИН: – Хұжайик, ұар замонда бір чиқиб, қозонни ковлаб құя оласизми? Кирни бошлаб құйғандим...

ЭР: (Ижирганиб) – Қанақа қозон?! Қанақа ковлаш?! Эркак дегани ҳеч замонда қозон ковлайдими, товуқмия?!

ХОТИН: – Улгурмаяпман-да, дадаси.

ЭР: – Улгуршиш-улгурмаслик бу сани проблеманг. Хотиннинг иши — қозон ковлаш, эрнинг иши — уйни құриқлаш! Шунақа майда, арзимайдиган ишта эрингни уринтирасанми, нодон?!

(Хотин елка қисиб, чиқиб кетади. Эр телевизор овозини баландлатиб, экранга тикилади, кейин ижирганиб, күрсаткич бармогини пешонасига нұқади. Хотин эса бир құлида ювилған кир, иккінчи құлида капгир билан у ёқдан-бу ёққа югуриб үтади. Кейин у елкасида ювуқли чойшаб, құлида киp осадиган арқон билан яна хонага бош суқади.)

ХОТИН: – Эски арқон узилиб кетди, шунга янгисини тортиб берсангиз...

ЭР: (Лови/лаб ёниб) – Энди киp осадиган арқонингниям мани елкамга илмоқчимисан?! Нима бало, томинг кетиб қолғанми үзи?! Ҳай, демаса кирниям манга ювдиарсан! Хотин — уйнинг чироги, эр — күчанинг маёти, дейишағы. Чироқмисан, давай, уйинтни үзинг ёрит, кириңгни үзинг ос! Лекин эркакнинг дам олишиға халақит берма! Эркак дегани тиниқиб дам олмадими — тамом, соглагидан дарз, ишидан файз кетади!

(Хотин бошини хам қилиб, чиқиб кетади. У қўлида болга, елкасида чойшаб, кир осадиган арқон билан у ёқдан-бу ёқда югуриб ўтади.)

ЭР: – Кир осадиган арқонни тортиб берармишман! Бу олқиндига қолса, атомнинг кучини ўтин ёришга сарфлайди! Эрнинг юраги — шернинг юраги эканлигини билмайди бу мағзава!

(Йулакка қараб тишларини гижирлатади. Ўзича гудраниб, яна телевизорга тикилади. Хотин икки қўлида иккита халта кўтариб пайдо бўлади.)

ХОТИН: – Уйда картошка-пиёз тутабди, кечашуни айтишини унутибман. Бозорга “тир” этиб бориб...

ЭР: – Келасанми?

ХОТИН: – Мабодо сизни...

ЭР: – Мендан хавотирланма. Фақат “зув” бориб, “зув” келгин. Кўча-кўйда дугоналарингни учратиб қолсанг, валақлама, латта-путтага алаҳлама! Тушлик кечикса, иштаҳа бузилади.

(Хотин бўшашганча чиқиб кетади.)

ЭР: (Фигони чиқиб) – Бу қанақа ҳафтафаҳм хотин бўлдики, рузгорида картошка-пиёзи тутагунча билмаса?! Хотининг яхши бўлса ёқанг оқарап, ёмон бўлса соқолинг оқарап, деб бекорга айтишмаган. (Ўланиб қолади) Ё эркакнинг ишини қилиб, шартта хотинни янгиласаммикин? Шундай қилсам ёмон бўлмасди! (Ҳиринглаб кулади.) Фақат манов шўрпе шона, дўмпагувалакка қийин булади-да. Хотин бахти эрда бўлар, етим бахти — ерда, деб бекорга айтилмаган. (Хотин иккита оғир халтани кутариб, уйга инқилаб кириб келади.) Ҳа, келдингми, ишқилиб?..

ХОТИН: (Юзидаги терни артар экан) – Уф, югуриб бориб келгунимча тинкам қуриди.

ЭР: – Тинкам қуриди, дегин-а?! Битта бозорга бориб-келганингта тинканг қуриса, ўлмаган бизи жонимиз экан-да!

ХОТИН: – Ўн беш кило юқ билан югуриш осонми?! Лоақал бозор-ўчарга ёрдам берсангиз буларди. Бир кун дам олишда ҳаммасига ўзим югураман.

ЭР: – Ие, ҳали бозор-ұчарингниям мани елкамга ортмоқчимисан? Эрнинг бурчи нима-ю, хотинники нималигини билмайдиган нодонсан десам, яна мендан хафа бұласан!

ХОТИН: – Хүп, доно бұлиб айтинг-чи, эркакнинг бурчига нималар киради?

ЭР: (*Хотиннинг юзига ачиниб тикилганича*) – Бил-масанг эшиш! Эркакнинг бурчи жасорат күрсатиш! Эркак омон бұлса, құргоч саломет, деб бекорға айтилмаган! Ҳай, майли, бундай эркакча гапларга ақлинг етмайди, яхшиси, овқатни суз. (*Хотин дастурхон ёзиб, овқат сузиді келади. Эр овқатланиб бұлгач, керишади, эснайди.*) Бугун негадир чарчадим, хотин.

ХОТИН: – Чарчасангиз ётиб дам олинг.

ЭР: – Тұгри, овқатдан кейинги яхши дам — меңнаттағ ҳамдам, деб бекорға айтилмаган.

(*Эр диванга құзилиб ётади ва хуррак ота бошлийди. Хотин идиш-товоқны йигишириб, оёқ учыда чиқиб кетади. Кейин у яна кириб, зерини туртиб уйготади.*)

ХОТИН: (*Ваҳима билан*) – Хұжайин, хұжайин, илтимос, туринг!

ЭР: (*Чүчиб уйғонади*) – Тинчликми, нима гап?!

ХОТИН: – Тинчлик эмас-да! Кимдир ҳовлида юрибди! Күрқиб кетдим!

ЭР: (*Күркіб, бошини елкалари ичига тортиб*) – Йүр-е, сенга шундай тууландыр. Мушук-пушук, ит-питдир. “Тур, кет!” десаңг кетарди.

ХОТИН: – Мушук билан ит томдағ “тап” этиб тушиб, ёпик гаражингизнинг эшигини гичиллатиб очадими?

ЭР: (*Дағ-дағ тираб*) – Үнда Худо урибди бизни! Гаражнинг эшиги гичиллаган бұлса, машинаға үгри тушган. Үзинг чиқиб бақириб, құшниларни ёрдамға чақыр, ман чиқсам омон құйищмайди. Үгри дегани ҳеч нарсадан қайтмайдиган одамхүр бұлади!

ХОТИН: – Ман чиқсам-чи?

ЭР: – Сан аёлсан, үгри дегани аёлни аяйди...

ХОТИН: – Вой тавба! Үзингиз чиқиб, эрнинг юраги — шернинг юраги қандай бўлишини кўрсатинг ярамасга!

ЭР: – Жи-и-им, секироқ гапир, уйгоқлигимизни билиб қолса, бу ёқقا кириб ўзимишта ташланади, абраҳ. Машина кетса кетсин, бош омон қолсин! Машина топилади, бош топилмайди!

ХОТИН: (Кулади) – Э, омон бўлинг-е! Шуми эрнинг жасорати?! Жасоратларини кўрэйлик, деб ҳазиллашувдим!..

ЭР: – Ярамас, ҳазилинг бошингда қолсин! Ҳазил деганиям шунаقا совуқ бўладими?! Хотин кишининг мижози совуқ бўлади, дейишарди, ҳазилиям совуқ бўларкан-да, а?!

ТУЗОҚ

Хонага эр ҳовлиқиб кириб, атрофга хавотир билан қарайди.

ЭР: – Ҳайрият, улгурибман! Ҳали келмабди. (У шкафни очиб, ўзича қушиқ хиргойи қилганча, уст кийимини ечиб, уй кийимини кияди. Шу пайт эшик тақиллайди. Эр эшик ёнига бориб, уйқули овозда) – Ким у?!

ХОТИН: (Эшик ортидан¹) – Бу мен, хўжайин, очинг...

ЭР: (Эшикни очиб, эснаб) – Э, ниҳоят, келдиларми ишқилиб? Келардингизда, ой бор, йил бор!

ХОТИН: (Сафар халта билан ичкарига кириб) – Авваламбор, ассалому алайкум! Яхши ўтирибсизми, зерикмасдан, шўхлик қилмасдан...

ЭР: – Ваалайк... агар көлганингиз рост бўлса...

ХОТИН: – Уйдагилар, ойим, дадам сизга кўпдан-кўп салом айтишди. Отпускада эканлар, нега сен билан бирга келмадилар, деб роса хафа бўлишди. Янаги сафар бир ўзинг келмасдан куёв билан келгин, дейишди. (У сафар халтасини ерга қўяди)

ЭР: – Раҳмат, агар шу гап рост бўлса...

ХОТИН: – Вой, албатта, рост! Ўзингиз зерикмайгина ўтирибсизми? Бу гал роса бир ҳафтага сизни ёлғиз қолдирдим.

ЭР: – Бир ой қолиб кетмаганингтаям шукр дейищдан ўзга чорамиз йўқ...

ХОТИН: – Келганимга хурсандмисиз, ишқилиб?

ЭР: – Проста хурсандгина эмас, қувонганимдан қўшиқ айтгим келлпти. (Кафтини оғзиға тақсимчадай тутиб) Бу гулшан устига жонон, сарафroz этгани келибсиз! Бу соз устига соз келибсиз! Ва ҳоказо, ҳоказо келибсиз!

ХОТИН: – Э, барака топинг, ҳофиз!

ЭР: – Ўзлари кеддилар, энди, канешна барака топамиз! Главний, емоқ-ичмоқдан, деганларидаи.

ХОТИН: – Емоқ-ичмоқдан қийналмадингизми?

ЭР: – Ҳа, энди кеттанингиздан кейин уйда қосатовоқ, чойнак-пиёлани тополмагач, емоқ-ичмоқ нима буларди? Уйдаги идиш-товоқ топилмади, деб қўнгироқ қиласм, “Уйда ётиш керак!” – деб гапни калта қилдингиз. Интересно, идиш-товоқнинг уйда ётишга нима алоқаси бор?

ХОТИН: – Уйда ётганингизда шу саволни бермасдингиз.

ЭР: – Уйда ётмасдан, очиқ мозорда ётармидим?! Энангни уйига кеттанингдан бери прямо қозондан шурва симириб, тогорадан чой хуриллатиб, ташқарига чиқмасдан, кўрсатганига шукр, деб тўрт дуволнинг ичида ўтирибмиз-да!

ХОТИН: – Торт дуволнинг ичида ўтириб, бир ҳафтада диванга бир марта чўзилмабсиз-да?

ЭР: – Нега чўзилмас эканман? Бир ҳафтадан бери шу диванда чалқа тушиб, сизи дуойингизни қилиб ётибмиз-у!

ХОТИН: – (Дивандаги чойшабни тортиб олади ва унинг устига қатор қилиб терилган тарелка, коса,

пиёла ва бошқа идишларга тикилиб) Шунчага нарсанинг устида ётганда қийналмадингизми, хўжайин?!

ЭР: (Дивандаги нарсаларга ҳайрат билан тикилиб, сўнг бошини қашиб) – Бу қанақа маскиропка?

ХОТИН: – Бу маскиропка эмас, сизга қўйилган тузоқ!

ЕЧИНИБ КИР!

Дўхтирик халатидаги актёр саҳнага чиқиб, ўзича гўдиллайди.

ДЎХТИР: – Вой бошим-ей! Ёрилиб кетай дейди-ей! Кеча Тошпўлатнинг тўйида бўларимиз бўлмиз... Уйга қачон, қай аҳволда келиб, тўшакка қандай ётганимни билсан үлай агар. Бунақа отгандан кейин, ишга чиқмай, аччиқ маставани ичиб, кун бўйи ётсанг.

Хой, ким бор?! Бу касалхонада бугун ишга чиқсан одам борми ўзи?! Йў-ў, ҳаммаси қирилиб кетганми?! Ким бор деялман?!

(Ҳамшира қиз эшиқдан бош суқиб)

ҲАМШИРА: – Мен бор!

ДЎХТИР: – Бор бўлсанг ажаб бупти! Яхшиям отанг онангга уйланиб, сан туғилган экансан, худди бир нарсани қойиллатгандай “Мен бор!” деб кериласан. Нима қулай, бор бўлсанг? Суюнчи берайми?! Истарший сестранг қани?! Ишга келганми у, ё улганми?!

ҲАМШИРА: – Йў-ў, ўлмаган, тириклар...

ДЎХТИР: – Тирик бўлса тирикман, деб башарасиъи кўрсатмайдими?!

ҲАМШИРА: – Ҳозир кўрсатолмайди.

ДЎХТИР: – Нега? Ё унинг ҳам башарасидан олиниб қолганми?!

ҲАМШИРА: – Йў-ў, ҳозир улар олтинчи палатада манти еб ўтирибдилар...

ДЎХТИР: – Тешиб чиқсин еган мантиси! Касалларнинг мантисини еяптими?! Чакир бу ёққа ўша

мантихұрингни, месиз еган мантисини бурнидан булоқ қилиб чиқариб олай!

ҲАМШИРА: (Қувониб) – Хұп бұлади! (Чиқиб кетади. Бошида телпак, куртка кийган йигит, құлида қоғоз билан кириб)

ЙИГИТ: – Мумкинми, дүхтири?

ДҮХТИР: – Мумкинмас! Бу ер катта холантни айвоними, сузіб келавурадиган?! Ечиниб кирмайсанми?!

ЙИГИТ: (Кұлидаги қоғозни унга узатиб) – Мен фақат...

ДҮХТИР: – Ечиниб кир дедимми, ечиниб кир! (Йигит елка қисиб чиқиб кетади) Касалхонами бу ё молхонами?! Тұпирлашиб, кийим билан бостириб киришади.

ЙИГИТ: (Курткаси ечилен, телпаги құлида) – Энди мумкинми, дүхтири?

ДҮХТИР: (Уни құриб, баттар жазаваси құзийди) – Мен сенга ечиниб кир, дедимми, ечиниб кир да!

ЙИГИТ: (Унга құлидаги қоғозни узатиб) – Мен фақат...

ДҮХТИР: (Столни муштлаб) – Фақат-мақатни билмайман, ечиниб кирасан, кейин гапирасан! Чиқ!

(Йигит баттар ажабланиб, елкасини қисиб, чиқиб кетади.)

Расволар, маданиятсизлар, ечиниб кирни тушунмайдыган масовлар! Нима, сенга бу ер чойхонами, ё пивохонами?! Ҳозыр бир кружка муздай пиво булса ёмон бұлмасди...

ЙИГИТ: (Күйлакчан кириб) – Энди мумкинми?!

ДҮХТИР: – Мумкин эмас, мен сенга ечиниб кир, дедим!

(Йигит чиқиб, майка ва калта иштонда кириб)

ЙИГИТ: – Энди мумкиндир?

ДҮХТИР: – Мумкин! Мана, ечинса бұларкан-у! Хүш, нима бұлды, нимадан шикоят қымоқчийдінг?

Қаеринг огрийди, қачон ва қандай қилиб огрийди, тушунтириб гапир!

ЙИГИТ – Мени ҳеч қаерим оғримайды. Мана бу накладнойга құл құйсанғыз бұлғани!

ДУХТИР – Қанақа накладной?

ЙИГИТ – Касалхонага күмир олиб келувдим, шунға “Юкни олдим” деган мана бу жойига құл құйинг, демоқчийдим!

ЭКСТРАСЕНС БОЛА

Ичкиликбозлиги билан қишлоқда отнинг қашқаси бұлған, жиккаккина, бурни қип-қизил Құроқбой иккинчи синфда иккиге ўқыйдиган, сочи тақыр қилиб машинкада олинған, күйлагининг ёқалари гижим Ұроқбойни судраб, мактаб директорининг хонасига кириб келади ва стол устиға бир варақ, гижимланған қоғозни таппаб, гердайиб туради.

ДИРЕКТОР: – Нима бу?!

ҚҰРОҚБОЙ: – Нималигини ўқисанғыз биласиз-да!

(Директор стол устидаги Құроқбой ташлаган қоғозни ажабланиб құлиға олиб, уни овоз чиқарып ўқыйді)

ДИРЕКТОР: – Үрта мактасыннан директори Ҳәлимбей Салимбоевге ариза!

Ушбу ариза шул ҳақдаким, мени үглем, мактабингизнинг иккинчи синф ўқувчысы Ұроқбой Құроқбоевда гайритабиий қобиляят ва биоқувват пайдо бұлғанлиги ва бу қобиляйтнинг умумбашарий ақамияти ҳамда жағон фанида катта воқеалигини ҳисобға олиб, уни ўқищдан озод қилишингизни сүраймиз”...

Тушунмадам. Бу ўзи қанақа ариза?

ҚҰРОҚБОЙ: (Гердайиб) – Ўзим ҳам шундай деб үйловдым. Мактабнинг директори ярим варақ аризани

тушунмаса, унда бу ерда ўқишининг даражаси қай ҳолатдалиги тушунарли бўлди! Сиз учун содда қилиб айтадиган бўлсанм, сизнинг собиқ ўқувчингиз, айни пайтда бизнинг ўғил — Ўроқбой кўзи билан тикили-иб туриб, яримталик арақни жойидан силжитиб юборяпти. Шундай тикилади-да, қўлинин теккизмасдан силжитади! Энди боланинг ўқиши шарт эмас! Фанлар академиясига борамиз, кейин Америкага гастрол!

ДИРЕКТОР: — Кўнгилларига қўтириб тогора! Америкада сиздай пиёниста ва мана бу иккичи, чаласавод болага пишириб қўйишибдими?! Қани, хўв, Қўроқбоев, дарсга гизилла-чи!

(Ўроқбой бошини этиб, отасининг жиккак гавдаси ортига яширинади.)

ҚЎРОҚБОЙ: (Боласининг елкасидан ушлаб) — Бошни кутар, ўтлим! Энди сени мактаб билан қўрқитишолмайди! Энди биз буларни бир тийинга олмаймиз! Булар бизга капейка! Сендаги экстра қобилият, биласанми, миллиондан, йў-ўқ, миллиарддан битта одамга насиб этади!

Мен ҳам арақ шишиасини кўзим билан жойидан суринни орзу қилганман. Ана шу орзу деб умр бўйи риёзат чекканман! Мана энди, ойнинг ўн беши қоронгу, ўн беши ёду билан, деганларидай, мен етмозган орзуга сен етган экансан, ёруг кунларга чиқиб, кўкрагимизга шамол тегадиган бўлди. Энди алвидо, мактаб!

ДИРЕКТОР: — Менга қаранг, боланинг олдида нималар деб валдираяпсиз? Эсингизни едингизми? Бизда ўрта таълим мажбурий эканлигидан хабарингиз борми ўзи? Ўглингиз ўрта мактабни тўлиқ ўқиб, битиришга мажбур!

ҚЎРОҚБОЙ: — Йўқ, у оилани боқишига мажбур! Ҳамма ака-ука, тога-жиянлар бунга ишониб, ишдан бўшаб олишган. Йигирма саккизта одам, оиласи билан Ўроқбойга умид кўзини тикиб ўтиришибди.

Энди Ўроқбой шаҳарма-шаҳар, мамлакатма-мамлакат юриб, сеанслар кўрсатади! Биз унга продусорлик қиласиз!

ДИРЕКТОР: – Сиз билан сафсата сотишишга бекорчи вақтим йўқ. Маориф бошқармасига ҳисобот ёзишим керак. Илтимос, халақит бермасдан, кабинетдан чиқинг!

ҚУРОҚБОЙ: – Ўргилдим кабинетингдан! Ўроқбой, чиқар ҳалигини! Кўрсат бунга ҳунарингни!

(Ўроқбой мактаб сумкасидан яримта ароқ шишани чиқариб, дўқиллатиб стол устига қўяди. Ўзи икки қадам орқага тисланиб, нигоҳини шишага қадаб, кафти билан уни ўзидан сурғандай ҳаракатлар қила бошлайди. Ота турган жойида юлқиниб, жон-жаҳди билан қичқиради.)

Тириш, тириш! Бўш келма, Ўроқбой! Кучинг борича тириш! Менсимаслик қанақа бўлишини бу пандавоқига кўрсатиб қўй, ўглим! Бу ҳали соямизга салом берадиган бўлади. Ўроқбой бизнинг мактабда ўқиган, деб телевизорга чиқиб, оғиз кўпиртириб, мақтанади!

(Ўроқбойнинг юзи қаттиқ кучанишдан қизариб кетади. Директор олдида турган арақ боланинг чигоҳига деш берэмай, діримлаб сурила бошлайди.)

ДИРЕКТОР: – (Ўзини йўқотиб) Бу бўлиши мумкин-мас!

(У ўзини шиша устига ташлайди. Лекин шиша билан қўшилиб у ҳам дириллаб, орқага сурилади. Қўрқанидан кўзлари пешонасига чиққудай олаяди)

ҚУРОҚБОЙ: – Ҳа, Ўроқбой, бўш келма, ўглим! Шишани директоринг билан бирга қўшиб сур! Бу бечораям маошга оила тебратади! Бунгаям қийин! Майли, кенгга кенг дунё, буниям боқимандалар рўйхатига, йигирма тўққизинч қилиб киритиб, савоб учун боқамиз!

ПУЛ ДАРДИ ЁМОН!

(Психотерапевт хонаси)

БЕМОР: – Мумкинми, дүхтири?

ДҮХТИР: – Мумкин!

БЕМОР: (Оёқ учида хонага кириб, атрофга аланглаб, сүңг овозини пасайтириб) – Хонада ҳеч ким йүкми, дүхтири?

ДҮХТИР: (Шубҳаланиб, атрофга аланглаб) – Ҳеч ким йүк! Бемалол гапираверинг. Хуш, сизни нима безовта қиляпти?

БЕМОР: – Пул безовта қиляпти! Шу пул деб ҳаловатимдан айрилдим...

ДҮХТИР: – Тушунаман, пул дарди ёмон бұлади! Бирор яқинингизга қарз беріб, ололмай юрибсизми, е мұмайроқ пул йүқтөднингизми?

БЕМОР: – Аксинча, топиб олдим!

ДҮХТИР: – Қанча?

БЕМОР: – Бир қопчиқ!

ДҮХТИР: – Бир қопчиқ?!

БЕМОР: – Ҳа! Гамсиз, ташвишсиз юрувдим, пул топдым-у, тинчимни йүқтөдим! (Йиглайди) Оч қорним – тинч қулогим, деганлари шу экан-да, а?!

ДҮХТИР: – Тинчланинг, үзингизни босинг! (Стаканга дори қуйиб, унга тутади) Мана буни ичворинг.

(Бемор дорини бир күтарип да ичиб юборади)

ДҮХТИР: – Энди ҳаммасини бир бошдан гапириң.

БЕМОР: – Гира-шира тонғда ошга кета туриб, юмшоққина нарсага қоқилиб, эгилиб қарасам – қопчиқ! Тунда үтган бирорта арава-парава, молшин-попиндан тушиб қолғандир, деб очиб күрсам, қопчиқ тұла пул! Яна ҳаммаси дұллар!

ДҮХТИР: – Дұллар!؟ (Стаканга дори қуйиб, даст күтарип ичади.)

БЕМОР: – Дүллар! Аввалига довдираң, нима қилишимни билмай туриб қолдим.

ДҮХТИР: – Үзингизга келгандан кейин, қопчиқни құлтиқлаб, уйға югурдингиз...

БЕМОР: – Йұ-ұ-ұ, дүхтир, қаёқда! Этаси келиб қолармикан, деб қопчиқнинг тепасида қоровуллаб, кутиб турдим.

ДҮХТИР: – Қ-қ-қанча кутдингиз?

БЕМОР: – Бир соат.

ДҮХТИР: – Мабодо, болалигингизда бошингизга гишт-пишт түшиб кетмаганми?

БЕМОР: – Йұ-ұқ!

ДҮХТИР: – Күп ичасизми?

БЕМОР: – Сувними?

ДҮХТИР: – Арақни!

БЕМОР: – Умуман арақ ичмайман!

ДҮХТИР: – Авладингларда сүяк сурадиган касал йүқми? Жинни-пинни, восьвос деганларида?

БЕМОР: – Авладимизда ҳаммаси порадка!

ДҮХТИР: – Бир соатча кутдингиз, иннакейин-чи, иннакейин?

БЕМОР: – Ҳеч ким келмагач...

ДҮХТИР: – Виждонингиз тинчланиб, қопчиқни уйға олиб кетдингиз...

БЕМОР: – Йұ-ұ-ұқ, милицияга бориб, “Бироңтаси пул йүқтедим, деб сизларга арз қилмадими?” дедим.

ДҮХТИР: – Милицияда, “Пулни бу ёқса чўз!” – дейишдими?

БЕМОР: – Йұ-ұ-ұқ, ҳеч ким арз қилмади, дейишди. Демак, атайлаб сохта пулларни кўчага ташлаб кетишган, деб ўйладим. Буни аниқлаш учун милициядан чиқиб, тўгри банкка бордим.

ДҮХТИР: – Банқдагилар, дўлларлар сохта, дейишдими?

БЕМОР: – Йұқ, ҳақиқий, дейишди. Кейин у ердан чиқиб...

ДҮХТИР: – Нихоят уйға кетдингиз!

БЕМОР: – Йү-ү-үқ, нимага уйга кетар эканман?!

ДҮХТИР: – Унда нима қылдингиз?!

БЕМОР: – Қопчиқни ташлаб юбордим!

ДҮХТИР: – Вой-й-й! Ичидаги пули биланми?!

БЕМОР: – Албатта!

ДҮХТИР: – Вой дура-а-ак! Үзизни дүхтирга күрсатишиңгиз керак экан-у!

БЕМОР: – Мен ҳам аввалига дүхтирга күрсатай-чи, дәб қопчиқни сизга олиб келаңтувдим. Касал күрадиган одамга пулни күрсатиш бефойда, дәб ахлат қутисига ташлаб юбордим.

ДҮХТИР: (Үрнидан сапчыб туриб) – Ахлат қутисига-а-а?!

БЕМОР: – Ҳа, мана шу поликлиника ташқарисидаги ахлат қутисига ташлаб юбордим.

Кейин... (Дүхтир күзлари ола-кула бұлиб, үрнидан сапчыб туради.) Гапнинг бердисини айтгунимча сабр қилинг-да, дүхтир!

(Дүхтир деразани қасира-қусир очади)

Шошманг, дүхтир, кейин нима бұлғанини эшитсангиз-чи! (Дүхтир үзини деразадан пастта ташлайди) Гапни охирігача эшитмасдан түртінчи қаватдан калла қүйдими бу?! (Деразадан пастта қараб қичқиради) Кейин, чүчиб уйғонсам.. тушим экан, демокчидим. дүхтир!

ҮЙИНДАН ҮТ ЧИҚДИ!

Қишлоқ растаси. Лоторея согувчыси, құлида мегафон:

СОТУВЧИ: – Ҳурматли қишлоқ аҳли! Ютуқли лотореяларимизга марҳамат қилинг! Қымматбақо ютуқларимиз сизларға мунтазир! Омадингизни синаң күринг! Атиги олты юз сүмга "Нексия", "Матиз" автомашиналарини ютиб олиш имкониятини құлдан берманг! Бир зумда катта ютуққа зришиб, бағавлат бўлишиңгиз мумкин!

(Оломон лоторея столи атрофини ўраб олган. Кимдир томоша қиляпти, кимдир лоторея харид қилиб, танганинг орқаси билан чиптадаги ютуқ ёзиладиган катакни учирмоқда. Абдуҳолик стол ёнига келиб, лоторея олаёттанларни қизиқиб кузатади. Сотувчи унга кўзи тушиб)

– Олинг, ака!

АБДУҲОЛИҚ: – Олардим-у, умримда лотореядан ютмаганман-да, ука!

СОТУВЧИ: – Кўнглим сезиб турибди, бу сафар, албатта, ютасиз!

АБДУҲОЛИҚ: – Сезиб турган бўлсанг, ол битта ютуқ чиқадиганидан!

СОТУВЧИ: – Марҳамат! (У пулни олиб, битта лоторея узатади)

АБДУҲОЛИҚ: – Кўнглингни қандайлигини синаб кўрамиз-да, энди! (У бир чеккага чиқиб, танганинг қирраси билан лотореядаги катакни учириб, ундаги ёзувни ўқиб, қичқириб юборади) О, ес! (Қувончдан ўйинга тушиб кетади) Ким олади-я, “Нексия”ни-я!? Ман оламан-а, “Нексияни-я!” Ютуқ йўқ дейсанлар, бор экану ҳақиқат!

ҲАМҚИШЛОҚЛАР: – Ҳоликвой, нима чиқди??

– Нима чиқибди, “Нексия”ми?

АБДУҲОЛИҚ: – Канешна Нексия! Майдалашиб утирадими! Бераман деса қулига, чиқазиб қўяр йўлига, деганлари шу-да! Олти юз сўмга битта “Нексия”ни йўлимизга чиқазиб қўйганнига шукр! (Сотувчининг олдига бориб) “Нексия”ни сандан оламизми?

СОТУВЧИ: – (Ҳайратланиб) Чиқдими??

АБДУҲОЛИҚ: – “Ми”сини олиб ташла, ука! Кўнглинг тўгри сезган экан! Аканг қарагай Нексия ютди! Қани, Нексиянг, чиқаз буёқقا!

СОТУВЧИ: – Унақа катта ютуқни шаҳарга бориб, фирмадан оласиз.

ҲАМҚИШЛОҚЛАР: – Ютуқни ювамизми??

АБДУХОЛИҚ: – Канешна ювамиз! Ювиш ҳам гапми, түй қиласыл! Бизниңдеги түйга марқамат қиласылар!

(У даврадаң чиқиб, одамлардан узоқлашиб, үзича кулади)

Лотореяга Нексия ютармишман! Түянинг думи ерга текканда, ұқызылар дараҳт тепасига уя қуриб, бола очганда лотореяга Нексия чиқади!

(Абдухолиқ уйига қайтаётиб, дарвозаси өлдида одамларни күриб тұхтайди.)

АБДУХОЛИҚ: – Ие, бизиңдеги одамлар кириб кетишпимиз? (У қадамини тезлатиб, дарвоза олдига келади. Ҳовлидан хотини үғли билан чиқади)

ХОТИН: – Гизиллаб бориб, бозордан йигирмата патир, элликтә нон ол! (Эрига күзи тушиб) Хайрият-е, келдингизми, дадажониси! Бутун маҳалла-күй, ошнагайыннингиз үйингизни тұлдириб үтиришибиди, фақат сиз үйіксиз! Одам деганиям шунаңа бемалолхұжа бұладими?

АБДУХОЛИҚ: – Нима гап үзи, тинчликми, хотин?!

ХОТИН: – Вой товба-ей, ҳеч нарса билмагандай булаңнинг қилиқ қилишларини қаранглар!

БОЛА: (Оғзининг таноби қочиб) – Дада, "Нексия" ни үзим ҳайдаиман, үзим, майлым!

ХОТИН: – Э, ҳалиям кетмай турибсанми, тезроқ бориб, нонни олиб келсанг-чи! (Бола чопиб кетади. Эрига) Нимага уйга кирмай серрайиб турибсиз? Құшнилар қон чиқариш керак, дейишганига Бұтавой қассобни чақириб, семиртираёттан құчқорингизни бұғизлатвордим!

АБДУХОЛИҚ: – Нима, құчқорни бұғизлатдим дейсанми?! Құчқор причем?!

ХОТИН: – Вой товба! Шундоқ омад кулиб турғанда, битта құчқорни қызғанамизми?! Бунчалик қаттық бұлманг-ей, хұжайин! Эшиттанлар нима дейди?! Вой,

нимага бетда турибсиз, кириң ичкарига! (Хотин вайсаганича ичкарига кириб кетади. Абдуҳолик бўшашиб, деворга сяниб қолади.)

АБДУҲОЛИҚ: (Пешонасига шапатилаб) – Ўйин қилмай ўл дейдиган одам йўқ. Ўйиндан ўт чиқди, деганлари шу бўлади, Мирҳолик!

ҚУШНИ: (Ичкаридан олдида фартук, бир қўлида пичоқ билан чиқиб) – Абдуҳолик, қўчқорни бўтизладик энди унчи қаерга осайлик?

АБДУҲОЛИҚ: – Қўчқорними?! Уни (тилини чиқариб) манов узун тилимга осинглар!

ТУГМА

Топилмалар столига бир киши тугма кўтариб кириб:

КИШИ: – Ассалому алайкум, шу ер топилмалар столими?

ҚИЗ: – Ҳа.

КИШИ: (Тутгани стол устига қўйиб) – Мана!

ҚИЗ: – Бу нима?

КИШИ: – Тутгма! Аёллар пальтосининг тутмаси.

ҚИЗ: – Аёллар пальтосининг тутмаси эканлигини куриб турибман. Лекин буни нимага олиб келдингиз?

КИШИ: – Шу ер топилмалар столими?

ҚИЗ: – Столи!

КИШИ: – Топган нарсамни олиб келдим-да.

ҚИЗ: – Устимдақ куллапсизми?

КИШИ: – Нега устингиздан кулар эканман?

ҚИЗ: – Бунга қўшиб, кўчада ётган бирорта буш гугурт кутисини ҳам олиб келмабсиз-да!

КИШИ: – Гугурт кутисини опкелишим керакмиди? Билганимда опкелардим.

ҚИЗ: – Раҳмат! Катта раҳмат! Жуда ҳалол одам эканлигиниз кўриниб турибди. Тутмангиз ўзингизга сийлов. Ҳазилингиз кулгили чиқмади!

КИШИ: – Топган нарсаны топилмалар столига олиб келиш сизларда ҳазил, дейиладими?

ҚИЗ: – Бир донагина тутма олиб келиб, овора бұлмасдан, унга тегишли пальтониям ола келмабсиз-да!

КИШИ: – Пальтоны топмаган бұлсам қандай олиб келаман?

ҚИЗ: – Яна тапимни тушунмадингиз! Бир донагина тутмага овора бұпсиз, демоқчыйдим.

КИШИ: – Сизнинг-ча, бир дона эмас, бир вагон тутма келтиришим керакмиди?

ҚИЗ: – Ўзи ғалати одам экансиз-у! Бу оддий, пластмасса тутма бұлса, олтін ёки платина бүтаница бошқа гап зеди...

КИШИ: – Ҳозирча олтін ё платина тутма топмадим. Топсам, албатта, опкеламан!

ҚИЗ: – Яхши, тушундым. Ҳозир бу топилмани протоколлаштираман. Лекин бу арзимас матоқни бирор сұраб келишигінде ишонмайман.

КИШИ: – Чунки сиз, собиқ хотинимни билмайсиз-да!

ҚИЗ: – Бунга собиқ хотинингизнинг нима дахли бор?

КИШИ: – Бу тутма хотинимхине пальтоидек тушиб қолған. Тұғрироги, менинг уйимда тупириб қолдирилған.

ҚИЗ: – Үнда, бу қуриб кеттүр тутмани хотинингизге үзингиз береб құя қолмабсиз-да?

КИШИ: – Нега әнди үзим берар эканман? Тутма керак бұлса үзи шу ерга келиб олиб кетсин!

ҚИЗ: – Қаердан келади?

КИШИ: – Намангандан! У ҳозир Наманганда, онасиникида яшайды!

ҚИЗ: – Наманганда, онасиникида яшаса, тутмаси топилганини қаёқдан билади?

КИШИ: – У шу тұгмани деб устимдан неча бор шикоят ёзди! Ниҳоят, уни үйдан топиб, Наманганга телеграмма юбордим.

ҚИЗ: – Битта тұгмани, деб хотининг шунча жойдан келишига ишонмайман!

КИШИ: – Мен ишонаман!

ҚИЗ: – Мен ишонмайман!

КИШИ: – Бекор қиласиз! У ташқарыда, тұгмани сизге тогширишимни гутиб турибди!

(Ташқаридан аёл кишининг шангиллаган овози эшитилади)

АӘЛ: – Қани менинг йүқотған тұтмам?! Онам келинлигимда кийдирған палътонинг тұтмасини сен ярамаста қолдирмайман!

КИШИ: – Ана, тұгманинг эгаси келяпти.

ГАП КҮНГИЛДА

Инкаридан оқ халат кийған, құлида дори солинадиган қути күтарған дұхтириң чиқиб, мунгайиб турған аёл қаршисига келиб, құлларини кериб, бosh чайқайди.

ДҰХТИР: – Энди бардам бұласиз-да, келинойи... Құлдан келған ҳамма чораларни құлладык, лекин начора, тибиңдегі ҳали мұъжизага қодир зemas. Тайёргарликни күришден бошқа иложингиз йүқ.

ХОТИН: (Йигламсираб) – Бошта туштанни күз күради-да, иложимиз қанча, дұхтири?..

(Дұхтириң бошины сараплатыб, құлини күксига құйғанича, ҳовладан чиқиб кетади. Шу эшикдан Тұғриқұл ҳовлиқиб киради)

ТҰҒРИҚҰЛ: – Тинчликми, дарвозангларда скорий турған экан, күзим түшди-ю, хабар олай, деб югуриб келяпман.

ХОТИН: – Лапарбой aka яна оғирлашиб қолдилар. (Йиглайди) Энди нима қиласаман?! Үпоқмиди-сұпоқмиди, эрим зди!..

ТҮГРИҚУЛ: – Кеча туппа-тузук эди-ю, мабодо бирорта яхши хабар эшитувдими?

ХОТИН: – Э, айтмоқчи, нариги маҳаллалик Ваққос амаки келиб, ўглим фан доктори буłди, деб оғиз күпиртириб мақтанувди. Шу гапни эшитганидан ранглари оқариб-кўкари-и-б турди-да, Ваққос амаки кетишлари билан “ваҳ!” деб юракларини ушладилар-у, хушларидан кетдилар. Дўхтир, ҳаракатингларни қиласверинглар, дегандай гап қиёди.

ТҮГРИҚУЛ: – Бекорларнинг бештасини ебди, ўша дўхтир! Улар Лапарбойни билишмайди. Унинг дарди танасида эмас, кўнглида! Кўнгли топиб гапирилса, тузалиб кетади!

ХОТИН: – Айтганингиз келсин, ишқилиб!

ТҮГРИҚУЛ: – Айтганимни келтираман ҳам! Қани, касални кўрайлик-чи!

(Тўгриқул Лапарбойнинг хотинига эргашиб, хонага киради. Хонадаги диванда Лапарбой тўشاқда узала тушиб, беҳуш ётибди. Тўгриқул унинг тепасига бориб дейди)

Лапарбой, ҳў Лапарабой! Мени эшитяпсанми?

ХОТИН: – Беҳуш ётган одам ниманиям эшитарди?

ТҮГРИҚУЛ: – Ҳозир кўрамиз-да, эшитиш-эшитмаслигичи. Салимбойнинг ишдан олинганини эшитдингми, Лапарбой?!

ХОТИН: – Во-о-ой, тавба, анов бошқарма бошлиги Салимбой Содиқовични ишдан олишибдими?

ТҮГРИҚУЛ: (Бармсинги лабига босиб, ёлғон ишорасини қилиб, гапида давом этади) – Олишгандаям шармандаларча олишибди.

(Бемор бошини аста қимирлатади)

Шокир бизнесмен бўлса банкрот бўлиб дўкони, участкаси, машинасини сотиб, қарзларини тўлаётганмиш.

(Бемор кўзларини очиб, бошини ёстиқдан кўтаради)

ЛАПАР: – А-а-а-а!

ХОТИН: – Худога шукр, ўзларига келяптилар!

ТҮГРИҚУЛ: – Кече Метинбойнинг "Мерседес"ини, гаражининг эшигини қўпориб, олиб кетишибди.
(Бемор ўрнидан туриб ўтиради.)

Милицияда тогаси бор экан, уша машинани...

(Бемор яна ҳушидан кетиб, ёстиққа йиқилади.)

ЛАПАР: – Э-э-э!..

ХОТИН: – Вой, хушхабар айтманг, айтманг, ўлчб қолади-я!

ТҮГРИҚУЛ: – Тогаси милицияда булсаям машина топилмабди.

(Бемор яна кўзини очиб, бошини ёстиқдан кутаради.)

Яна бир яхши янгилик! Шодимат шапшакнинг ўғли институтда ўқий олмай қишлоққа қайтиб кепти!

ЛАПАРВОЙ: – Қайтиб кептими?! Ажаб бўпти, зап бўпти! Шодимат ўглим фалон жойда ўқийди, деб гердайиб юрарди. Энди гердайиб бўпти!

ТҮГРИҚУЛ: – Олмошнинг саккизта бўрдоқи қўйини тунда қўрасидан ўгирлаб кетишибди!

ЛАПАРВОЙ: (Хиринглаб кулади) – Саккизта қўйни-я! Шуниси зўр бўпти-да!

ТҮГРИҚУЛ: – Яна бир зўр хабар!

ЛАПАРВОЙ: – Шошма, оғайни, шошма! Бунақа яхши гапларни проста гапириб, увол қилмасдан, яхши нарсани майдалаб, ҳузур қиле-е-еб, эшлиш керак! Мен ҳозир, гизиллаб чиқиб, растандан тентак сувдан бигтасили қўлтиқлаб келеман, унгача хотин қозонни чўчитиб, жиз-пиз қилворади. Қиттай-қиттай қил-е-еб, ҳалиги яхши хабарларни бошидан тинглаб, бир мириқамиз! Ҳозир, мени куттил ва мен тезда қайтарман!

(Лапар оёғига шиппатини илиб, ташқарига отиласди)



МАСАЛЛАР

(Крилов ва Мухтор Худойқулдан бошқача)



ЖАНГОВАР ФАОЛИЯТ

Харсанг Чагиртошнинг куксида қаҳрамонлик белгисини кўриб сўради:

– Шундай юксак мукофотни қайси хизматларингиз учун беришган?

– Мевачилиқдаги жанговар жасоратим учун! – деди Чагиртош каландимогалик билан.

– Тушунмадим, мевачилиқда жанговар жасорат нима қиласди? – деди ҳайратланиб Харсанг.

– Пойдеворликдан бошқасига ақдинг етмагандан кейин шу-да! – деди Чагиртош энсаси қотиб. – Мевали дарахтга отилиб, мевасини камайтиришда биз алоҳида хизмат кўрсатганимиз!

Харсанг меванинг камайиши билан қаҳрамонлик ўртасида қандай боғланиш борлигини ўйлаб, ҳалигача, ўйига етолмай ётганмиш.

ЭШАКНИНГ ҚАРИЧИ

Ўрмонда ўтказилган гўзаллар танловида Оқкуш жонзорларнинг энг гўзали, деб тан олинди. Бундан Эшак қаттиқ норози бўлиб:

– Иё, иё, наҳотки шу тасқара ингичка бўйин гўзал бўлса?! – деб ҳанграб юборди. – Агар у чиндан ҳам гўзал бўлса, қулоги қани?!

МАРТАБАНИНГ УЛУГЛИГИ

Рўмолча костюм билан кўйлакни менсимасдан елпинганича:

– Мен кичкина бўлганим билан сизлардан мартабам улуг, – деди ўзидан кетиб. – Улуг бўлганим учун ҳам ҳар қандай одамнинг бурнини ишқаб қўя оламан.

У ўзининг улуглигидан ҳаволаниб, чўнтакка тушиш ўрнига кўкка кутарилиди-ю, шамолда учеб, ерга тушди.

АЙБДОР

Үрмонда кекса эман шамолда синиб, сардор Бўрининг устига тушибди. Бўрилар галаси ўрмондаги жонзотларни тўплаб:

— Эманни синдирган айбдорни топасанлар! — деб талаб қилишибди.

— Менимча, айбдор Қуён?! — дебди Тулки думини ликиллатиб. — Ўша эмсанниг тагини ковлаёттэнини кўрганман.

Илон вишиллаб гапга суқилиби:

— Дарахтни Типратикан қулатган! У ҳар доим ўша эмсаннинг тагида тимирскиланиб юради!

— Бекор гап! — дебди Тўнғиз үзига сигмасдан. — Эмсаннинг қулашига ҳеч ким айбормас, уни шамол қулатган!

Тўнғизнинг тўгри гапидан Бўрилар жазавага тушиб:

— Ҳ-ў-ўв-в-в! — увлашибди улар. — Бу билан сен хунни шамол тўлайди, демоқчимисан?!

— Бу ярамас тўнғиз бизни оч қолдирмоқчи!

Шундай деб Бўрилар Тўнғизга ташланиб, уни иштаҳа билан жазолашибди.

ЭЗГУЛИКНИНГ КЕЧИ ЙЎҚИ

ҚОРАБУЛОҚ ҲАНГОМАЛАРИ

Куркага қирон келди	8
Лақаб	11
Галстук	16
Ит	17
Товуқнинг хуни	18
Умри узун экан	23

МАМАТ МҮЙЛОВ ҲАҚИДА ҲАНГОМАЛАР

Абдураҳмон, соат неча бўлди?!	28
Сен бизга тирик кераксан!	30
Тарғила	33
Томизги	39

САҲМОН ЖИМ-ЖИТ ҲАҚИДА ҲАНГОМАЛАР

Тандир	44
Таътил орзуманди	50
Этигим эгалик бўлди!	53
Эҳтиёткорлик	56

РАЙИМ СОДДА ҲАҚИДА ҲАНГОМАЛАР

Меҳмонхонадаги трактор	61
Ишкоп можароси	62

ҲИКОЯЛАР

Тормозни бос!	65
Москвага бориб қолганим.	68
Хотинимдан олдиш олганим	70
Бурун устидаги бармоқ	72
Пилесос	73
Мухлис	75
Суви ачиган экан	76
Менам куламанми?	78
Машинага пул йигяпмиз	80
Мезбонликдан сабоқ	84
Телпакка тушган күя	85

САНЪАТКОРЛАР ҲАҚИДА ҲАНГОМАЛАР

Ҳазилнинг қаттиги	89
Машхурликният зарари	91
Қойилман, Нодиров!	95
Ютганмиз!	99

БИР КУНИ ҲУСАН ШАРИПОВ...

Артист	102
Хизмат кўрсатган ирригатор	104
Мафтунингман, ла скала!	106
Йўқолгай жомадон	108
Йўқолган икки юзталик	109
Ўзбошимчаликният жазоси	111
Ҳожикарим ойга чиқди	113
Касб байрами	114

ХОЛМАТ КАВАЛЕРИЯ ҲАҚИДА ҲАНГОМАЛАР

Холмат серлақаб	118
От пастлик қиди	122
Бир калишилк обру	127
Тварлар аламда қолишиб!	130
Репетиция	131

МИНИАТЮРАЛАР

Эркакнинг иши	133
Тузоқ	136
Ечиниб кир!	138
Экстрасенс бола	140
Пул дарди ёмон!	143
Үйиндан ўт чиқди!	145
Тутма	148
Гап кўнгилда	150

МАСАЛЛАР

Жанговар фаолият	154
Эшакнинг қаричи	154
Мартабанинг улуглиги	154
Қўлқопнинг қадри	155
Пашшанинг дарди	155
Иштаҳа	156
Ҳуқизнинг қувончи	156
Айбдор	115

УДК: 821.512.133

КБК 84(5У)7

И80

Исломқул, Мөҳмоя

И80 **Бир калишлик обрӯ/ ҳажвия ва ҳантомалар/**
М. Исломқул – Т.: "DAVR PRESS" NMU, 2012. – 160 б.

ISBN 978-9943-4071-0-7

УДК: 821.512.133

КБК 84(5У)7

Адабий-бадиий нашр

МЕҲМОН ИСЛОМҚУЛ

БИР КАЛИШЛИК ОБРӮ

Бош муҳаррир **Муҳайё Рихсибекова**

Муҳаррирлар **Дилдора Абдураимова**

Хосият Ражабова

Саҳифаловчи-дизайнер **Азиза Ойназарова**

Рассом **Махмуджон Эшонқулов**

Нашриёт лицензия рақами AI-№ 213
2012 йил 6 июлда теришга берилди. 2012 йил 13 июляда

босишга руҳсат этилди. Бичими 84x108 1/32

"Ba'tica APP" гарнитураси. Шартлі босма табоги 8,4.

Нашриёт ҳисоб табоги 5,1. Адади 1000 нусха.

598-сонли буюргта. Баҳоси шартнома асосида.

Оригинал макет "DAVR PRESS" нажриёт-матбаа
уйида тайёрланди.

"DAVR PRESS" NMU МЧЖ нинг матбаа бўлимида
оффсет усулида чоп этилди.

Манзил: Узбекистон Республикаси, 100156, Тошкент шаҳри,
Чилонзор тумани, 20^а-дача, 42-үй.

Тел: 8(371) 216-9014, 120-1299;

Маркетинг бўлими: 8(371) 120-1233, 420-1233

Web: www.davtpress.uz, www.kitoblar.com;

E-mail: davr-press@mail.ru